

O'ZBEKISTON RESUBLIKASI OISHLOO XO'JALIGI

№12-2018



Барча, юрtdош, таримийни, аграр(соха) хoдим, тарини,
Конституциями, қабул, қил, шингачинини, 26 йиллиги, ва,
Қиш, тоқ, рхў, жа, лиги, хoдим, тарини, қуни, муносабати, би, хан,
тиб, рик, тайми, Ҳа, қими, ҳoс, тур, хoни, қо, ту, хo, ли,
юр, тим, и, ти, 1000 қил, шидек, шараф, то, ва, хo, ли, қил,
(иш, тарини, ги, га, са, фар, то, ва, ти, хo, ли, ми, Ҳ)



ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли ватандошлар!

Муҳтарам деҳқон ва фермерлар!

Аввало, барчангизни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни билан чин қалбимдан табриклаб, энг эзгу ва самимий тилакларимни билдиришга рухсат этгайсиз.

Ўз ишининг моҳир устаси бўлган сиз, азизларнинг фидокорона меҳнатингиз самарасини ҳар куни ўз дастурхонида кўрадиган халқимиз бу йилги мавсум қандай оғир ва мураккаб кечганини яхши билади. Ҳақиқатан ҳам, табиат инжиқликлари — баҳорнинг қуруқ келгани, кутилмаган жала ва бўронлар, ёз фаслидаги кучли сув танқислиги, жазирама иссиқ, турли ҳашарот ва касалликлар экин-тикинларга катта хавф туғдиргани, кузда эса ёгин-сочинларнинг барвақт бошлангани мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ходимларини яна бир бор жиддий синовдан ўтказди.

Ана шундай қийинчиликларга қарамасдан, юртимиз бўйича 6 миллион 124 минг тонна ғалла, 2 миллион 300 минг тонна пахта, 8 миллион 661 минг тонна сабзавот, 2 миллион 411 минг тонна картошка, 1 миллион 607 минг тонна полиз маҳсулотлари, 2 миллион 100 минг тоннага яқин мева, 1 миллион 314 минг тонна узум, 18 минг тонна пилла, 1 миллион 789 тонна гўшт, 7 миллион 830 минг тонна сут тайёрлашга эришганингиз таҳсинга лойиқ. Муҳтасар айтганда, жами бўлиб 58 триллион 181 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирганингиз йил давомида қилган мардона меҳнатингиз маҳсулидир.

Жорий мавсум охирида, йил натижалари сарҳисоб қилинаётган мана шу қутлуғ айёмда сизларга, барча қишлоқ аҳлига ана шундай олижаноб меҳнатингиз учун ўз номидан, халқимиз номидан катта раҳматлар айтиб, чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Азиз дўстлар!

Сизларга яхши маълумки, юртимизда кейинги икки йилда барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги бўйича ҳам муҳим дастурлар, “йўл харита”лари ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, деҳқон ва фермерлар, дала ишчилари меҳнатини муносиб қадрлаш ва рағбатлантириш мақсадида давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган пахта ва ғаллани молиялаштириш тартиби ўзгартирилгани, Ўзбекистон тарихида биринчи марта фермерлар ўз маблағларини мустақил сарфлаш ҳуқуқига эга бўлганини таъкидлаш лозим.

Бу йилги мавсумда ғалла етиштирадиган фермерларга 1 триллион 33 миллиард сўм ёки ўтган йилга нисбатан 142 фоиз, пахтачилик хўжаликларига эса 5 триллион 138 миллиард сўм ёки ўтган йилга нисбатан 2,4 марта кўп имтиёзли кредитлар ажратилгани соҳа ривожига юксак эътибор намунасида.

Ушбу тармоққа бозор механизмлари, хўжалик юриштининг агрокластер тизими жорий этилаётгани, илгари эътиборимиздан четда бўлиб келган замонавий иссиқхоналар, балиқчилик, асаларичилик, қизилмия, заъфарон, қалампир, саримсоқ-пиёз, тўқсонбости усулида сабзавот етиштириш, паррандачилик, йилқичилик, томорқа хўжаликлари каби йўналишлар жадал ривожланаётгани туб таркибий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Буларнинг барчаси қишлоқ хўжалигини маҳаллий ва чет эллик инвесторлар учун тобора жозибали, истиқболли тармоққа айлантarmoқда.

Айни вақтда қишлоқларимиз қиёфасини тубдан янгилаш, уларни обод қилиш, қишлоқ аҳли учун замонавий шароитлар яратиш бўйича ҳам кўп иш қилинmoқда. Жумладан, арзон уй-жойлар дастури доирасида бу йил қишлоқларимизда 28 мингта уй-жой барпо этилиб, ўз эгаларига топширилди. Бундай уй-жойлар учун дастлабки тўлов миқдори 25 фоиздан 15 фоизга, кам таъминланган оилалар учун эса 10 фоизга туширилди.

Бу йил “Обод қишлоқ” дастури доирасида 159 та тумандаги 416 та қишлоқда катта ҳажмдаги қурилиш-ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Натижада 2 миллионга яқин аҳолимиз учун янги уй-жойлар, табиий газ, электр, ичимлик суви тармоқлари, равон йўллар, мактаб ва боғчалар, шифо масканлари, маданият ва спорт иншоотлари, бир сўз билан айтганда, муносиб ҳаёт шароитлари яратилгани, ҳеч шубҳасиз, барчамизни хурсанд қилади ва келгусида бу ишларни янада катта кўлам ва кенг миқёсда давом эттиришга руҳлантиради.

Қадрли юртдошлар!

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳозирги пайтда олдимизда ҳал қилишимиз лозим бўлган ғоят муҳим вазифалар турибди. Аввало, жорий мавсумнинг аччиқ тажрибасидан келиб чиқиб, юқори самара бермаётган пахта ва ғалла майдонларини қисқартиришни изчил давом эттириш зарур.

Пахта ва ғалладан бўшаган майдонларда экспортбоп, ички ва ташқи бозорда талаб катта бўлган экинлар экиш, бошқача айтганда, ҳар бир хўжалик ва тумanning ихтисослашувини қайта кўриб чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилишимиз, кўп тармоқли фермер хўжаликлари, томорқа майдонлари самарасини оширишга қаратилган ишларимизни кучайтиришимиз керак.

Қишлоқ хўжалигида чидамли, эртапишар, серҳосил экин навларини яратиш, чорвачиликда наслчиликни яхшилаш, энг катта бойлик бўлган ер ва сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, уруғчиликни ривожлантириш эътиборимиз марказида туриши лозим.

Келгуси йилда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида Давлат бюджетидан қарийб 1,7 триллион сўм, халқаро молия

институтларининг 84 миллион доллар миқдоридagi маблағини йўналтириш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, сув омборлари тармоғини кенгайтириш ҳисобидан лалми ерларни ўзлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Бунинг учун Тошкент вилоятида жами 45 миллион куб метр сув йиғиладиган “Паркентсой”, “Қизилсой”, “Тоштепа”, Жиззах вилоятининг Фориш туманида “Караман”, Қашқадарё вилоятида “Гулдара”, “Аяқчисой”, Самарқанд вилоятида “Булунғур” сув омборлари барпо этилади.

Келгуси икки йилда эса 1 миллион 200 минг гектар ернинг сув таъминоти барқарорлаштирилади, йилига 1 миллиард 700 миллион куб метр сув тежалади ва 600 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

Биз учун ўта муҳим вазифа — қишлоқ хўжалиги учун юксак билим ва малакага эга бўлган олий ва ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштиришимиз лозим. Бу борада хориждаги етакчи олий ўқув юртлари билан бирга қўшма факультетлар ташкил этиш, яқинда иш бошлаган “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали агро соҳа мутахассисларини, ёш кадрларни ривожланган хорижий мамлакатларда ўқитишга алоҳида аҳамият беришни замоннинг ўзи талаб этмоқда.

Келгуси йили қишлоқ хўжалигида 1 миллиард

870 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мўлжалланаётгани бу соҳадаги ишларимизнинг ҳажми ҳам, масъулияти ҳам нақадар юксак эканидан далolat беради.

Ўз олдимизга қўйган улкан вазифаларни адо этиш, мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, халқимиз дастурхонини фаровон қилишдек олижаноб мақсад йўлида ҳаёт синовларида тобланган, мард ва матонатли фермерларимиз, Ўзбекистоннинг барча қишлоқ хўжалик ходимлари бор билим ва тажрибаларини, куч-ғайрат ва имкониятларини сафарбар этиб, ўзларини аямасдан меҳнат қиладилар, деб ишонаман.

Азиз дўстларим, ватандошларим!

Сизларни яна бир бор Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни билан чин дилдан табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, ишларингизга янги-янги ютуқлар, хонадонларингизга файзу барак тилайман.

Умрингиздан, меҳнатингиздан барака топинг!

Кириб келаётган янги — 2019 йилда ҳосилимиз янада мўл бўлсин!

Қабул қилаётган барча режа ва дастурларимиз ижобат бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик фидокорона меҳнати билан мамлакатимизнинг иқтисодий кудрати ва экспорт салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожини янги босқичга кўтариш ва уни комплекс модернизация қилиш, соҳага инновацион технологиялар, замонавий илм-фан ютуқларини, кластер тизимини кенг жорий этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, барча турдаги қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириб, эл-юрт фаровонлигини юксалтириш, дастурхонларимиз тўкинлигини таъминлашга қўшган муносиб ҳиссаси, аграр секторда ислохотларни, давлат дастурларини муваффақиятли амалга ошириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими”**

Инамова Санобат Ахматовна — Чуст туманидаги “Санамжон Санобар” фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

Умматов Шавкат Турсунович — Оқолтин туманидаги “Улуғбек” фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган ирригатор”**

Хужаев Холбек Ризаевич — “Нарпайдавсувмах-суспудрат” давлат унитар корхонаси экскаватор машинисти, Самарқанд вилояти

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган чорвадор”**

Хужанов Жаксимурат Каленович — Конимех

туманидаги “Қушқудуқ-Дўстлик-Кумуш-сури” масъулияти чекланган жамияти бош чўпони, Навоий вилояти

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Новицкий Зиновий Богданович – Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳузуридаги ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири

Нормурадов Холмамат – Термиз туманидаги “Термиз паррандачилик фабрикаси” масъулияти чекланган жамияти раиси, Сурхондарё вилояти

Пайзиев Рустам – Ғиждувон туманидаги “Файз” фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

“Меҳнат шўхрати” ордени билан

Абзалов Мирадхам Фузаилович – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти лаборатория мудири

Аминов Давлатбой Хажиевич – Хонқа туманидаги “ФЕЕДГРАН” масъулияти чекланган жамияти раиси, Хоразм вилояти

Ахмедов Алижон – Қўрғонтепа туманидаги “Оқ-сув” фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Бегматов Баходир Сафарович – Гулистон туманидаги “Орол неъматлари” фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

Боқиев Одил Содикович – “Ромитандавсувмах-суспудрат” давлат унитар корхонаси экскаватор машинисти, Бухоро вилояти

Жалилова Мавлуда Исматовна – Кармана туманидаги “Аликул-Қахрамон давомчиси” фермер хўжалиги механизатори, Навоий вилояти

Мажидов Ахмат Нажмиддинович – Олтинсой туманидаги “Янги турмуш” фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Матякубов Искандар – Эллиққалъа туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Қорақалпоғистон Республикаси

Усманов Ақтам Суванович – “Зарафшон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг “Мианкал Тос” ирригация тизими бўлими бошлиғи, Самарқанд вилояти

Халикулов Заир Ибрагимович – Арнасой туманидаги “МТТ SEA FOOD” масъулияти чекланган жамияти директори, Жиззах вилояти

Хатамов Абдували – Бекобод тумани ветеринария бўлими катта ветеринари, Тошкент вилояти

Ҳожиахмедов Мамасабир – Риштон туманидаги “Страус Фарм” қўшма корхонаси таъсисчиси, Фарғона вилояти

Холёров Иброгим Туйчиевич – Қарши туманидаги “Бахт” фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Худайбердиева Омина Инамовна – Мингбулоқ туманидаги “Мулқобод орзулар диёри” фермер хўжалиги ишчиси, Наманган вилояти

“Дўстлик” ордени билан

Абдиллаев Тулеген – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қишлоқ хўжалик машиналари кафедраси доценти

Безбородов Герман Александрович – Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти етакчи илмий ходими

Жиянов Саидмурод Сотиболдиевич – “Қуйи Сирдарё” ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг Сардоба тумани ирригация бўлими бош гидротехниги, Сирдарё вилояти

Жонабилов Маҳмуджон Пайзуллаевич – “Пахтакор агросервис МТП” масъулияти чекланган жамияти комбайнчиси, Жиззах вилояти

Курбаниязов Мурат Кожаметович – Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги агротадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи

Кучкаров Жумабай – Тошкент давлат аграр университетини деҳқончилик ва мелиорация кафедраси доценти

Мухамадиев Умит Гайратович – Фарғона туманидаги “Водил ипак йигирув” шўъба корхонаси директори ўринбосари, Фарғона вилояти

Насибуллина Фарида Рафиковна – Юқори Чирчиқ туманидаги “Олтинкўз дурдонаси” масъулияти чекланган жамияти биологическая лаборатория мудири, Тошкент вилояти

Оллаберганов Оллаберган Ражабович – Хива туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Хоразм вилояти

Рахимов Кахрамон Байматович – Қашқадарё вилояти асаларичилар уюшмаси аъзоси

Саидов Юсуп Маматович – “Аму-Сурхон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг Узун тумани ирригация бўлими бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Салимова Назакат Астановна – Олот туманидаги “Хидир бобо” фермер хўжалиги пиллачиси, Бухоро вилояти

Сулайманов Абдумуталиб Кучкарович – Андижон вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси мева-сабзавотчилик, узумчилик ва картошкачилик бўлими бошлиғи

Халимов Комилджон Рашидович – Самарқанд туманидаги “Оқ амур балиқлари” фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

Хасанов Содикжон Дехконбаевич – Чуст туманидаги “Барака мева саноат сервис” масъулияти чекланган жамияти раиси, Наманган вилояти

“Шўхрат” медали билан

Бабаев Бабожон Хажиевич – Урганч туманидаги “Хоразм қуён савдо” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

Бабаханов Бахридин Сулайманович – Қумқўрғон тумани ветеринария бўлими участка бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Джуманазаров Алишер Рустамович – Нукус туманидаги “Nukus Agro Impex” масъулияти чекланган жамияти директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Карамова Тамара Асеновна – Кегейли туманидаги “Бўзатов” давлат ўрмон хўжалиги ўрмонбегиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Кимсанов Хасанбой Бурибоевич – Жалақудук туманидаги “Ал-Хасанбой бек боғи” фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Куватов Камардин Таджидинович – Андижон шаҳридаги “Сапфир саноат” масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

Кучкарова Шарафат Райимовна – Фаллаорол туманидаги “Фаллаорол агро пилла” масъулияти чекланган жамияти пиллачиси, Жиззах вилояти

Норова Шоира Мухторовна – Қоракўл туманидаги “Эргаш Рахимов Плюс” фермер хўжалиги ишчиси, Бухоро вилояти

Орзикулов Кенжабай Назарович – Бахмал туманидаги “Bakhmal Fruit Growing” фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Отаджанов Курбан Хасанович – Олтиариқ туманидаги “Шоҳимардон” фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Ризокулов Хусниддин Салимтошев – Хатирчи туманидаги “Умид-27” фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

Рихсиева Гулнора Миролимовна – Паркент туманидаги “Замона Раъно” масъулияти чекланган жамияти ижрочи директори, Тошкент вилояти

Рўзиев Хамид Абдусаматович – Ургут туманидаги “Рўзиев Хомид” фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

Сайдахметов Олимхўжа Хамитович – Чиноз туманидаги “Саидахмедов Хамид” фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

Ташматов Абдирашит Тулабаевич – Миришкор туманидаги “Тожикистон” сув истеъмолчилар уюшмаси сувчиси, Қашқадарё вилояти

Ўдаков Умрбек Шомуратович – “Боғот агро МТП” масъулияти чекланган жамияти механизатори, Хоразм вилояти

Ҳақбердиев Содиқ Сайфиддинович – Нарпай туманидаги “Пахтакор” фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

Ходжаев Носир Косимович – Наманган шаҳридаги “Шифо” масъулияти чекланган жамияти директори ўринбосари, Наманган вилояти

Хошимов Шерхон – Бувайда туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Фарғона вилояти

Шарипов Кабил Камиддинович – Китоб туманидаги “Шарипов Қобил Комиддинович” фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Эшанқулов Бахтиёр Абдуллаевич – Мирзобод туманидаги “Бек кластер” масъулияти чекланган жамияти сувчиси, Сирдарё вилояти

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,
2018 йил 8 декабрь*

ЮРТИМИЗДА БАЙРАМЛАР ШУКУҲИ

Юртимизда байрамлар байрамларга уланмоқда. Кун кеча мамлакатимизда Қишлоқ хўжалиги ходимлари кун кенг миқёсда нишонланди. Ушбу сана муносабати билан Президентимиз соҳа меҳнаткашларига байрам табриги йўллаб, бир гуруҳ илғорларни фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирлади. Ўлкамизнинг барча ҳудудларида байрам тадбирлари бўлиб ўтди.

Бир кун аввал эса халқимиз Асосий Қонунимиз – Конституциямиз қабул қилинган кунни байрам қилди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бундан йигирма олти йил аввал халқимиз учун қонуний мустақил тараққиёт йўли белгиланди, миллий давлатчилик, янги сиёсий-ижтимоий тизим барпо этиш, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди. Юртимизда эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодий қуришда, халқимиз учун обод ва фаровон

ҳаёт барпо этишда, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашда Бош қомусимиз мустаҳкам замин бўлди.

Истиқлол йилларида юртимизда барча жабҳаларда, жумладан, аграр соҳада ҳам улкан ютуқларга эришилди. Бош қомусимиз асосида соҳага оид Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”, “Ветеринария тўғрисида”ги каби кўплаб қонунлар яратилди, Президентнинг қатор фармон ва қарорла-



ри қабул қилинди.

Аграр соҳанинг ҳуқуқий асоси яратилгач, дастлаб галла мустақиллигини қўлга киритдик. Истиқлолга қадар четдан галла

келтирадиган ўлкадан дон экспорт қилувчи мамлакатга айландик. Мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш бир неча барабар кўпайди. Бугун дунёнинг юзга яқин мамлакатига Ўзбекистонда етиштирилган мева ва сабзавотлар экспорт қилинапти.

Асосийси, ер ўз эгасини топди, фермерларга берилди. Бугун кўплаб фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан чегараланиб қолмай, саноат, қурилиш, хизмат кўрсатишда ҳам фаолият кўрсатмоқда. У энди кўп тармоқли фермер хўжалиги. Айни пайтда мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудида жойлашган фермер Европа ёки Осиёдаги давлатларга маҳсулот экспорт қилапти деса ҳеч ким ҳайратланмайди.

Шу ўринда яна бир муҳим омил ҳақида ҳам икки оғиз тўхталмасак бўлмас. Жуда қисқа давр ичида мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг тараққиёти, хусусий мулкнинг жадал ривожини учун қулай шароитлар яратиб берилди. Натижада иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари тезлашди. Аҳолининг иш билан банд бўлиши ва даромад топиши билан бир қаторда, демократик ислохотларнинг асосий таянчи ва ҳаракатлантирувчи кучи — ўрта синф шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасига биноан “Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли”. 53-моддасида эса: “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-барабар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

“Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа

хизмат қилиши керак” деган принцип барча бўғиндаги раҳбарлар фаолиятида асосий қоидага айланиши керак”, дея таъкидлаган эди мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев.

Бугун ушбу тамойил тўла ҳаётга татбиқ этилди, давлат органлари халққа хизмат қилмоқда. Бу Конституциямизда белгилаб берилган инсонпарварлик ғоясининг ҳаётга татбиғидир.

Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпроғи қишлоқларда яшайди. Бугун энг олисдаги қишлоқ ва овулда ҳам фарзандларимиз етарлича билим ҳамда таълим-тарбия олиши учун барча шароитлар яратилган. Сўнги йилларда қишлоқлардаги мактабларнинг деярли барчаси қайта қурилди ёки капитал таъмирдан чиқарилди.

Қишлоқларимизда қурилаётган уйлар ҳақида эса алоҳида тўхталиш жоиз. Эътибор берган бўлсангиз, кейинги икки йилда бундай уйлар кўплаб қурилмоқда.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлатнинг асосий қонуни бўлиб, конституциявий тузум, давлат қурилиши асосларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайди. Шунингдек, давлат рамзларини ҳам белгилайди.

Бу Конституциямизнинг 5-моддасида ўз ифодасини топ-

ган: “Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга”.

Конституциямиз қабул қилинган кунни байрам қилганимиздан сўнг икки кун ўтиб, яъни 10 декабрь куни мадҳиямиз қабул қилинган санани ҳам нишонладик.

Эътибор берган бўлсангиз, халқимиз ҳар тонг бир мусиқа садолари остида уйғонади. Тунда ҳам шу мусиқа садолари остида уйқуга кетади. Бу — мадҳиямиз.

Халқаро мусобақаларда ўзбек спортчилари ғалабалари шарафига мадҳиямиз янграганда эса кўзимизга қувончдан ёш келиб, гуруримиз ортади.

Энг қувончлиси, бу мусиқа сўнги йилларда дунё спорт ареналарида тез-тез янграмоқда. Бу дегани ғалабаларимиз кўпаймоқда, биз дунёни забт этяпмиз.

Шуларни ўйлаганда, буюк, дунёда ҳеч кимга ўхшамайдиган маънавияти ва тарихи бор эл фарзанди эканлигиндан фахрланиб кетасан, киши.

Ҳа, биз ўз тарихи, маънавияти, маданиятига эга улғ халқимиз. Уларни қадрлашимиз, кўз қорачиғидек асрашимиз шарт. Бу ишда Конституциямиз дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Тоҳир ДОЛИЕВ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И

БОШОҚЛИ ДОН ЕТИШТИРИШНИ ЯНАДА РАЎБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республикада бошоқли дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш, юқори сифатли уруғлик материалларини тайёрлаш, агротехнологиянинг илғор усулларини қўллаш ҳамда фермер хўжалиklarини рағбатлантириш механизмларини жорий этиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, республикада етиштирилаётган бошоқли дон ҳосилини кескин кўпайтиришда тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар ва ўз ечимини кутаётган жиддий муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан:

биринчидан, бошоқли дон экинларини экиш учун ерларнинг сифатсиз тайёрланиши, уруғликнинг белгиланган муддатдан кеч экилиши, агротехник тадбирларнинг қўпол равишда бузилиши, талаб қилинган моддий-техник ресурслар ва маблағлар зарур миқдорларда ҳамда ўз вақтида етказиб берилмаслиги оқибатида қўрилган ҳосил олинмаяпти;

иккинчидан, жойлардаги масъуллар ва фермерлар томонидан бошоқли дон ҳосилини етиштиришда контрактация шартномаси мажбуриятларини бажариш биринчи даражали масала сифатида қаралиб, ҳосилдорликни ошириш ва қўшимча даромад олиш чоралари кўрилмаяпти;

учинчидан, республикада етиштирилаётган бошоқли дон ҳосилининг умумий ҳажми ва фермер хўжалиklари ихтиёрида қолаётган қисмини аниқ ҳисоб-китоб қилиш механизми ишлаб чиқилмагани оқибатида олинган ялпи ҳосил бўйича ҳисоботлар тўғри юритилмаяпти;

тўртинчидан, суғориладиган унумдор ер майдонларининг ҳар гектаридан 40 центнердан юқори ҳосил олган фермер хўжалиklarини рағбатлантириш, аксинча, ундан паст ҳосилдорликка эришган фермер хўжалиklarига нисбатан кескин чораларни кўриш тартиби ишлаб чиқилмагани сабабли суғориладиган майдонлардан самарали фойдаланиш таъминланмаяпти.

Бошоқли дон экинларини парваришлаш бўйича белгиланган агротехник тадбирларни ўз муддатида ўтказиш ҳисобига кафолатланган ҳосил олинишини таъминлаш, ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва юқори ҳосилдорликка эришишда фермер хўжалиklари масъулиятини янада ошириш ҳамда уларни рағбатлантириш тизимини жорий қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликла-

ри ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2019 йил ҳосили учун суғориладиган ва лалми майдонларга экилган бошоқли дон экинлари ялпи ҳосилининг прогноз ҳажмлари тўғрисидаги таклифлари 1–14-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан 40 центнердан кам ҳосил олиш “ерга нисбатан хиёнат” деб баҳоланиб, ер ижара шартномаси бекор қилинишигача чоралар кўрилиши белгилаб қўйилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бир ҳафта муддатда 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларига суғориладиган ерларда бошоқли дон етиштирувчи фермер хўжалиklари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига ягона ер солигини ҳисоблашда солиқ ставкаларига ҳосилдорлик ҳар гектарига 30 центнер ва ундан паст бўлганида 2 баробар, 31 центнердан 40 центнергача бўлганида 1,5 баробарга кўпайтирувчи коэффициентлар қўллаш тартибини киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоров, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давергеодезкадастр қўмитаси Бош прокуратура ва бошқа манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган бошоқли дон экинлари ялпи ҳосили ҳажмларининг ҳисобини юритиш тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгалари кенгаши, “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компаниясининг 2019 йил ҳосили учун етиштирилайдиган 3-синфли юмшоқ буғдойнинг ҳар бир тоннаси учун кафолатланган давлат харидининг ўртача нархини (кейинги ўринларда харид нархи деб аталади) 1 200 000 сўм миқдорда белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси билан биргаликда икки ҳафта муддатда бошоқли дон харид нархномасини тасдиқласин ҳамда Қорақалпоғистон Республика-

си Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларига етказсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, 2019 йил ҳосилдан бошлаб:

а) қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан сугориладиган майдонларда етиштирилган бошоқли дон ҳосилдорлигига қараб, давлат хариди учун етказиб берилган дон харид нархига 25 фоизгача устама ёки чегирма қўлланилади.

Бунда, бошоқли дон ҳосилдорлиги ҳар гектардан:

41 центнердан 50 центнергача бўлганида – 10 фоиз;

51 центнердан 60 центнергача бўлганида – 20 фоиз;

61 центнер ва ундан юқори бўлганида – 25 фоиз харид нархига устама;

аксинча:

30 центнер ва ундан кам бўлганида – 25 фоиз;

31 центнердан 40 центнергача бўлганида – 15 фоиз харид нархига чегирма билан давлат хариди учун қабул қилинган доннинг умумий ҳажми ҳисоб-китоб қилинади.

б) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан бошоқли дон ҳосилини етиштириш харажатларини молиялаштиришга ажратиладиган имтиёзли кредит давлат хариди учун етказиб бериладиган бошоқли дон қийматининг 100 фоизгача (тайёрлов корхонаси томонидан бўнак тариқасида етказиб берилган уруғлик қийматини инобатга олган ҳолда) йиллик 5 фоиз миқдорда (шундан, банк маржаси – 1,5 фоиз) берилади.

6. Белгилаб қўйилсинки, олдиндан билиш, оқилона чоралар билан олдини олиш мумкин бўлмаган фавқулодда ҳусусиятга эга ҳодисалар (қурғоқчилик, табиат ҳодисалари ва бошқа форс-мажор ҳолатлар) оқибатида бошоқли дон экинларидан қутилган ҳосил олинмаган тақдирда ҳамда ушбу ҳолатлар Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича ҳудудий комиссия томонидан тасдиқланганда, давлат хариди учун етказиб берилган дон харид нархида ҳисоб-китоб қилинади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда сугориладиган майдонларда 2019 йил ҳосили учун экилган кузги бошоқли дон экинларини парваришлаш бўйича агротехник тадбирларни амалга ошириш юзасидан “йўл хариталари” 15–17-иловаларга мувофиқ.

8. Бошоқли дон етиштиришда агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли ўтказиш ва кафолатланган ҳосил олишни тизимли ташкил этиш бўйича Республика Ишчи гуруҳлари 18-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Республика Ишчи гуруҳларига мазкур қарорга 15–17-иловаларда тасдиқланган “йўл хариталари” да белгиланган тадбирлардан келиб чиқиб, ҳар бир

фермер хўжалиги томонидан амалга ошириладиган агротехник тадбирларни алоҳида ёзма равишда тайёрлаб, фермерларга етказиш ва унинг ижросини таъминлаш юклатилсин.

9. Қуйидагилар:

Республика Ишчи гуруҳлари раҳбарлари (Б.Т. Юсупов, А.Ж.Вахабов, Р.Н.Рахматов, У.Я.Халилов), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев), “Ўзагро-кимёхимоя” акциядорлик жамияти (О.Б. Исаев), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар 4 та сектор раҳбарлари – кафолатланган бошоқли дон ҳосилини етиштиришда фермер хўжаликлари томонидан агротехник тадбирлар, шу жумладан, минерал ўғитлар билан озиклантириш, сугориш, бегона ўт, зараркунанда ва ҳашаротларга қарши курашиш, суспензия сепиш ҳамда бошқа тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилишига;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.С.Султонов, “Ўзнефتماҳсулот” акциядорлик жамияти (М.Ю.Файзиев), “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти (А.А.Абдуллаев), “Ўзагро-кимёхимоя” акциядорлик жамияти (О.Б.Исаев) – кафолатланган бошоқли дон ҳосилини етиштиришда агротехник тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар захираси яратилишига ҳамда моддий-техник ресурсларни агротехник карталардан келиб чиқиб, тўлиқ ҳажмда ва ўз вақтида фермер хўжаликлари даласига етказиб берилишига;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – молия вазири Ж.А. Қўчқоров, Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (И.А.Уразкулов), “Агробанк” АТБ (Р.Ў.Маматқулов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг саноатни ривожлантириш, иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари, АТБ “Агробанк”нинг ҳудудий ва туман бўлимлари раҳбарлари – бошоқли дон экинларини етиштириш харажатларининг ўз вақтида молиялаштирилишига, фермер хўжаликлари томонидан маблағлардан мустақил ва мақсадли фойдаланилишини таъминлашга ҳамда давлат эҳтиёжлари учун етказиб берилган бошоқли дон учун якуний ҳисоб-китоблар 2019 йил 1 сентябрга қадар тўлиқ амалга оширилишига;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Н.С.Отажонов, Ички ишлар вазирлиги (П.Р.Бобожонов), Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, ҳудудий бошқармалар ва туман бўлимлари бошлиқлари, “Ўзагро-техсаноат-холдинг” АЖ (М.А.Каримов), “Ўзагро-машсервис” акциядорлик жамияти (Р.М.Хаитов) – кафолатланган бошоқли дон ҳосилини етиштиришда агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш учун мавжуд қишлоқ хўжалиги техникалари тўлиқ жалб қилинишига, сифатли механизация хизматлари кўрсатилишига, ўрим-йиғим ишлари уюш-

қоқлик билан ташкил этилишига ҳамда янги қишлоқ хўжалиги техникалари муддатида етказиб берилишига;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари Р.Н.Рахматов, Бош прокуратура ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси (У.Я.Халилов), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар прокурорлари, Бош прокуратура ҳузуридаги Инспекциянинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари — ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг агротехник карталардан келиб чиқиб, тўлиқ ҳажмда ва ўз вақтида етказиб берилиши ҳамда хизматлар сифатли кўрсатилиши, бу борада тузилган шартномалар мажбуриятлари тўлиқ бажарилиши, моддий-техник ресурслар талон-тарож қилиниши ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан асосиз равишда уларнинг нархи оширилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатилишига шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси билан биргаликда ички бозорда бугдой, ун ва нон маҳсулотлари нархлари кескин ошиб кетишининг олдини олиш ва республика ҳудудларидаги нархларининг барқарорлигини таъминлаш ҳамда бугдойни қайта ишлаш соҳасида рақобатни кучайтириш;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти

билан биргаликда давлат хариди учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга талаб қилинган минерал ўғитлар миқдори ва уларнинг нархини белгилаш;

суғурта компаниялари билан биргаликда хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилган ҳолда, давлат хариди учун етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталаш тизимини тақомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мақсад ва вазифаларини ҳамда бошоқли дон етиштириш ва давлат хариди учун сотиб олишда бозор механизмлари кенг жорий этилишини ёритиш юзасидан кўрсатувлар, мақолалар ва мавзули дастурларни ташкил этсинлар.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А.Қўчқоров, А.С.Султонов, Н.С.Отажонов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари Р.Н.Рахматов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А.Н.АРИПОВ

*Тошкент шаҳри,
2018 йил 27 ноябрь*

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING “BOШOҚLI DON ETIШТИРИШНИ ЯНАДА РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Кейинги йилларда давлат хариди учун бошоқли дон маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Аммо қишлоқ хўжалигининг мазкур муҳим тармоғидаги реал ҳолат таҳлили яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётганини, ўз ечимини кутаётган жиддий муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, бошоқли дон экинлари экиш учун ерларнинг сифатсиз тайёрланиши, агротехника қоидаларига риоя қилинмаслик, айниқса, экин-тикин ишларининг кечиктириб юборилиши, талаб қилинган моддий-техника ресурслари ўз вақтида етказиб берилмаслиги оқибатида қутилган ҳосил олинмаяпти.

Жойлардаги масъуллар ва фермерлар томонидан контрактация шартномаси мажбуриятлари бажарилмаётгани, ҳосилдорликни ошириш ва қўшимча даромад олиш юзасидан етарлича чоралар кўрилмаётгани ҳам аини ҳақиқат.

Қолаверса, юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжалиklarини рағбатлантириш, ҳосилдорлик кўрсаткичи паст бўлган фермер хўжалиklarига нисбатан эса

кескин чоралар кўриш тартиби ишлаб чиқилмагани суғориладиган унумдор ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигининг пасайишига сабаб бўлмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг “Бошоқли дон етиштиришни янада рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори соҳа равнақида тўғаноқ бўлаётган ушбу муаммоларни бартараф этиш ва уни сифат жиҳатидан янада ривожлантиришга қаратилган.

Қарорда давлат хариди учун бошоқли дон етиштириш бўйича амалдаги тартибдан мутлақо фарқ қиладиган янги тизим ва механизмлар жорий этилиши назарда тутилганлиги унинг тарихий аҳамият касб этишидан далолат беради.

Хусусан, унга кўра, 2019 йил ҳосили учун суғориладиган ва лалми майдонларга экилган бошоқли дон экинлари ялпи ҳосилининг прогноз ҳажмлари тасдиқланиб, суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан 40 центнердан кам ҳосил олиш “ерга нисбатан хиёнат” деб баҳоланиши ва ер ижара шартномаси бекор қилинишигача чоралар кўрилиши белгиланди.

Яна бир янгилик: 2019 йилдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларига суғориладиган ерларда бошоқли дон етиштирувчи фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига ягона ер солиғини ҳисоблашда солиқ ставкаларига ҳосилдорликка қараб коэффициентлар қўллаш тартиби киритилганидир.

Яъни, гектаридан ўртача 30 центнер ва ундан паст ҳосил олинганда 2 баробар, ҳосилдорлик 31 центнердан 40 центнергача бўлганида эса 1,5 баробар кўпайтирувчи коэффициентлар қўлланилади. Мазкур тартиб ғалла етиштирувчиларни олтинга тенг бўлган суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, маҳсулот етиштириш ҳажмларини кўпайтириш борасидаги масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Маълумки, бугунги кунга қадар давлат харидидан ортиқча етиштирилган бошоқли дон маҳсулотининг аниқ ҳисоби юритилмас, бу эса республика ялпи дон ҳажми ва аҳолини ушбу турдаги маҳсулотлар билан таъминлаш даражасини реал баҳолаш имконини бермас эди. Шу маънода, қарорда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан етиштирилган ялпи ғалла ҳосили ҳисобини юритиш тартибини тасдиқлаш масаласи эътибордан четда қолмагани диққатга сазовор.

Қарорга мувофиқ, соҳада яна кўплаб туб ўзгаришлар рўй беради. Хусусан:

етиштириладиган бугдойнинг ҳар бир тоннаси учун қафолатланган давлат харидининг ўртача нархи 1 миллион 200 минг сўм ёки жорий йилдагига нисбатан 1,6 баробар юқори даражада белгиланди, бу эса табиий-ки, маҳсулот етиштирувчиларнинг молиявий барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади;

давлат хариди учун етиштирилган маҳсулотларни табақалаштирилган нархларда, яъни устама ва чегирмалар қўллаган ҳолда сотиб олиш тартиби жорий қилинади. Бошқача қилиб айтганда, етиштирилган бошоқли дон ҳосилдорлигига қараб, давлат хариди учун етказиб берилган ғалла харид нархи 25 фоизгача устама ёки чегирма қўлланилади.

Бунда, харид нархи бошоқли дон ҳосилдорлиги ҳар гектаридан 41 центнердан 50 центнергача бўлганида – 10 фоиз (120 минг сўм), 51 центнердан 60 центнергача бўлганида – 20 фоиз (240 минг сўм), 61 центнер ва ундан юқори бўлганида – 25 фоиз (300 минг сўм) устама қўлланилади.

Аксинча, давлат хариди нархлари ҳосилдорлик 30 центнер ва ундан кам бўлганида – 25 фоиз (300 минг сўм), 31 центнердан 40 центнергача бўлганида – 15 фоиз (180 минг сўм) чегирма билан ҳисоб-китоб қилинади.

Мазкур тартибнинг қўлланилиши деҳқон ва фермерларнинг ҳосилдорликни ошириб боришга бўлган интилишини кучайтириш, моддий жиҳатдан рағбатлантиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш тизимини ҳам такомиллаштириш назарда тутилган. Агар амалдаги тартибга кўра, имтиёзли кредит давлат хариди учун етказиб бериладиган бошоқли дон қийматининг 60 фоизигача ажратилиб келинган бўлса, янги тартибда 100 фоизигача (тайёрлов корхонаси томонидан бўнак тариқасида етказиб берилган уруғлик қийматини инобатга олган ҳолда) берилади.

Молиялаштириш тизимидаги ушбу ўзгариш фер-

мер хўжаликларининг айланма маблағ тақчиллигига барҳам бериш билан бирга, улар томонидан ресурс ва хизматлар учун тўловларни олдиндан амалга ошириш, агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, ғалла етиштириш ҳажмини кўпайтириш, пировардида юқори даромад олиш имконини беради.

Яна бир муҳим жиҳат, мазкур қарорда олдиндан билиш, оқилона чоралар билан олдини олиш мумкин бўлмаган фавқулодда хусусиятга эга ҳодисалар (қурғоқчилик, табиат ҳодисалари ва бошқа форс-мажор ҳолатлар) оқибатида бошоқли дон экинларидан кутилган ҳосил олинмаган тақдирда ҳамда ушбу ҳолатлар Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича ҳудудий комиссия томонидан тасдиқланганда, давлат хариди учун етказиб берилган дон харид нархида ҳисоб-китоб қилиниши белгиланди. Ваҳоланки, шу пайтга қадар маҳсулот етиштирувчилар турли табиий офатлардан етарли даражада ҳимояланмаган эди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, суғориладиган майдонларда 2019 йил ҳосили учун экилган кузги бошоқли дон экинларини парваришлаш бўйича агротехника тадбирларини амалга ошириш юзасидан “йўл хариталари” қабул қилинди.

Бошоқли дон етиштиришда агротехника тадбирларини ўз вақтида сифатли ўтказиш ва қафолатланган ҳосил олишни тизимли ташкил этиш бўйича эса Республика Ишчи гуруҳларининг таркиби тасдиқланди. Улар зиммасига “йўл хариталари”дан келиб чиқиб, ҳар бир фермер хўжалиги томонидан амалга ошириладиган агротехника тадбирлари режасини алоҳида ёзма равишда тайёрлаб етказиш ва унинг ижросини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Бошоқли дон етиштириш ва ўриб-йиғиб олиш билан боғлиқ агротехника юмушларининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши, молиявий ва моддий-техника ресурсларини тўлиқ ҳажмда ва ўз вақтида етказиб берилиши, якуний ҳисоб-китоблар 2019 йил 1 сентябрга қадар тўлиқ амалга оширилиши, мазкур йўналишдаги ишлар бўйича тизимли назорат ўрнатилиши юзасидан тегишли мутасаддиларнинг шахсий жавобгарлиги белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, ички бозорда бугдой, ун ва нон маҳсулотлари нархлари кескин ошиб кетишининг олдини олиш, нарх барқарорлигини таъминлаш ҳамда бугдойни қайта ишлаш соҳасида рақобатни кучайтириш, давлат хариди учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда зарур бўлган минерал ўғитлар ҳажми ва уларнинг нархини белгилаш, хорийий давлатлар тажрибасини таҳлил қилган ҳолда, давлат хариди учун етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталаш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқирилиши назарда тутилди.

Ушбу қарорнинг изчил ижроси, шак-шубҳасиз, ғаллачиликда ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва юқори ҳосилдорликка эришиш, фермер хўжаликлари масъулиятини янада ошириш ҳамда уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш тизимини жорий қилиш имконини беради.

МАЙСА ПАРВАРИШИДА ДЕКАБРЬ ОЙИДА НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР БЕРИШ КЕРАК?



Келгуси йили мўл ва сифатли дон ҳосили етиштиришда кузги бошоқли дон экинларини кузги-қишки парваришlash тадбирлари муҳим роль ўйнайди. Бунда ғалла майдонларида мақбул кўчат қалинлигини таъминлаш, сийрак жойларга қўшимча уруғ экиш орқали тўла кўчат олиш ҳамда ғалла майсалари қишлоғга бақувват бўлиб киришига эришиш муҳим аҳамиятга эга.

Мақбул муддатдан кечикиб экилган, ғалла тупламасдан, 2–3 барг ҳолатда қишлоғга кетишининг ҳамда тўлиқ униб чиқмаган майдонларда декабрь ойида қуйидаги агротехника чора-тадбирларини амалга оширишни тавия этамиз:

Ғалла майсалари суст ривожланишининг асосий сабаби озуқа элементлари – азот, фосфор, калийнинг етарли даражада бўлмаслигидир. Шу боис бошоқли дон экинларида фосфорли ва калийли ўғитлар йиллик меъерининг 100 фоизи экиш олдиан берилади. Айрим сабабларга кўра ушбу ўғитлар экиш олдиан солинмаган бўлса, шу кунларда албатта далага сепиш лозим.

Кузги бошоқли дон экинлари тиним даврига ўтгунга қадар майсалар қишлоғга тайёргарлик фазасини ўтайди. Шу давр давомида ўсимликда юз берадиган мураккаб физиологик ва биокимёвий жараёнлар натижасида ўсимликни тупланиш бўғинида қанд миқдори ортади. Бу эса ўсимликнинг қишга ҳамда совуққа чидамлилигини оширади.

Мақбул муддатдан барвақт экилиб, ниҳоллар тўлиқ ундириб олинган майдонларда азот етишмаслиги, далани захлатиб, катта меъёрлада бостириб суғориш ҳисобига ниҳолларнинг сарғайиб қолиши ҳолатлари юзага келиши мумкин. Буни бартараф этиш учун ушбу майдонларда ғалланинг ҳолатига

қараб гектарига 30–35 кг меъёрда таъсир этувчи модда ҳисобида ёки физик ҳолда 100–150 кг/га. дан азотли ўғитлар билан озиклантириш ишлари амалга оширилса, экин тиним даврига яхши ҳолатда ўтади.

Об-ҳаво шароитига қараб кеч экилган ёки жуда эрта экилган майдонларни албатта суғориш талаб этилади. Бунда далани бостириб ёки узоқ вақт суғоришга йўл қўймаслик даркор. Сув таъминоти огир ва ерости сувлари чуқур бўлган майдонларга чилла суви бериш яхши самара беради.

Республикада суғориладиган ерларга экилган бошоқли дон экинларининг ўсиб-ривожланиш даврларини аниқлаш мақсадида ғалла майдонларини доимий мониторингдан ўтказиб туриш лозим (тўла туплаган, 3–4 барг, 1–2 барг ҳосил қилган, униб чиқмаган майдонларни аниқлаш).

Ғўзапояси олинмаган майдонларни зудлик билан ғўзапоядан тозалаш ёки техника ёрдамида майдалаш ишларини ташкил этиш талаб этилади.

Ривождан орқада қолган қолюқ ғалла майдонлари аниқланади ва бу майдонларга алоҳида қўшимча ишлов берилади.

Энг муҳим агротехник тадбирлардан яна бири – ўртача 1 гектар майдонга 5 тоннадан маҳаллий ўғит жамғаришдир. Ҳар 5 гектар майдон-

га 1 тадан маҳаллий ўғитни шарбатга айланттириш учун хандақлар қазиб, далага чиқарилган маҳаллий ўғитларни хандақларга солиб, устидан 5–10 см қалинликда кўмиб қўйиш лозим.

Шунингдек, кечки муддатларда экилган, ривождан орқада қолган, қишлоғга тупламасдан кирган, сийрак униб чиққан майдонларга гектарига камида 7–10 тоннадан маҳаллий ўғит чиқаришни ташкил этиш яхши самара беради.

Бундан ташқари, чорва моллари томонидан ғаллазорлар пайҳон қилинишининг олдини олиш мақсадида четан тўсиқлар ўрнатилиши ҳамда 20–30 гектар майдонга 1–2 нафардан дала қоровулларини тайинлашлари керак.

Жорий йилнинг декабрь ойи бирмунча илиқ келиши башорат қилинаётганлиги турли касаллик ва зараркунанда ҳашаротларнинг ўтган йилга нисбатан ҳам кўп бўлишига замин яратади. Шунинг учун ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядлари ходимлари билан ҳамкорликда мунтазам кузатувлар олиб бориш, касалликлар аломатларини аниқлаш ва уларга қарши кураш ишларини амалга ошириш лозим. Шунингдек, ҳар бир гектар ғалла майдонига талаб этиладиган зарур кимёвий моддалар захираларини яратиш талаб этилади.

Ғаллани декабрь ойида парваришlashдаги зарур агротехник чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши ғалладан юқори ва сифатли дон ҳосили олишга замин яратади.

Р.СИДДИКОВ,

*Дон ва дуккакли экинлар
илмий-тадқиқот институти
директори,
қ.х.ф.д.*

БОҒБОНГА ҚИШДА ҲАМ ЮМУШ БИСЁР

Жорий йилда республикамиз боғ-токзорларидан ҳар қачонгидан ҳам мўл ва сифатли ҳосил олинди. Эндиги вазифа келгуси йил ҳосилига пухта замин ҳозирлашдан иборат. Бунда қуйидагиларга эътибор қаратиш тавсия этилади.

Боғ-токзорларга 15–20 тонна ҳисобида органик ўғит (чириган гўнг) солиб, 25–30 см чуқурликда боғ қатор оралари ҳайдалади. Жорий йилда республикамизда куз ойларида ёғингарчилик нисбатан кам бўлганлиги боис



боғларда тупроқ таркибидаги нам етарли даражада эмас. Шунинг учун қишнинг ҳар бир ойида бир мартадан боғларга яхоб суви бериб, гектарига 1500–2000 м³ сув сарфлаб 4–5 кун давомида суғорилади. Боғлар қишда яхоб суви билан қанчалик кўп суғорилса, вегетация даврида суғоришлар сони 1–2 марта тежалади. Янги боғ ва токзорлар барпо этиш мақсадида ажратилган ерларга 30–40 тонна маҳаллий ўғит ҳамда 300–400 кг фосфор ва калий ўғитлари солиб, 35–40 см чуқурликда ҳайдалади.

Бордию боғ ва токзорларга ажратилган ерлар шўрланган бўлса, декабрь ойида гектарига 10–12 минг м³ сув сарфланиб майдон яхшилаб ювилади.

Об-ҳаво иссиқ кунлари жанубий минтақаларда катта ёшдаги уруғли мевали дарахтларга шакл бериб буташ, сийраклаштириш ишларини бошлаш керак. Бунда катта ёшдаги олма, нок дарахтлари буталади.

Боғларда охирги йиллари монилиоз, кластероспориоз, парша, дарахт таналарини шикастлайдиган рақ касалликлари ривожланиб бормоқда. Ушбу касалликлар ривожланишининг олдини олиш мақсадида да-

рахтларни Бордо суюқлигининг 3–4 фоизли ёки мис купоросининг 1 фоизли ёки темир купоросининг 3 фоизли эритмаси билан жиққа ҳўллаб пуркаш зарур. Матлумки, касаллик юқумлари баргларда сақланади. Шунинг учун боғларда дарахт атрофидаги тупроқ ағдарилиб чопилади ва шу билан тўкилган барглар йўқотилади. Боғ ва токзорлар атрофида жойлашган коллектор ва зовурлар тозаланади.

Токзорларда қишнинг илиқ кунларида жанубий минтақаларда кўмилмаган тоқларни кесиш ва шакл бериш ишлари олиб борилади. Токзорларда темир бетон устунлар ва симбағазлар таъмирланади.

Узоқ муддатга сақлашга омборхоналар ва совутгич хоналарга қўйилган мева-узум маҳсулотлари омборларда ҳар куни, совутгич хоналарда ҳар 7–8 кунда кўздан кечириб турилади. Чирган, айний бошлаган мевалар териб олиниб, омбордан олиб чиқилади.

Омборхоналар ва совутгич хоналар доимо назорат остида бўлиб ҳаво ҳарорати 0–5°С, нисбий намлик 85–90 фоиз бўлишини таъминлаш керак.

Агарда ҳаво намлиги пасайиб кетган бўлса хоналарга сув сепилади, кечаси омборхоналар ҳар ҳафта олтингургурт ёқиб тутатиб, (дудланиб) турилади.

Мева қоқилари ва майизлар сақланаётган хоналар албатта юқорида тавсия этилганидек ҳар 6–7 кунда олтингургурт билан дудланиб турилади.

Р.АБДУЛЛАЕВ,
қ.х.ф.н.,

С.ШОДИЕВ,

к.и.х., (Акад. М.Мирзаев номли БУ ва ВИТИ)



ИССИҚХОНАДА ПОМИДОР ЁКИ БОДРИНГ ЕТИШТИРМОҚЧИМИСИЗ?

унда қуйидаги тавсияларга амал қилинг

Аҳолини йилнинг кеч куз, қиш ва эрта баҳор ойларида сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашда ҳимояланган майдон, яъни иссиқхона сабзавотчилиги муҳим аҳамиятга эга.

Сабзавот етиштиришда иссиқхоналар самарадорлигини ошириш, ҳар бир мавсум таралдудини вақтида кўриш, навларни тўғри танлаш, қулай парваришlash усулларини қўллашга жиддий эътибор қаратиш зарур.

Қишки-баҳорги мавсумда помидор кўчатларини етиштириш учун катталиги 10x10 см бўлган кассета, торф ёки полимер тувакчалардан фойдаланилади. Кўчатларни тайёрлашга декабрнинг биринчи ўн кунлигидан киришилади.

Ҳозирда помидор кўчатларини макро ва микроўғитлар билан тўйинтирилган торфда етиштириш яхши натижа бермоқда. Бунда минерал ўғитлардан фойдаланмаса ҳам бўлади.

Бир тавсия ва тўлиқ кўчат олиш учун экиладиган уруғликлар сифати I синфдан паст бўлмаслиги, далада униш даражаси 90% ва ундан юқорироқ, униб чиқиш кучи ҳам юқори даражада бўлиши талаб этилади.

Ҳар бир тувакчага 1–2 тадан уруғ экилади. Уруғлар униб чиққандан кейин 16–20 кун ўтгач, тувакчалар ёйиб қўйилади. Бунда ҳар 1 м² жойга 250–300 тупдан кўчат жойлаштирилади. Кўчатлар ёруғликдан яхши баҳраманд бўлиши учун шундай қилинади. Касалланган, шикастланган, нимжон кўчатларнинг ўрнига экиладиган кўчатларни (15–20%) олдиндан захира қилиб қолдириш зарур.

Кўчатларни суғоришда жуда эҳтиёт бўлиш лозим, уларни ўта намланиб кетиши ёки тупроғи қуриб қолишига йўл қўймаслик керак, ҳаво очиқ кунлари эрталаб суғориш ишлари бажарилгани маъқул.

Юқори сифатли кўчатнинг 8–9 тадан барги бўлиб, баландлиги 18–20 см, новдасининг қалинлиги эса 0,8–1,0 см бўлиши керак. Кўчатларни парваришlash даврида улар орасидаги касалланганлари, ўсишдан жуда орқада қолган, нозик кўчатларни чиқитга чиқариб, олиб ташланади.

Помидор ўсимликлари ташқи муҳит шароитларига жуда сезгир хусуси-

ятга эга бўлиб, уларни бу хусусияти ўсимликларда гулшода пайдо бўлиши даврида яққол намоен бўлади.

Ниҳолларда биринчи иккита чин барг пайдо бўлиши ва уларни дастлабки ўсув даврида ҳаво ҳарорати кундузи 13–16°C гача, кечаси 11–13°C гача пасайтирилиши, айниқса, эртаги навларда биринчи гулшодасидаги мева сонини кўп бўлиши натижасида ҳосилдорликни юқори бўлишини таъмин этади. Кейинчалик ҳаво ҳароратини очиқ кунларда 20–24°C, булутли кунларда 18–19°C, кечаси эса 16–17°C атрофида сақлаш лозим бўлади.

Ҳавонинг нисбий намлиги эса 60–70 фоиз атрофида сақланиши лозим.

Қишки-баҳорги экиш мавсумида помидорнинг 50–55 кунлик кўчатларни экиш январь ойининг охири-февралнинг иккинчи ўн кунлигида амалга оширилади.

Экиш учун маҳаллий “Гулқанд”, F₁ “Сайхун”, “Баҳор”, “Турон”, “АВЕ-Мария”, “Субҳидам”, “Черри”, “Марварид”, “Умид” чет элнинг F₁ “Пик Стар”, “Ламия”, “Фенда”, “Виндетта”, “Бона”, “Тови Рока”, “Виласко”, “Элпиди” каби дурагайлари тавсия этилади.

Помидор учун ҳавони яхши ўтказувчан, говак латоген ва зараркунандалар билан зарарланмаган тупроқдан тайёрлаш керак. Кўчатларни қўш қатор усулда 80+80x40 см ораликда экилади. Экиш олдиндан ковлаб суғориб олинган кўндаланг чуқурчаларга стаканнинг 3 дан 2 қисми кўмиб бажарилади.

Бизнинг истиқболли навларимиз тупроқлардаги озик моддаларга жуда талабчандир.

Экишдан олдин ва ўсув даврида органик ҳамда минерал озика моддаларни тупроққа солиш тупроқни агрохимёвий таҳлили натижаларига мувофиқ амалга оширилиши лозим. Органик моддалар миқдори 20% атрофида сақланиши талаб этилади. Бунинг учун кузги-қишки экиш даврида тупроққа асосий ишлов беришдан олдин ҳар бир гектар иссиқхона май-

донига камида 400 тонна чиринди ва 100–150 тонна говаклаштирувчи модда (қипиқ, сомон майдаси ва бошқалар) солиниши лозим.

Тупроқ таркибидаги сувда эрувчи фосфор миқдори ҳар 100 г тупроқда 100 мг, нитратли ва аммиакли азот миқдори 25–30 мг, сувда эрувчи калий 50–60 мг атрофида сақланиши керак. Бундан ташқари тупроқ таркибидаги хлор миқдори ҳар 100 г тупроқда 0,02 фоиздан ошмаслиги, магний 25–30 мг, кальций эса камида 100–120 мг бўлиши керак.

Азотли ўғитларни калийли (KNO₃) ва кальцийли (Ca (NO₃)₂) селитра шаклидаги берилгани маъқул. Калийли ўғитларни сульфат калий K₂SO₄ шаклида, фосфорлиларни эса қўшсуперфосфат Ca (H₂PO₄)₂ шаклида ёки ўсув даврида яқка аралашмали калий фосфат шаклда берилади. Экилган кўчатларнинг канопп ипли сўриларга боғлаб чиқилади, боғлашда илдиз бўғизини қаттиқ сиқиб қўймаслигига эътибор қаратилади.

Ўсимликлар битта поя қолдирилиб шакл берилади. Бачки новдалар 6–7 см. дан ўсиб кетмасдан уларни ўз вақтида юлиб ташлаш керак. Ўсимлик учини ҳар ҳафтада каноппли иппа ўраб турилади, сўрини симли қисмигача ўсгач эса кўндалангига ўраб турилади. Қишки-баҳорги экиш мавсуми даврида иссиқхоналарда ёруғликни кўпайиши, тупроқ ва ҳаво ҳароратини аста-секин кўтарилиб бориши ўсимликлар маҳсулдорлиги ошишини таъминлайди.



Партенокарпик бодрингни қишқи-баҳорги экиш мавсумида уруғи ердан тўлиқ униб чиққандан то биринчи ҳосили теримигача ўсув даври 45–50 кунни ташкил этади. Бодрингнинг партенокарпик дурагайи, асалари билан чанланувчи навлардан кескин фарқланади, яъни улар жуда ривожланган барг, поя ва илдиз қисмига эга, шу туфайли жуда ҳосилдордир. Шу билан бирга улар ташқи муҳит шароитларига, жумладан, ёруғликка, иссиқликка ва тупроқ таркибидаги намликларга жуда талабчандир. Ушбу дурагайлар ташқи муҳит шароитларини кескин ўзгаришига чидамсиз ва ўта таъсирчан.

Уларнинг бошқа навлардан муҳим устунлиги мевасида аччиқ таъми йўқлигидир. Партенокарпик бодрингни чанглатиш керак эмас, чанглатиш уларга салбий таъсир этади, яъни мевалари қинғир-қийшиқ бўлиб, натижада уларнинг сифати пасаяди.

Униб чиқиш ва юқори ўсиш қувватига эга бўлган бодринг уруғларини экишдан олдин турли инфекциялар билан зарарланишига қарши (олдини олиш учун) улар ГТ-қуриши шкафида олдин икки-уч сутка давомида 50°C иссиқликда кейин бир сутка 75–80°C ҳароратда қиздирилади. Бундай қиздиришда иссиқлик таъсирида касаллик вируслар барчаси ўлади, лекин уруғнинг униб чиқиш қобилияти пасаймайди.

Бодрингнинг мақбул экиш муддати январь ойининг охиригача ўн кунлиги-февралнинг биринчи ўн кунлиги даври бўлиб, кўчатхонада тайёрланган тувакчаларга 25–30 кунлик кўчатлар билан экилади.

Экиш учун маҳаллий F₁ “Сардор”, чет элнинг F₁ “Орзу”, “Бэйбистар”, “Бэйби мини”, “Экспоза”, “Артист” каби дурагайларни тавсия этилади.

Экилган бодринг уруғларини тўлиқ униб чиқишини таъминлаш учун ҳарорат 26–27°C дан пасайиб кетишига йўл қўймаслик шарт. Тувакчалар усти полиэтилен плёнка билан ёпиб қўйилгани маъқул. Шунда тувакчалар ҳарорати юқори, намлиги эса меъёрида сақланиб, тувакларнинг юзасидан 1,5–2 см чуқурликдаги намлигини тезда парланиб қуриб қолишдан сақлайди. Тувакларга уруғ бир донадан экилади. Экиш олди-дан тувакчалар яхшилаб намланади, уруғ униб чиқаётганда сугориш амалга оширилади.

Дастлабки уруғлар униб чиқа бошлаш даврида плёнка олиб ташланади. Кўчат етиштириш даврида ҳарорат ва намликни энг қулай меъёрдa бўлиши-

ни таъминлаш лозим. Жумладан, ҳаво ҳароратини кундузи кўёшли кунларда 20–23°C, ҳаво булутли кунларда 19–20°C ва кечалари 18–19°C, тупроқ ҳарорати 20–22°C дан пасайиб кетмаслиги, ҳавонинг нисбий намлиги эса 70–75% атрофида сақлаш зарур.

Бодринг кўчатлари бир текис ўсиши керак. Экиш учун тайёрланган кўчат сифатли 25–30 кунлик бўлиб, баландлиги 25–30 см, 5–6 та чинбарги бўлиши керак. Бодрингнинг партенокарпик дурагайини юртимиз шароитида энг қулай экиш оралиги ((80+80)/ 2)х50 см. ни ташкил этади.

Бодринг ўсимликларини парвариш-лашда ҳароратнинг энг қулай меъёрдa сақланишига алоҳида эътибор берилиши лозим, яъни кўёшли кунларда 25–28°C, ҳаво булут кунлари 20–22°C, кечаси 18–20°C бўлиши керак.

Ҳарорат 15°C дан паст бўлса, ўсим-



лик ўсишдан тўхтайдиган, 45°C дан юқори бўлганда эса улар қизиб кетиб, мева тугмай қўяди. Бодринг учун иссиқхоналар ичидаги ҳаво намлиги 85–90 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

Бодрингнинг партенокарпик “Орзу” дурагайининг асосий хусусиятларидан бири тез ўсиб, жуда кўп кўк масса ҳосил қилишидир. Кўчатлари асосий майдонга экилгандан кейин, ўсимликлар бир ҳафта давомида сўриларга боғлаб чиқилади ва ҳар ҳафта оралатиб уларни осилиб турган каноип атрофига ўраб чиқилади. Акс ҳолда ўсимликлар эгилиб ўсиб, ерга тушиб қолади ва уларда жуда кўп мўйловчалар ҳосил бўлади.

Ҳосилдорликни ошириб боришини ва унинг юқори бўлишини таъмин этувчи энг муҳим агротехник тадбирлардан бири бу ўсимликка шакл беришдир. Бодринг ўсимлигидан эртаги ва мўл ҳосил йиғиб олиш мақсадида қуйидагича шакл берилади. Энг пастки ён новдалардан 2 та барг ва 2 та мевачаси, ўрта қисмида 2–3 дона мева ва шунча барг қолдириб чилпинади. Шакл бериш билан бирга бодринг мўйловчаларини ҳам олиб ташлаш керак, не-

гаки улар орқали ўраб олинган баргларда инфекциялар кўп тўпланади.

Ўсув даври давомида ўсимликларнинг озиқланиши турлича бўлади. Ниҳоллари ердан униб чиққандан то гуллагунча ўсимлик озиқа моддаларининг 10 фоизини, мева туга бошлагунча 20 фоизини, мевалари етилиб териш даврида эса озиқанинг асосий қисмини, яъни 80 фоизини қабул қилади.

Илдиздан ташқари озиқлантириш айниқса ёруғлик кам бўлиб, тупроқ ва ҳаво ҳароратлари меъёридан паст бўлган даврларда амалга оширилиши самарали таъсир этади, чунки бундай ташқи шароитнинг пастлиги илдиз тизимининг фаолияти учун ноқулай ҳисобланади.

Озиқлантириш учун озиқали аралашма тайёрлашда 10 литр сувга макроўғитлардан 10–12 г суперфосфат, 7–8 г аммоний сульфати, 5–7 г аммиакли селитра ва бор, марганец, мис, рух, молибден, кобальт каби микроўғитлар ҳам аралаштирилади. Барглари орқали озиқлантиришдан олдин турли микроэлементлар йиғиндиси ёрдамида ҳар бирдан куйидаги миқдорда қўшиб ишчи аралашма олинади: 1 л аралашмага 2,86 г борат кислотаси, 1,8 г марганец сульфати, 0,08 г мис купороси, 0,1 г аммоний молибдени, кейин эса ҳар 10 литр ишчи аралашмага 10 мл ушбу аралашмадан қўшилади.

1000 м² майдондаги иссиқхона ўсимликларига ишлов бериш учун одатда 250–300 л макро ва микроўғитлар аралашмасидан тайёрланган ишчи аралашма сарфланади.

Иссиқхона тупроғига ишлов бериш ва катта миқдордаги минерал ўғитларни солиш, тупроқнинг сув, физик ва кимёвий хусусиятларини бироз ёмонлашишига, баъзан эса унинг шўрланишига сабаб бўлади. Шунинг учун ўсув даври давомида ҳар ойда бир мартаба тупроқ таркибининг агрокимёвий ҳолатини текшириб бориш, парваришнинг бажарилиши шарт бўлган тадбир ҳисобланади.

Ўсимликларни сугориш учун ҳам сифати тоза, яъни таркибидаги туз миқдори ҳар бир литр ҳисобига 1–2 граммдан кўп бўлмаган сувдан фойдаланиш лозим. Акс ҳолда тузи кўп бўлган сувларни олдин тиндириб, кейин фойдаланиш тавсия этилади.

Р.НИЗОМОВ, к.х.ф.д.,

Е.ЛЯН, к.х.ф.н.,

Ф.РАСУЛОВ, к.х.ф.д.,

(СПЭ ва КИТИ)

МАШИНАЛАРНИ АВАЙЛАБ САҚЛАЙЛИК

Яқинда бир машина-трактор паркиннинг устахонасида “Кейс-1200” русумли пневматик чигит экиш сеялкаси олдида қўлларига тешилган резина қувурларни ва занглаган маркер дискларини ушлаб олган механизатор ва чилангар суҳбатининг гувоҳи бўлдим:

Бу резина қувурлар ичидан чигит ўтади. Чигит юмшоқ нарса, қувурни тешмайди.

Унда тешиқлар қаердан пайдо бўлган, қаранг, қувурнинг сирти худди ғажилгандек титилиб ётипти.

Қўлингиздаги маркер диски ойнадек ялтираб турарди, занглаб сап-сариқ бўлиб кетибди-ку!

Мен ҳам сабабини билаолмай турибман.

Механизаторни ҳам, чилангарни ҳам аввалдан таниганлигим учун уларнинг олдига бориб тешилиб кетган резина қувурни ва занглаган дискни қўлларида олдим. Синчиклаб текширдим: резина қувурни сичқон еган, диск эса ёмғир, қор тагида қолган.

Сабаби аниқ: экиш мавсуми якунлангандан кейин пневматик сеяланинг уруғ бункерида ва резина қувурлари ичида чигитлар қолиб кетган, ҳеч ким уларни тозалаб олмаган. Устахона ҳовлисида очиқ ҳолда сақланаётган бу сеялкага оч сичқонлар “ҳужум” қилган — олдин чигитларни батамом еб битиришган, кейин резиналарни чайнашга ўтишган. Маркер дисклари сиртига сақлов мойлари суртилмаган, ҳеч бўлмаганда елим қоғозлар билан ўраб қўйилмаган. Ёмғир ва қор сувлари таъсирида занг босиб қолган.

Мен уларга ҳар қандай машинани — хоҳ у оддий тишли борона бўлсин, хоҳ мураккаб ғалла комбайни — мавсум тугагандан кейин сақловга тўғри тайёрлаш ва қўйиш лозимлигини, бу тадбирни шунчаки эмас, балки махсус давлат стандартига амал қилган ҳолда бажариш белгилаб қўйилганлигини тушунтирдим. Мана тушунтирганларим.

Плугларни сақлаш. Плуг бетонланган ёки асфальтланган, яъни қаттиқ юзали майдончага олиб келинади; лемех, отвал ва бошқа узеллар тупроқ, лой ва ўсимлик қолдиқларидан тозаланади ва босим остидаги сув билан ювилади; лемехлар, отваллар ва предплужниклар, дала доскалари, дисксимон пичоқ, гидроцилиндрлар штоги ва резьбали бирикмаларнинг ишчи сиртлари ПВК мойлари билан қопланади; лемехлар остига тахта тагликлар, рама учига тиргак қўйилади.

Пахта ва ғалла сеялкаларини сақлаш. Сеялка чангдан, тупроқдан, чигит ёки дон қолдиқларидан тозаланади, босимли сув билан ювилиб, қисилган ҳаво пуркалади; барча филдирак гупчаклари, подшипниклар ва узатмалар таянчлари, сошниклар, таранглов-

чи роликлар ва бошқа ишқаланувчи юзалар солидол билан ёғланади; мойдонлар текширилиб, тозаланади; тасмалар, занжирлар ва уруғўтказгичлар ечиб олиниб, тозаланади, ваннага солиб ювилади; занжирлар 80—90 градусгача қизиган дизель ёнилғиси билан 20 минут давомида ваннада ювилади; тасмалар текширилади, яроқсизлари алмаштирилади, созларига тальк кукуни сепилиб, омборга топширилади; уруғ бункерлари, маркер дислари ва бошқа қисмлар сиртидаги занглар қириб ташланади, жилвир қоғозлар билан



обдон тозаланади, ҳаво ёрдамида пуфланади; сошниклар, экиш аппаратлари, ҳаракат узатувчи юлдузчалар, таянч филдиракларнинг сиртқи қопламалари ва бошқа занглайдиган жойлар мойланади; барча пружиналардаги тарангликлар йўқотилади; сеялка рамаси тиргакка қўйилиб, шинадаги ҳаво босими 30 фоизга камайтирилади, сиртига АКС-4 алюминий бўёғи суркалади ва тиргак билан ердан кўтариб қўйилади.

Культиваторларни сақлаш. Детал ва узеллар чангдан, тупроқдан, бегона ўт ва минерал ўғит қолдиқларидан тозалангач, культиватор тепага кўтариб қўйилади ҳамда босимли сув билан ювилади; мойдонлар кўздан кечирилиб, солидол юборгич ёрдамида эски мой янгисига алмаштирилади. Бунда мой тирқишлардан сизиб чиқиши зарур; занжирлар ва ўғитўтказгичлар ечиб олиниб, ювиб-тозаланади, НГ-204 ҳимоя мойи суркалади ва омборга топширилади; ўғит солиш аппаратининг банкалари ва ҳамма деталлари ўғит қолдиғидан тозаланади.

Экиш тарелкаси ва регулятори, ричаг ва шкала, тишли филдираклар, ҳаракат узатувчи валиклар ва банканинг ички сиртига ҳимоя ёғи суртилади. Банклар қопқоғи зичлаб бекитилади; деталлар сиртлари зангдан тозаланиб, ҳаво билан пуфланади ва ПЭВ-74 мойи суркалади; ишчи органлар, резьбали бирикмалар, детал ва шарнирларнинг ишқаланиш сиртлари, ишчи органлар ва осий механизми секциялари, таянч филдираклари сиртлари тозалангандан кейин ҳимоя ёғлари билан қопланади.

Ғалла комбайнларини сақлаш. Барча дарчалар ва ҳимоя кожухлари очилади. Комбайн 10—15 минут давомида салт ишлатилади, шунда ичкаридаги ўсимлик қолдиқлари ташқарига чиқиб кетади; мой босган жойлар махсус эритмаларнинг бири билан ювилади; электр ускуналари полиэтилен плёнкалар билан филофланади, радиаторнинг ҳимоя тўри ечиб олингач, босимли сув билан ювилади; двигател картеридаги эски мой тўкиб ташланади. Фильтрлар, форсункалар қиздирилган дизель ёнилғиси билан ювиб, тозаланади.

Картерга 80 фоизи дизель ёнилгиси ва 20 фоизи мотор мойидан иборат эритма қуйилади. Двигатель 10–15 секунд давомда салт ишлатгандан кейин бу суяқлик тўкиб ташланади ҳамда ўрнига янги мотор мойи қуйилади; тезликлар қутиси, кетинги кўприк ва охири узатмалар картердаги эски мойлар ҳам шу тартибда алмаштирилади; занжирлар ечиб олиниб, 90–100 ҳароратдаги дизель мойида 10–15 минут қайнатилади. Улар мойдан олиниб, тўрли ваннага солинади ва мой қолдиқлари сирқигандан кейин ваннадан олиб қурилади.

Тоза занжирлар калавалаб сим билан боғланади, сўнгра мой шимдирилган қоғозга ўралади ва омборга топширилади; тасмалари зангдан тозаланади, иплари чиқиб кетган, моғор босган жойлари 2 фоизли формалин эритмасида дезинфекциялангач, мой доғлари бензин шимдирилган латта билан артиб кетказилади ҳамда тасмалар қуририлиб, устига тальк сепилади.

Олиниши қийин бўлган тасмалар жойида артилади, совунли илиқ сувда ювиб, қуририлгач, АКС-3 алюминий бўёғи суркалади. Шкивлар ва роликларнинг иш сиртларига зангдан ҳимояловчи мой суртилади; жат-



ка сегмент пичоғи ечиб олиниб, тозалангач, ҳимоя мойи суртилади ва ёғоч ғилофга жойлаштирилиб, омборга топширилади. Қия камера тозаланади, транспортёр таранглиги камайтирилиб, винтларга, занжир ва тароқларга ҳимоя мойи суртиб қўйилади.

Жатка корпусини мувозанатловчи механизм пружинаси таранглиги камайтирилади; барча элеваторларнинг қопқоқлари очилиб, шнеklar ва куракчалар кирдан тозаланади. Ғалла бункерининг ичи ва шнеklar дон қолдиқлари ва кирдан тозаланади. Ғалла бўшатиш шнеги учи ва резина тарнов полиэтилен плёнка билан ғилофланади ва сим билан боғлаб қўйилади; двигатель ҳаво тозолагичи деталлари ечиб олиниб, ювилади ҳамда жойига қайтадан ўрнатилади. Ёнилги фильтери ювиб тозаланади. Картерлардаги тиқин бўшатилиб, эски мой тўкиб ташланади, ювувчи суяқлик қуйиб чайқатилгач, сўнгра уни тўкиб ташланади.

Корпуслар 5 фоизли АКОР-1 қўшилмаси аралаштирилган янги мотор мойи билан тўлдирилади. Тутун чиқариш ва ҳаво тозолагич трубалари ва бошқа қисмлардаги тешиklar тиқинлар билан зичланади; аккумуля-

тордаги электролит зичлиги ва сатҳи меъёрига етказилади. Генератор ва стартер сиртлари, коллектор ва шлицалари ҳаво билан тозаланади. Клеммалар мойланади; гидросистема бакига 30 градусгача илитилган ва 5 фоизли АКОР-1 қўшилмаси аралаштирилган мой қуйилади. Гидроцилиндр штокларига ПВК ҳимоя мойидан, шлангларга алюминий бўёғи суркалади; шиналардаги ҳаво босими 30 фоизга камайтирилиб, сиртига АКС-4 алюминий бўёғи суркалади. Шиналар тиргак ёрдамида ердан озгина кўтариб қўйилади.

МХ-1,8 русумли пахта териш машиналарини сақлаш. Терим аппарати ва вентилятор очиқ жойда 3–5 минут ишлатилиб, бункерга йиғилган қолдиқ пахталар тозалаб олинади. Бункер қопқоғи ва тўрларига илиниб қолган пахта толалари ва хас-чўплар қўлда олиб ташланади; вентилятор ўчирилиб, аппаратнинг ҳамма эшикчалари жойидан ечиб олингач, аппаратни 5–10 минут ишлатиб, босимли сувда тўрт томонидан ювилади. Шпинделлар, ажраткич чўткалар ва вентилятор паракларига ёпишиб қолган пахта толалари ва чирklar қирғичлар ёрдамида тозалаб ташланади. Эшикчалар жойига ўрнатилади.

Шундан сўнгра, Пахта териш машинаси усти ёпиқ бино ичига ҳайдаб киритилади.

Агар зарур бўлса тракторни ажратиб қўйилади. Машинанинг чап ва ўнг бўйлама рамалари бошларининг остига мустаҳкам таглиklar қўйилади. Уларнинг баландлиги шундай танлансинки, бунда рамалар ер юзасига параллел ҳолатда бўлсин.

Аппаратдаги иккита редукторнинг қопқоғлари очилади, ичидаги эски мой тўкиб ташланади, дизель ёнилгиси билан ювилиб, янги мой солинади ва қопқоқлар беркитилади.

Пневмосистема вентиляторлардаги иккита тасма ва шпинделларни тўғри айлантурувчи саккизта понасимон тасмалар ечиб олиниб, яроқсизлари чиқитга чиқарилади. Яроқли тасмалар совунли сувда ювилиб, қуририлгач, жойига ўрнатиб қўйилади.

Шпинделларни тескари айлантурувчи саккизта понасимон тасмалар (тескари айлантурувчи колодкалар)нинг созлари жойида қолади, фақат тасмалар сиртига тальк кукуни сепиб қўйилади.

Аппаратнинг қўзғалмас ва қўзғалувчан секцияларини бир-бирига тортиб турувчи пружиналар бўшатилиб, эркин ҳолатга келтирилади.

Плуг, борона, сеялка, культиватор каби оддий машиналарни бостирма остида, трактор, ғалла комбайни ва пахта териш машинаси каби мураккаб техника воситаларини ёпиқ бинолар ичида сақлаш мақсадга мувофиқдир.

Машиналар тўғри сақланса занглашнинг олди олинади (қишлоқ хўжалиги машиналарининг 70–80 фоиз деталлари очиқ ҳавода занглаш туфайли ишдан чиқади), резина деталлари (тасмалар, втулкалар, шланглар) емирилмай, соз ҳолатда туради, машинани келгуси мавсум учун тайёрлаш кам эҳтиёт қисм талаб этилади, маблағ тежалани, энг муҳими, машина доимо ишга шай ҳолатда туради.

М.ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д., профессор
(ҚХМЭИТИ)

ТАБИАТНИНГ БЕНАЗИР ЭҲСОНИ

Тупроқ ер юзасининг унумдорлик қобилиятига эга бўлган энг устки қисми бўлиб, биосферанинг асосий бўлагидир. Инсоният ва барча жонзотлар ҳаётини таъминлаб турувчи табиий озуқа яратиш воситаси ҳам тупроқ. Ундан ўсимликлар, улар орқали тирик организмлар ўз ҳаёти учун зарур бўлган минерал озиқ моддалар ва сув олади. Хуллас, тупроқ – сайёраимиздаги жамики жонли мавжудодлар учун тириклик манбаидир. Шу боис, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 2013 йилнинг 20 декабрида ҳар йилнинг 5 декабрини Бутунжаҳон тупроқ куни сифатида белгилади.

Бу борада қабул қилинган резолюцияда таъкидланадики:

- тупроқлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асоси. Шунингдек, экотизимнинг муҳим бўлаги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминловчи асосий манбадир;
- аҳолининг ўсиши билан боғлиқ муаммоларни ечишда, улардан барқарор ва оқилона фойдаланиш ўта муҳимдир.

Шунингдек, резолюцияда тупроқ сифатини бошқаришнинг самарали услубларини ишлаб чиқиш, биохилма-хилликни сақлаб қолиш, қашшоқликни бартараф этиш, иқлим ўзгаришлари ва сув муаммоларини ечиш, саҳроланиш, ерларнинг деградацияси ва қурғоқчилик каби кўплаб муаммолар хусусида гап боради.

БМТ мазкур тадбирларнинг ўтказилиши инсониятнинг тириклик манбаи бўлган тупроққа барча давлат раҳбарлари эътиборини қаратишга хизмат қилади, деб ҳисоблайди.

Чунки, бугунги кунда сайёраимизда юзага келган вазият, биринчи навбатда, атроф-муҳитнинг экологик жиҳатдан бузилиши, иқлим ўзгаришлари, қурғоқчилик ва саҳроланиш жараёнларининг давом этаётганлиги ва кучаяётганлиги, бевосита тупроқларни “чарчатиб”, унумдорлигининг пасайишига олиб келмоқда. Бу муаммони фақат маълум бир мамлакат эмас, балки барча давлатларнинг биргаликда ҳаракати натижасида ҳал этиш мумкин.

Чунки, дунё бўйича инсоният ҳар йили 12 млн. гектарга яқин унумдор ерларни йўқотмоқда. Ҳар йили йўқотилаётган ерлардан 20 миллион тонна галла ҳосили етиштирилиши мумкин эди. Ерларнинг

деградацияси ва саҳроланиш жараёнлари оқибатида йўқотилган даромад ҳажми 42 млрд. АҚШ долларини ташкил этади.

Ернинг унумдорликка эга бўлган энг устки юпқа тупроқ қатлами чегараланган. Инсон учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотининг 93,9 фоиздан ошиқроғи ана шу ерлардан олинади. Бугунги кунда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва қайта тиклашдан кўра, уни йўқотиш тезлашиб бормоқда. Шу жумладан Марказий Осиё минтақаларида ҳам қурғоқчилик ва саҳроланиш ҳолатлари маълум даражада юзага келган. Хусусан, мамлакатимизнинг Оролбўйи ҳудудларининг саҳроланишга бўлган мойиллиги ортиб бораётганини эътиборга олсак, ушбу ҳудудда қуриган денгиз тубидаги туз қатламларининг очилиб қолиши ва уларнинг шамол воситасида бошқа ҳудудларга кўчиб ўтиши республикаимизда фойдаланилаётган ерлар унумдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис, сўнгги йилларда мамлакатимизда бу борада изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга алоҳида ўрин берилган. Жумладан, пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириб, экин майдонларини янада мақбуллаштириш, бўшаб қолган ерларга картошка, сабзавот, озиқ-овқат ва мойли экинлар, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жой-



лаштириш каби вазифалар белгилаб берилган.

2017 йилда Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти томонидан Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази тизимидаги мутасадди ташкилотлар мутахассислари билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Хоразм ва Фарғона водийси вилоятлари бўйича тупроқларнинг ҳолати, унумдорлиги паст ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва етиштириш агротехнологиялари бўйича тавсиялар тайёрланиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Тавсияларда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар суғориладиган тупроқларининг ҳозирги ҳолати, хосса-хусусиятлари ва унумдорлиги бўйича маълумотлар, сув таъминоти қийинлашган ерларда тупроқ унумдорлигини қайта тиклаш ва ошириш, сабзавот, полиз, дуккакли, мойли, озиқабоп экинларни жойлаштириш, ўғитлаш, суғориш, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш каби кўплаб агротехник тадбирлар келтирилган.

Ҳаракатлар стратегиясида яна бир муҳим вазифа — глобал иқлим ўзгариши ва Орол денгизи қуриб қолишининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўришидир.

Бу борада бизнинг институти- мизда “Иқлим ўзгариши шароити- да Оролбўйи ҳудудлари тупроқ қоп- лами шаклланиши ва трансформа- цияси қонуниятларини тадқиқ этиш” мавзусида фундаментал лойиҳа ишлаб чиқилди ва амалга оширила бошланди.

Тадқиқотлар натижасида Орол денгизи сув сатҳининг кескин па- сийиши сабабли, денгиз тубида ва қуриган дарё дельтасида тупроқ ҳосил бўлиш жараёнлари хусусият- лари аниқланади, тупроқларнинг систематик рўйхати тузилиб, улар- нинг классификациядаги ўрни бел- гиланади. Оролбўйи ҳудудларида, денгиз қуриши ва глобал иқлим ўзгариши натижасида тупроқ қоп- ламида юз берган жараёнлар тўғри- сида маълумотлар олиниб, улар

асосида тупроқ қоплами трансфор- мацияси башоратланади. Оролбўйи ҳудудларининг схематик тупроқ картаси тузилади. Тадқиқотлар на- тижаси таҳлил этилиб, иқлим ўзга- риши ва денгиз қуришининг атроф- муҳитга етказётган салбий таъси- рини камайтиришга, шунингдек, биотизимларнинг адаптация жара- ёнларини муайянлаштиришга, Оролбўйи тупроқ ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратил- ган чора-тадбирларни ишлаб чи- қишга илмий асос яратилади.

Мухтасар қилиб айтганда, рес- публикамизда тупроқ унумдорлиги- ни сақлаш, қайта тиклаш ва оши- риш, ер ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, ат- роф-муҳитни муҳофазалаш, қур- гоқчилик ва саҳроланиш жараён-

ларини келтириб чиқарувчи омил- ларни ўрганиш, улар натижасида юзага келган салбий жараёнлар- нинг бартаараф этиш ёки юмшатиш масалалари давлат сиёсати даража- сига кўтарилиб, ягона тизим асо- сида олиб борилмоқда. Бу ўз навба- тида табиатнинг ноёб неъматлари – ер, сув, ҳаво кабиларни асраш, муҳофазалаш, улардан оқилона фойдаланиш, оқибатда мамлақати- мизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, экологик тоза маҳсу- лотлар ишлаб чиқариш, халқи- мизнинг турмуш фаровонлигини янада оширишга замин яратади.

Р.ҚЎЗИЕВ,

*Тупроқшунослик ва агрокимё
илмий-тадқиқот институти
директори,
б.ф.д., профессор.*

Олим мулоҳазаси

КУЗГИ ШУДГОР САМАРАДОРЛИГИ

Тупроққа асосий ишлов беришнинг ағдариб ишлаш усули юртимизда кенг тарқалган бўлиб, бу тадбир асосан кузги шудгор кўринишида чимқирқарли ва икки ярусли плуглар билан 35–40 см чуқурликда амалга оширилади. Ушбу тад- бирнинг афзаллиги шундан иборатки, бунда тупроққа кўпроқ сувнинг сингиб кетишини яхшилаш, ўсимлик илдизи ривож- ланадиган қатламда кўп сув тўпланиши ва намликнинг узок муддат сақланишини таъминлашдан иборат.

Ер ҳайдаш усуллари танлаш- да тупроқнинг физик-механик хос- салари, жойларнинг тупроқ-иқлим шароитини ва шудгорлаш муддат- ларини эътиборга олиш муҳим ҳисобланади.

Маълумки, бу агротехник тадбир тупроқнинг намлиги 16–18% атрофида бўлганда ба- жарилиши керак. Бунда тупроқ яхши уваланади, машинанинг ишчи қисмларига ёпишмайди ва унинг қаршилиги энг кам бўлади.

Ҳозирги пайтда ерларни икки ярусли плуглар билан шудгорлаш технологиясига алоҳида эътибор қаратил- моқда. Бу усулда шудгорлаш икки ярусли ПЯ-3-35, ПД-3-35 ПНЯ-4+1-45, ПДО-4-45 русумли 3-4 корпусли плуглар ёрдамида амалга оширилади. Натижада туп- роқ қатламларининг ўрни ўзаро

алмашинади, бегона ўтлар уруғи ва ўсимлик қолдиқлари тупроққа чуқур кўмилади.

Айниқса, кучли шўрланган май- донлар икки ярусли плуглар билан ҳайдалганда ер юзасига чиқиб қол-



ган шўр қатлам тупроқнинг остки қатламига тушганлиги учун бундай майдонларда шўр ювишдаги сув сарфи 25–30% камайиши аниқлан- ган.

Ҳайдов қатламининг бундай қисмларга бўлиниб ва ўрин алмаш- тирилиб ағдарилиши солинган ўғитлар, бегона ўтлар ва уларнинг уруғлари чуқур кўмилишини таъ- минлайди ҳамда вегетация даврида маданий ўсимликнинг жадал ри- вожланишига ижобий таъсир этади.

Ер ҳайдаш самарадорлигини оширишда даланинг ўзига хос ху- сусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги тадбирларни қўллаш яхши натижалар беради:

- 1) бир йиллик бегона ўтлар куч- ли босадиган ва юқори даражада шўрланган майдонларни тўлиқ икки ярусли плуглар билан ҳайдаш;
- 2) кўп йиллик бегона ўтлар (ажриқ, ғумай, қамиш) босган май- донларни уларнинг илдизлари- дан тозалангандан кейин ҳайдаш;
- 3) сизот сувлари яқин, сув ва шамол эрозиясига учрайдиган май- донларни экиш олтидан ҳайдаш;
- 4) ҳайдаш чуқурлигида қаттиқ қатлам ёки гипс қатла- ми мавжуд бўлса, чуқурлатгич- ли махсус плуглардан фойдала- ниш;
- 5) шўри ювиладиган ва ноте- кис ҳайдалган майдонларни ҳай- дашдан кейин пешма-пеш те- кислаш ишларининг бажарилиши ер ҳайдаш ишларининг самарадор- лигини кескин оширади.

С.АЛИҚУЛОВ,

ТИҚХММИ доценти, т.ф.н.

“ТОМЧИ” МОБИЛ ИЛОВАСИ – СУВ ТЕЖАШДА ЁРДАМЧИ

Жорий йилнинг 26 ноябрь куни пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлигининг беғараз молиявий кўмагида амалга оширилаётган “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси” доирасида ишлаб чиқилган “Томчи” мобил иловасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги мутасаддилари, соҳа олимлари, мироблар, томчилатиб суғориш ускуналарини ишлаб чиқарувчи корхоналар мутахассислари, фермерлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



Тадбирнинг очилишида сўзга чиққанлар мамлакатимизда иқтисодийнинг барча жабҳалари сингари аграр соҳани ҳам жадал ривожлантириш, амалиётга инновацион технологиялар, илмий ишланмалар, айниқса, точилатиб суғориш ва бошқа ресурстежамкор технологияларни кенг жорий қилишга алоҳида эътибор берилганлигини таъкидладилар.

Эндиликда қишлоқ хўжалик экинлари, боғ-роғлар майдонларида томчилатиб суғоришни кенг жорий этишда фермерлар, шахсий томорқа эгалари, сув хўжалиги ташкилотлари ходимлари ва бошқа сувдан фойдаланувчиларга “Томчи” мобил иловаси беминнат ёрдамчи бўлиб хизмат қилади.

— Мазкур иловодан қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларида ишлаётган мутахассислар, тармоқ олий ўқув юртлари талабалари ва профессор-ўқитувчилари, сув ресурсларини бошқариш масалаларига бевосита алоқадор бўлган кенг жамоатчилик вакиллари кенг фойдаланишлари мумкин, — дейди лойиҳа координатори Биродар Бурхонжонов. — Унинг имкониятлари жуда кенг. Масалан, илова суғо-

ришда тежамкорлик усуллари ҳақидаги ахборотлар билан танишиб бориш, уларнинг афзалликларидан бохабар бўлиш ҳамда тежамкор технологияларни муайян майдонга жорий этишнинг тахминий баҳосини аниқ ҳисоблаш имконияти беради.

“Томчи” мобил иловаси ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг ўзаро алоқасининг ягона ахборот майдони бўлиб хизмат қилади ҳамда улар ўртасида ҳамкорликни кенгайтиришни таъминлайди. Илова фойдаланувчилар учун ихчам ва қулайлиги, шаффофлиги ва соддалиги билан ажралиб туради. Иловодан фойдали электрон ресурсларга ҳам жой ажратилган. Улар орқали видео ва фотогалерея, мавзу бўйича китоблар, мақолалар, Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиш мумкин.

Ўтган йиллар давомида агентлик ёрдами билан ташкил этилган фермерлар дала мактаби муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда. Сувдан фойдаланувчилар ва сув хўжалиги ташкилотларининг ирригация тизими ва экин майдонлари миқёсида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятлари мустаҳкамланмоқда. Шунингдек, сув хўжалиги тармоғи ходимларининг касбий билимларини ошириш ишига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

— Ҳозиргина ушбу иловани смартфонга юклаб олдим, — дейди Самарқанд вилоятидаги “Нигина” фермер хўжалиги раҳбари Олим Мирзаев. — Ростини айтсам, ҳар бир фермер учун ушбу илова фойдали экан. Илованинг имкониятлари билан танишиб чиққач шундай фикрга келдимки, агар барча фермерлар ушбу иловадаги ахборотлардан фойдаланадиган бўлса, сувни тежовчи технологиялар тўғрисида соатлаб мажлису семинарлар ўтказиб, вақтини йўқотмасам ҳам бўлар экан.

Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, “Томчи” мобил иловаси келгусида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг Ахборот-таҳлил ва ресурс марказининг порталига улашиб, сувни тежаш технологияси ҳақидаги муфассал ахборотлар, шунингдек, сув ресурсларини бошқаришнинг барча йўналишлари бўйича маълумотлар жойлаштириб борилади.

“Томчи” мобил иловасини республикамизнинг исталган ҳудудидан туриб интернет тармоғи орқали “App Store” ва “Google Play” дўконларидан бевосита, ёки QR-кодидан фойдаланган ҳолда юклаб олиш мумкин.

Тақдимот маросимида “Томчи” мобил иловасини юклаб олган фойдаланувчилар ўртасида танлов эълон қилинди. Мазкур танловда “Томчи” мобил иловасини юклаб олган фермерлар, деҳқон хўжаликлари вакиллари, томорқа ер эгалари, шунингдек, сув хўжалиги ташкилотлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг ходимлари иштирок этишлари мумкин.

Бунинг учун мобил иловани 2019 йил 20 январь соат 24:00 га қадар юклаб олиш, бу жараёнда берилдиган сўровномани тўлдирган ҳолда рўйхатдан ўтиш ва танловда иштирок этиш учун розилик бериш kifоя.

Танлов ғолиблари ва совриндорлари 2019 йил 4 февраль куни қуръа ташлаш йўли билан аниқланиб, омадли 26 нафар иштирокчига мукофот сифатида илова юкланган смартфонлар ҳамда 2 нафар Гранпри соҳибига Чехия Республикасига йўлланма тақдим этилади.

Ўз мухбиримиз

КУЗ НЕЪМАТЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Жорий йилнинг 21–23 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги “Ўзқўрғаз-масавдо” мажмуасида “Куз неъматлари – 2018” мева-сабзавот ярмаркаси ташкил этилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази, “Ўзагроэкспорт” акциядорлик жамияти, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томони-

долларга тенг 1 миллион тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинди. Бу 2017 йилга нисбатан 20 фоиз кўп демакдир. Йил сайин деҳқон ва фермер хўжалиklarини ривожлантириш чоратадбирларининг изчил амалга оши-



дан ташкил этилган мазкур ярмаркада Россия, Япония, Украина, Болгария, Туркия ва Қирғизистон каби 14 давлатдан қайта ишлаш ва савдо компаниялари, савдо-саноат палаталари, қишлоқ хўжалиги йўналишидаги вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Кўрғазманинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, етиштирилган ҳосилни сақлаш инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ишхотлар халқимиз фаровонлигини юксалтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидладилар.

– Бу каби кўрғазмалар республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасини янада ривожлантириб, маҳаллий маҳсулотларимизга хорижда талабни янада оширишга хизмат қилади, – дейди Ўзбекистон тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази директори Акром Алимов. – Жорий йилнинг ноябрь ойига қадар мамлакатимиздан хорижга 800 миллион

рилиши, соҳанинг давлат томонидан тизимли қўллаб-қувватланиши ўз самарасини бермоқда.

Ярмаркага ташриф буюрган хорижлик ва маҳаллий қатнашчилар республикамизнинг барча ҳудудла-



рида етиштирилган сархил хўл ва қуруқ мевалар, сабзавотлар, полиз экинлари, ёнғоқ, зираворлардан ўзига хос тарзда безатилган экспозициялар билан бевосита танишиш баробарида, уларнинг таъмини татиб кўриш, сотиб олиш бўйича шартномалар тузиш имкониятига эга бўлишди.

Шунингдек, юртимизда фаолият

кўрсатаётган қўллаб қайта ишлаш, экспорт, транспорт ҳамда логистика компания ва фирмалари ўзларининг хизматларини тақдим этишди.

– Ярмаркада майизнинг 12, ўрикнинг 4 хилини ва бошқа қуритилган меваларни намоиш этиямиз, – дейди «Ургут сара кишмиши» оилавий корхонаси раҳбари Жўрақул Тўйинов. – 1,5 гектар майдондаги токзоримизга токнинг «Қора кишмиш» ва «Оқ кишмиш» навлари экилган бўлиб, бу йил қарийб 45 тонна узум етиштирдик. Ҳосилни қайта ишлаб 11 тоннадан зиёд майиз тайёрладик. Бундан ташқари, қишлоқдошларимиздан ҳам узумларини харид қилиб, 300 тоннага яқин майиз тайёрлашга муваффақ бўлдик. Маҳсулотларимизни асосан Россия ва Хитойга экспорт қиляпмиз. Агар ўтган йили 45 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилган бўлсак, жорий йилда бу кўрсаткични 110 минг долларга етказиш. Ярмарка мобайнида 60 минг АҚШ долларлик маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома имзоладик. Келгусида ўрик ва қоралини қуритишни йўлга қўймоқчимиз. Шунда экспортимиз салмоғи янада ошади.

Аграр соҳа бўйича фаолият кўрсатаётган чет эллик инвестор ва шериклар учун мамлакатимизда қатор солиқ ва божхона имтиёзлари яратилиши тадбиркорларимиз билан ҳамкорликни кенгайтирмоқда.

– Мамлакатингизда фермерлик ва тадбиркорлик ҳаракати ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, интенсив агротехнологиялар, инновацион ишланмалар амалиётга изчил татбиқ этилаётгани туфайли маҳсулот етиштириш ҳажми тобора ортмоқда, – дейди уруғлик картошка етиштиришга ихтисослашган ширкат раҳбари, қирғизистонлик Женгишбек Жолдубаев. – Ярмаркада турли эртапишар картошка навлари билан қатнашмоқдамиз. Маҳсулотимизга қизиқиш катта бўлди. Жумладан, жиззахлик тадбиркорлар билан шартномалар имзолашга келишиб олдик.

О.НОРБЕКОВ,
Ўз мухбириمиз

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФЕРМЕРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун “Ташаббус – тараққиёт сари қадам” шиори остида ўтказилган республика кўрик-танловида Хива туманидаги “Йўлдош Мажид” фермер хўжалиги раҳбари Йўлдош Искандаров “Йилнинг энг яхши фермери” номинацияси бўйича ғолиб деб топилди, Президент соврини – “Spark” автомобили, “Ташаббус-2018” кўрик-танловининг махсус статуеткаси, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ушбу қувончли хабарни эшитиб, омадли йилнинг энг яхши фермери билан суҳбатлашиш мақсадида Хива тумани сари йўл олдик. Урганч–Хива йўлида қурилаган замонавий темир йўл вокзалига яқин жойда жойлашган хўжаликнинг офисига кириб борарканмиз, саранжом саришталикдан кўнглимиз янада чирой очди. Китоб жавонига чиройли қилиб қўйилган бир қатор диплом ва ташаккурномалар, бебаҳо китобларни кўриб, Йўлдош Искандаров бежиз ушбу улкан ютуққа лойиқ деб топилмаганлигига амин бўлдик. Бугунги кунда хўжаликда пахтачилик, галлачилик, чорвачилик, балиқчилик, полизчилик, боғдорчилик, сут маҳсулотларини қайта ишлаш, иссиқхона, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, новвойчилик каби хизмат кўрстиш фаолиятлари йўлга қўйилган.

– Ҳали ўсмир бола эдим, – деб сўз бошлади фермер болалик чоғларини хотирлаб. – Хўжалигимиз раиси Раҳимбой Яқубов (раҳматли) билим юртида ўқиб юрганимда олдига чақириб, занжирли ҳайдов тракторини кўрсатиб: “Шуни эпласанг сенга янги трактор бераман”, деган эди. Бу трактор эски, бошқариш жуда оғир, эплаш қийин эди. Аммо мен жуда хурсанд бўлдим, ахир ишга ташна эдим-да. Шу бўйи 12 йил тракторчилик қилдим. Йиллар ўтиб қишлоқ ҳаётида туб бурилишлар бўла бошлади, ферма мудири

бўлишни ҳам таклиф қилишди, мен ўз қўлим билан янги иш қилишни истадим, дастлаб 2002 йилда қумли ерлардан 1 гектар ажратиб беришди.

2013 йилда хўжаликнинг ер майдони 25 гектарга етди. Миллий



банкнинг туман бўлимидан 123 000 АҚШ доллари миқдорига кредит олинди, Хитойдан замонавий сутни қайта ишлаш ускуналари келтириб ўрнатилди. Шу тариқа янги иш ўринлари яратилиб, сутни қайта ишлаш йўлга қўйилди.

2007 йилда наслчилик мақомини олган хўжаликда 2016 йилга ке-

либ наслдор қорамоллар 220 бошга етказилди. Бундан ташқари, хўжаликда 4 бош ахалтака зотли отлари ҳам парваришланмоқда.

Отлар ва қорамолларни вақтида эмлаб, ҳар куни текширувдан ўтказиб келаётган ветеринария врачлари Ҳамробек Жуманиёзов 26 йилдирки, ўз ишига масъулият билан ёндашиб келмоқда. У қорамолларни қишлоқдан омон-эсон олиб чиқиш шароитларига ҳам эътиборли. Йиғиб олинган ем-хашак сифатини ҳам назардан қочирмайди.

Бугунги кунда уч бўлмадан иборат хўжалик фермаҳонасида ишлаётган чорвадорлар учун 100 ўринли муҳташам шийпонда ҳамма шароитлар яратилган. Сутни қайта ишлаш корхонаси янада кенгайтирилди. 2014 йилга келиб бу ерда нон ва нон маҳсулотлари, турли пишириқлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ҳозирги кунда икки сменада иш олиб бораётган 18 нафар ишчи озода ва эркин иш шароитидан мамнун. Улар кунига 6000 дона сифатли ва арзон нархдаги Хоразм нони ёпиб, эл дастурхонига тортиш этмоқдалар.

5 гектар сунъий ҳавзада сазан, оқ амур балиқлари боқилмоқда. Балиқчилар Файрат Машарипов, Отабек Отамуродовлар йилига 7–8 тонна сифатли балиқ маҳсулотлари етиштириб, халқ истеъмолига чиқаришмоқда. Шунингдек, 4 йил олдин биогаз ишлаб чиқиш йўлга қўйилди, бу маҳсулот иссиқхона шароитида қўллаш учун қўл келмоқда.

Эндиликда 61 гектарга эга хўжалик ерлари сув йўлларининг охириги нуқтасида бўлганлиги, қумлоқ ерлардан иборатлиги учун бироз муаммо туғдирса-да, фермернинг

тадбиркорлиги туфайли муаммоларга ечим топилган. 5 гектар ерга галла экилиб, давлатга дон сотиш шартномавий режаси 23 центнер ўрнига 70 центнердан, 5 гектар пахта майдонидан режадаги 26 центнер ўрнига 35 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Сувчилар – Жуманазар Бўронов, Бахтиёр Ибодуллаев, Ганжабой Нуритдинов, тракторчилар – Файрат Машарипов, Жалол Саидовлар ҳар бир ишда, ҳатто, қишки мавсумда ерлар шўрини ювиш, текислаш, баҳорга тайёрлаш ишларида фаол меҳнат қилмоқдалар.

Дастлаб 4 нафар ишчи билан иш бошлаган хўжаликда бугунги кунда 28 ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Мавсумий юмушлар давомида 100 га яқин ҳамқишлоқлар ишга жалб қилинади.

“Оқёп” Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Одилбек Шеров-

нинг айтишича, фермер имконияти чекланган, кам таъминланган оилаларга ҳам баҳоли қудрат ёрдам бериб келмоқда. Айниқса, ишчи Маҳмуд Ҳусайнов оиласи фермердан мамнун. Сабаби уй-жойга муҳтож бу оилага тўлатўкис яшашлари учун иморат қуриб берилди.

Фермер хўжалиги ҳақида қанча гапирсак оздай гўё. Келажакдаги режалар анчагина: 2019 йилда биогаз ишлаб чиқариш, 1 гектар ерда иссиқхона ташкил қилиш, маҳсулотларни сақлаш учун 3 камерали музлатгич қуриш, қишлоқ ёшлари учун ўқув маркази очиш, Германия давлатидан насли қорамоллар ва эчкилар олиб келиш, экотуризм майдонлари барпо этиш, пластмасса анжомлари ишлаб чиқариш, ноёб балиқлар етиштиришдек катта ишларни амалга

ошириш кўзда тутилган. Бунинг учун имкониятлар етарли.

Хўжалик ўтган йили 2 млрд. 564 млн. сўм даромад қилган бўлса, жорий йилнинг 9 ойида 3 млрд. 137 млн. сўм умумий даромадга эга бўлди. Шундан 185 млн. сўмдан зиёдроғи соф фойда ҳисобланади.

Сабр билан меҳнат ортидан барокат эшиклари очилаверади. Юксак марралар сари янги қадамлар ташланаверади. Янги йил арафасида мукофотлардан мамнун, янгиликлар ичида қайнаб, ҳаётимизнинг гуллаб яшнашида ўз ўрни, изи, манзили, заковати бор азиз инсонларга, шу каби қишлоқ хўжалигининг барча заршуносларига омадлар ёр бўлаверсин.

Сурагда: фермер Йўлдош Искандаров отаси Отаназар бобо билан. (Сураг галла ўрими мавсумида олинган).

Ш. ЖАББОРОВА,
ўз мухбиригимиз.



Азиз юртдошлар, аграр соҳа ходимлари, деҳқону фермерлар, барчангизни Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллиги ва Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини билан самимий табриклаймиз. Халқимиз дастурхони ҳамيشа тўкин, деҳқончилигимиз баракали бўлсин!

Дон ва дуккаккли экинлар илмий-тадқиқот институти жамоаси.

ТОШКЕНТДА ЙИРИК ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАР



Жорий йилнинг 21–23 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ”да “UZAGROEXPO-2018” – қишлоқ хўжалиги ва “UZPRODEXPO-2018” – озиқ-овқат саноати XIV халқаро кўргазмалари бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги, Инновацион ривожланиш вазирликлари, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Россия, Хитой, Жанубий Корея, Озарбайжон, Беларусь Республикаси, Германия, Испания, Венгрия, Қозо-истона сингари 20 га яқин мамлакатдан 170 дан ортиқ компания ва фирмалар ўзларининг деҳқончилик, чорвачилик, ветеринария, замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси ва эҳтиёт қисмлари, асбоб-ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва уларни қайта ишловчи, совитувчи ҳамда қадокловчи ускуналарини намойиш этдилар.

Айниқса, павильонларда сархил ва сифатли маҳсулотлардан тортиб, қишлоқ хўжалиги техникалари, машина-механизмлар ҳамда озиқ-овқат саноати асбоб-

ускуналари, соҳа вакилларининг илғор ишланмалари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

— Компаниямиз асосан замонавий иссиқхоналар қуриш билан шуғулланади, — дейди Жанубий Кореянинг “Doogi Engineering” компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хан Санг-Ха. — Юртингизда 2012 йилдан фаолият кўрсатмоқдамиз. Ўтган вақт мобайнида Нукус, Самарқанд, Гулистон, Тошкент шаҳри атрофларида илғор технологияларга асосланган иссиқхоналар қуриб фойдаланишга топширдик. Биз, асосан, гидропоника усулдаги иссиқхоналарни мижозимизнинг талабидан келиб чиққан ҳолда ойна ёки плёнка билан қопланган ҳолда барпо этамиз. Бугун бу ерда ана шу замонавий технологияларимизни намойиш этияпмиз.

Ўз мухбиримиз

«Асал байрами — 2018»

ҲАМ ШИФО, ҲАМ МАНФААТ

Жорий йилнинг 1–10 декабрь кунлари пойтахтимиздаги “Ўзкўргазмасавдо” марказида Ўзбекистон асаларичилар уюшмаси ва «Алоқабанк» акциядорлик тижорат банки ҳамкорлигида асал байрами ва асал маҳсулотлари кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди. Иккинчи маротаба ўтказилган мазкур тадбирда икки юз етмишдан ортиқ асаларичилик субъектлари ўз маҳсулотларини намойиш этди.

Ярмаркага кираверишдаги майдонга қўйилган кўчма асаларичилик транспорт-павильони эътиборимизни тортди. Транспорт-павильон соҳибни, Наманган вилояти Асаларичилар уюшмаси аъзоси, инноватор асаларичи Исроил Каримовни суҳбатга тортдик.

— Мен бу ерга ўзимиз етиштирган турли асал маҳсулотлари ва инновацион ғоям асосида ясаб-жиҳозланган кўчма асаларичилик транспорт-павильоним билан қатнашяпман, — дейди у. — Айниқса, ушбу транспорт-павильонга қизиқиш катта бўляпти. Павильоннинг узунлиги 8,74 метр бўлиб, кўчириш жараёнида йиғиштиришга мўлжалланган. Шундан унинг узунлиги бор-йўғи 4,35 метрни ташкил қилади, холос. Оғирлиги ҳам унчалик катта бўлмаганлиги боис, бемалол “Волга” ёки бошқа автомобиль

ёрдамида хоҳлаган жойга судраб бориш мумкин. Усти ёпилган, чакки ўтмайди. Ёзнинг жазирама иссиқ кунларида маҳсул ускуна ёрдамида сувни томчилатиб пуркаш йўли билан асалари қутиларини салқинлатиш ҳам мумкин. Маълумки, асаларичиликда ёзда асалари оиласи яшайдиган қути ичини салқинлатиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб,



мақбул ҳарорат яратилса асалариларнинг маҳсулдорлиги янада ортади.

— Бу павильонга қанча асалари қутисини жойлаштириш мумкин, — деб сўраймиз асаларичидан.

— Павильонга 96 та асалари қутисини жойлаштиришга мўлжалланган.

— Демак, 96 та асалари оиласи?

— Шундай.

— Бу павильонни Намангандан бу ерга олиб келиш қийин бўлмадими?

— Йўқ, Ушбу янгиликни одамларга кўрсатиб, кўпчиликка таништириш учун ўзимнинг шахсий “Волга” автомашинада тортиб келавердим. Қизиқувчилар кўп бўляпти. Уларнинг буюртмаси асосида ясаб беравераман.

— Сизнингча, бугунги кунда юртимиз асаларичилари олдида қандай муаммолар бор?

— Давлатимиз раҳбарияти томонидан асаларичиликни ривожлантиришга жиддий эътибор берилляпти. Натижада асал ва асал маҳсулотлари етиштириш ҳажми сезиларли даражада ортди. Бугунги кунда жуда кўп миқдордаги асал маҳсулотлари хорижга экспорт қилиняпти. Бироқ, асалари оилаларини экспорт қилиш бизга жуда ҳам фойдали эмас, чунки улар ўзимиз учун ҳам керак. Биз иложимиз борича асалдан ташқари кўпроқ прополис, гулчанг, асалари захри, асалари сути тайёрлаб, имкони бўлса, улар асосида ишлаб чиқарилган дори-дармонлар экспортга жиддий эътибор қаратсак, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Б. ЭСАНОВ,
Ўз мухбиримиз.

БИР ПАЙТЛАР ЮРТИМИЗДА ЧОЙ ЕТИШТИРИЛГАН, ЭНДИ-ЧИ?

Чой (Thea sinensis oktze) ер шарида энг кўп истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг бири бўлиб, жуда қадимдан инсонлар томонидан ичилиб келинмоқда.

Чой баргларида организм учун зарур бўлган кофеин ва турли витаминлар мавжуд бўлиб, чойни дамлаш пайтида танин бирикмалари ҳосил бўлади.

Чой инсонларнинг чанқоғини босувчи, тетиклантирувчи, табобатда қон босимини пасайтирувчи, турли овқатлардан заҳарланганда сийдик ҳайдовчи, овқатни ҳазм қилувчи, асаб тизимини тинчлантирувчи ва инсонларнинг куч-қувватини оширувчи модда ҳисобланади.

Ер шарида асосан икки хил: кўк ва қора чой ишлатилади. Иккаласи ҳам бир ўсимликда етиштирилган бўлиб, улар қайта ишлаш жараёни билан бир-биридан фарқланади.

Кўк чой барглари оддий йўл билан қуриштириш натижасида, қора чой барглари эса термик қиздириш ёрдамида тайёрланади. Чойни қайта ишлаш усулларига қараб турли хил чой турлари истеъмолга чиқарилади.

Чой ўсимлигининг ватани Хитой бўлиб, эрамыздан 2700 йил олдинги қўлёмаларда чой ўсимлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган. Чой ер юзининг аввал Шарқ, кейинчалик Ғарб мамлакатларида тарқалди.

IX асрда Японияда ўстирилиб, шу ердан “ча” номига эга бўлди. XVII асрда Хитойдан биринчи марта Европага келтирилди ва одамлар жуда кўп қийинчиликлар билан чой маҳсулотини қабул қилган. Бугунги кунда дунёда ҳар йили 3,5 миллион тонна чой барги етиштирилади ва истеъмол қилинади.

Россияда ҳам чой XVII асрда биринчи марта ичиб кўрилди ва аҳоли томонидан хуш кўриб истеъмол қилина бошланди. Собиқ Иттифоқ ҳудудида Грузия ва Озарбайжон республикаларида чой катта майдонларда етиштирилган. Бугунги кунда дунёдаги чой етиштирадиган энг Шимолий ҳудуд бу Краснодар ўлкаси ҳисобланади.

Ўзбекистонда 100 фоиз импорт маҳсулот бўлган чой ўсимлигини етиштиришга уринишлар узлуксиз давом этиб келинган. 1934 йилларда Тошкент ва Сарисийёда ўтказилган тажрибларда биринчи йилнинг ўзидаёқ 90 кг чой барги териб

олишган, қишда эса чой ниҳолларини совуқ уриб кетган, аммо баҳорда бу ниҳоллар яна қайта ўсиб чиққан (Е.Н.Михайлова 1934 йил.)

1953–1960 йилларда Бўстонлик туманининг тоғли ҳудудларида Ленинградлик аспирант Фарадьян ва Тошкентдаги ҳозирги академик М. Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти аспиранти Жовакян чой экишган.

2007 йилда бўстонликлик 72 ёшли Ҳалима аянинг ҳикоя қилишича, Ленинграддан келган аспирант чой кўчатларини меҳр билан



парвариш қилган ва Ҳалима опа шу чой буталарининг қатор ораларига ишлов берган ва суғорган экан. Ҳалима аянинг сўзлаб беришига кўра, олим Фарадьян ўз илмий ишини ҳимоя қилгандан сўнг қайтиб келмаган. Унинг чойлари ёввойилашиб, 2000 йилларнинг бошида ҳам ўсиб турарди, деб эслайди. Аммо Жовакян ўз чой ниҳолларига яхши қарамаган ва унинг кўчатлари қаровсиз қолган.

Ҳалима опанинг айтишича, у териб келган чой баргларини уйидагилар, бошқа қуруқ чой олишмасдан, истеъмол қилиб келишган экан.

1953–1957 йилларда Ангрен тоғли ҳудудларида Козлов деган аспирант чой кўчатлари экиб, ўрганади. Яна бир гап. Тошкент қишлоқ хўжалик институтида ишлаган Ҳамидулла Қорабоев деган олим ҳам чой етиштириш бўйича қишлоқ хўжалик фан номзодлиги учун диссертация ҳимоя қилган. Шундай қилиб, Ўзбекистонда икки олим чой етиштириш бўйича диссертация ёқлаган ва ижобий ҳулоса берганлар.

Сурхондарёнинг собиқ “Шакарқамиш” давлат хўжалиги ҳудудида яшовчи Жавлон бобо мустақиллик-

дан бир йил олдин бир дўсти билан Сочидаги Субтропик ўсимликлар илмий-тадқиқот институтидан бир гектарга етадиган чой уруғларини олиб келади. Жавлон бобонинг айтишича, улар эккан чойлар яхши униб чиқади, аммо кейинчалик ер майдонлари бўлиб олиниб, чой экилган далалар трактор билан ҳайдаб юборилади.

2015 йилда Сурхондарёнинг Бойсун туманида яна бир фермер Сочидан чой уруғларини олиб келиб, беш юздан зиёд халтачаларга чой майсаларини ундириб олган ва мени “чой кўчатларига маслаҳат беринг”, деб чақирган эди. Бориб кўрдим ва чойларнинг парвариши ҳақида оддий деҳқончиликни тушунган инсон сифатида маслаҳат бердим.

Кейинги вақтда мамлакатимизда чой плантацияларини ташкил қилиш масаласи тез-тез такрорланмоқда. Тўғри, аввалги йиллардаги чой навларидан бугунги экилаётган чой навлари мутлоқ фарқ қилади, экинларнинг тарқалиш географияси ҳам кенгаймоқда.

Республикамызда жуда кўп янги субтропик, ҳатто тропик экинлар экилиб ҳосил олинмоқда. 1953–1956 йилларда лимон ва бошқа цитрус мевалар бизда етиштирилмас эди. Бугунги кунда бу меваларни экспорт ҳам қиляпмиз.

Чой етиштирмоқчи бўлган фермерлар илмий муассасалар олимлари билан маслаҳатлашиб, яхшилаб ўрганиб чой экмोकчи бўлган ҳудудни танлашлари лозим. Чойнинг биологик хусусиятлари, иссиқ-совуққа чидамлилиги, талаб қиладиган тупроқлари, ҳаво намлиги, суғориш ёки сув манбалари каби омиллар эътиборга олиниб, бу ишга киришишлари керак.

Келажакда Ўзбекистонда чой плантацияларини ташкил қилиш борасидаги ҳаракатларда мен ёш олимларга ижодий куч-қувват тилаб, улар, албатта, янги технологиялардан фойдаланган ҳолда бу ишларни амалга оширади, деб умид қиламан.

Дилором ЁРМАТОВА,
қ.х.ф.д., профессор.

СУВ КЕЛТИРГАН АЗИЗДИР

Оби-ҳаёт аталмиш сув умримизнинг ҳар лаҳзасида зарур неъмат ҳисобланади. Оқайтган дарёга назар ташласангиз тўлқинлар ҳам-ҳанглигида дилингизга сурур нашидаси қўйилиб келгандай бўлади. Бунинг боиси шундаки, сув кундалик ҳаётимизда ҳар томчи яшариш, янгилашиш, яшатиш ва шу билан бирга, озиқланишимиз учун ҳам энг керакли маҳсулот. Айтиш жоизки, далалардан шилдираб оққан сув ризқи-рўзимиз яралишида муҳим аҳамият касб этади, дов-дахтлар гўзаллиги, юртимиз яшил оламининг ўзига хослиги ҳам шу сув туфайлидир.

Ўтган йиллар Хоразм вилояти деҳқонлари қишлоқ хўжалиги соҳасида йиллик режа ва топшириқларни юқори даражада уддалаб, ҳосил карвонларида бош бўлган эдилар. Аммо 2018 йилнинг баҳор ва ёзидаги табиат инжиқликлари, боз устига далаларнинг икки бора туз бўронлари билан зарарланиши оқибатида кўп талофат кўрилди. Бу қийинчиликлардан чўчимаган хоразмлик ва қорақалпоғистонлик заҳматкаш деҳқонлар, мироблар кечаю кундуз тинимсиз меҳнат қилдилар. Шу қатъий меҳнат ва сафарбарлик эвазига далаларда имкон даражасида ҳосил етиштирилди. Ахир қурғоқчилик, сув тақчиллиги муаммолари бир-бирини босиб келди.

Бугунги кунларда келгуси йил ҳосили учун имконият ахтарётган сувчилар ҳаёти билан танишиш мақсадида “Питнаксувқурилишинвест” давлат унитар корхонаси (ДУК) да бўлиб, соҳа ходимларининг ишлари билан қизиқдик. “Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги “Питнак арна” каналини қайта таъмирлаш” лойиҳаси бўйича олиб борилган ишлар эътиборимизни тортди. Канал 1953 йилда қурилган бўлиб, Питнакдаги Охунбобоев, “Питнак Саид”, “Обод”, “Янгибозор”, Ҳазорасп туманидаги “И.Эшчанов”, “А.Яқубов”, “С.Саидов”, “Мухомон”, “Бешта”, “Аталиқ” ва “Пичоқчи” номли сув истеъмолчилари уюшмалари ҳудудларидан оқиб ўтади ва Туямўйин гидроузелининг дюкер шлузерида сув олиб 14 714 гектар экин майдонларини сугоради. Айни пайтда дюкер эксплуатация қилиниши қийинлашганлиги сабабли реконструкция қилинмоқда. Боиси Питнак каналдан 880 гектар ерга, “Питнак арна” каналдан сув оладиган ХПК каналдан эса 460 гектар экин ерларига умуман сув етиб бормайди. Деҳқон ва фер-

мер хўжаликлар насос қурилмалари орқали зовурларнинг сувлари билан далаларни сугоришлари натижасида ерларнинг шўрланиш даражаси янада ошди.

Объектни реконструкция қилиш учун “Хоразмсувлойиҳа” МЧЖ томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, юқоридаги муаммо-



Бульдозерчи Фуломжон Раҳимов (чапдан), иш юритувчи Ҳамдамбой Сапаев, “Питнаксувқурилишинвест” ДУК бош муҳандиси Жўрабек Искандаров ва корхона директори Отабек Зорлиқов бажарилган иш сифатини кўздан кечиришмоқда.

ларни баргараф этиш ишлари бошлаб юборилган.

“Хоразм вилояти Боғот туманидаги “Қораянтоқ” каналини қайта таъмирлаш” лойиҳаси бўйича ҳам намунали иш олиб борилмоқда. Боғот туманидаги 5756 гектар экин майдонларини сув билан таъминлайдиган “Қораянтоқ” каналдаги носозликлар туфайли туманда экинлар ҳосилдорлиги 2–3 центнергача пасайди, 400 гектар экин майдонларига умуман сув етиб бормайди. Канал тўла таъмирланиб, ишга туширилса 400 гектар ерга оби-ҳаёт етиб боради ва ҳосилдорлик 5 центнерга ошади.

Амударё вилоят ҳудудидан 206 км узунликда оқиб ўтади ва ушбу ҳудудда 119 та ўзани тўғриловчи шпоралар мавжуд бўлиб, 99 таси харсанг тош

билан, 20 таси тупроқ билан қурилган. Дарё ўзанидаги сув сатҳи ўзлаштирилган майдон баландлигидан 6–7 метр баландликда жойлашган. Гидроузелининг юқори қисмида сув тутиб турилиши натижасида дарё бўйидаги қайир ерлар баландлиги 2,6 метргача кўтарилган. Бу каби муаммоларни баргараф этиш учун шпораларни таъмирлаш ва тиклаш ишлари сувчиларимиздан катта меҳнат талаб қилади.

Питнак арна” каналда “Махсуссувқурилиш” МЧЖ томонидан олиб борилаётган ишларни кузатдик, МЧЖ иш юритувчиси Ҳамдамбой Сапаев ва “Питнаксувқурилишинвест” ДУКнинг бош муҳандиси Жўрабек Искандаров билан суҳбатимиз бу ердаги ишчилар, экскаваторчилар, уларнинг шароитлари ҳусусида бўлди. Режа ва

топшириқларни ўз вақтида уддалаш учун кунлик режаларини ошиғи билан бажариб келаётган бульдозерчи Фуломжон Раҳимов, экскаваторчи Соатбой Болтаевлар ишларидан мамнун бўлди. Бу шоввозларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли келажакда каналнинг сув ўтказиш қуввати тикланиб, анча ер майдонлари сув билан таъминланади. Бугунги кунларнинг ҳар дақиқаси сувчилар учун ғанимат. Далаларда эса келгуси йил ҳосили учун қизғин меҳнат, ерлар шўрланишини олдини олиш каби долзарб ишлар кетмоқда.

Бош муҳандиснинг айтишича, Ҳазорасп, Боғот, Хонқа, Янгибозор, Гурлан туманларидан тушган таклифлар асосида Амударё қирғоқ иншоотларини реконструкция қилиш учун белгиланган таклифлардан 2018 йил учун биринчи навбатда амалга оширилиши зарур деб топилган ишларнинг жами 36 384 минг метр куб тош иши ва 80 минг метр куб тупроқ ишларидан иборат, бажариладиган тадбирларнинг жами қиймати 5 459 442 млн. сўмни ташкил қилади.

Ҳа, Хоразм деҳқонининг оғирини энгил қилиш илинжида ишлаётган миробларнинг янги лойиҳалар бўйича иш олиб бораётганлари бугуннинг ҳақиқати, эртанинг эса мўл-кўл ҳосили учун катта заминдир.

Бўстонлик республикамизнинг тоғли ҳудудларидан бўлиб, Тошкент вилоятининг энг оромбахш масканларидан бири ҳисобланади. Ҳудуд ўзининг об-ҳавоси, табиатининг хилма-хиллиги билан бошқа туманлардан кескин ажралиб туради. Табиийки, бу ерда яшовчи ўжар ва софдил, дангал гапирадиган одамларнинг ҳаёт тарзи ҳам ўзига хос. Туманда, асосан, қишлоқ хўжалигининг боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик, галлачилик, асаларичилик каби соҳалари ривожланган.



СУВЧИЛИКНИНГ ҲАМ МАШАҚҚАТЛАРИ БОР

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 03/1-638-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 февралдаги ПҚ-3558-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Ички бозор эҳтиёжини қондириш учун республикада юқори репродукцияли уруғлик картошка етиштиришни 2018-2022 йилларда ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури” тасдиқланган. Мазкур дастурнинг 2 ва 4-бандларига биноан республикамизнинг айрим ҳудудларида картошка етиштириш учун талаб этиладиган моддий-техник ресурслар ва сув билан таъминлаш чораларини кўриш белгиланган эди. Ушбу дастур бўйича Бўстонлик туманида 2022 йилгача 3000 гектар ерга картошка экилиши кўзда тутилган бўлиб, жорий йилда дастлаб 1000 гектар майдонга картошка экилди. Дарҳақиқат, сув тақчиллиги муаммоси республикамизнинг тоғли жойларини ҳам четлаб ўтмади, тоққа кам қор ёққанлиги сабабли ҳам сувни тежаб ишлатишга мажбурлик сезилди. Шу сабабли 2018 йилда “Агровер плюс” МЧЖ томонидан 100 гектар ерга экилган такрорий картошка майдонлари ёмғирлатиб суғорилди.

Бугунги кунда 2019 йил ҳосили учун 1400 гектар суғориладиган ерларга экилган галла бир текис ниш уриб чиқди, кўм-кўк майдонлар кўзни қамаштиради. Демак, келгуси йилги галла учун сувчиларимиз ҳам, табиат ҳам сахийлигию саховатини аямаяпти.

Туман ирригация бўлими ходимларининг кузги ва қишки ишлари билан қизиқдик. Бўлим тасарруфида 15 та канал, 8 та сел ташлама мавжуд бўлиб, 53 нафар ишчи-ходим меҳ-

нат қилади. Уларнинг 39 нафари сувчилар. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг муҳандис-гидротехник мутахассислиги бўйича тугатиб, анча йиллардан буён Бўстонлик канали участка бошлиғи бўлиб ишлаб келаётган Мухтор ака Разов билан суҳбатимиз кўпроқ муаммоли ҳолатлар ҳақида бўлди.

— 10 нафар ишчи билан 31 километр узунликдаги каналда эксплуатация ишларини олиб борамиз, — деди у. — Сув 10 та сойдан ўтиб иккита ҳудудни, яъни Енбек ва Дўстлик ҳудудларидаги 1560 гектар экин майдонларини оби-ҳаёт билан таъминлайди. 10 та дюкер (дюкер бир сойдан иккинчи сойга сув ўтказадиган иншоот) ҳозирги кунда капитал таъмирлашга мухтож.

Вазиятни ўрганиб шуни билдикки, бу дюкерларни таъмирлаш учун 2 миллиард сўм пул маблағ зарур. Шу мақсадда Тошқин сувлари ва сел оқимларини талофатсиз ўтказиш, қор кўчишлари ва кўчки ҳодисаларини камайтириш бўйича ҳукумат комиссияси ва Сув хўжалиги вазирлиги томонидан мажлис ўтказилиб, етарли маблағ ажратилишига қарор қилинди.

— Сувчиларимиз ўз ишини доимо вақтида бажаришга интилоқдалар, бизда касбига садоқатли, шу касбда 40 йилдан зиёд вақтдан буён ишлаб келаётган устозимиз, бош гидрометр Улугбек Маҳмудов каби фидоийлар бор, — дейди туман ирригация бўлими бош гидротехниги Анвар Ғаниев. — Ихтиёр Алимжонов, Мақсуд Тўйлибаев, Лесбек Тастанбеков каби соҳа жонқуярлари берилган топшириқ ва вазифаларни доимо ўз вақтида удалайдилар.

Гапнинг индаллоси шуки, сувчиларимиз ўз вазифасини қўлидан келганича сидқидилдан удалаяптилар. Бироқ баҳорда сув тошқинлари кўпаяди, каналлар бир зумда лойқага тўлиб, сув ўтказиш имконияти чекланади. Шундай пайтларда техника кучи керак бўлади. Бўлимда эса биттагина ЕТ 20-28 экскаватори бор. Канални тўла қазиб, вақтида ишга тушириш учун бульдозер ҳам керак бўлади. Ахир, жами 139,93 километр узунликдаги канални қазиш, таъмирлашнинг ўзи бўлмайди-ку. Штабдаги 81 нафар ўрнига 53 нафар ишчи кучи билан бу ишларни бажаришга қандай улгуриш мумкин? Агар яна 28 нафар ишчи кучи жалб қилинса, сув хўжалиги иншоотларидан хавфсиз ва ўринли фойдаланилиб, ишда унум ва баракага эришилади, экин майдонлари эса ўз вақтида сув билан таъминланади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, юқоридаги камчиликларга қарамасдан, туманда сувни тежаб-тергаб фойдаланиш йўлга қўйилган бўлиб, 292 гектар ер майдони томчилиб суғорилмоқда. Яна ёмғирлатиб суғориш технологиясидан ҳам фойдаланиляпти.

Дарвоқе, сувчиларнинг 2 сотих иссиқхонасида улар учун қишин-ёзин кўкатлар, бодринг, помидор каби маҳсулотлар етиштирилмоқда. Балки биз юқорида санаб ўтган техника етишмаслиги ва таъмирлаш, ишчи ўрни борасидаги айрим камчиликлар баргараф қилинса, ишда унум ва янги йўналишларга имкониятлар топилар. Нима бўлганда ҳам, машаққатли меҳнат билан тоғ йўлларида туман сарҳадларига сув етказиб бераётган бўстонликлик сувчиларга, қишлоқ хўжалиги миришкорларига янги йилда омад ёр бўлсин, деб қоламиз.

Қўш саҳифани ўз муҳбиримиз

Ш.ЖАББАРОВА

тайёрлади.

ЧЎЛДАГИ БЎСТОН

Инсон қўли гул, дейишади. Ҳақиқатан ҳам, қай гўшага инсон қадами етса, ўша жойда ободлик ва тараққиёт кўзга ташланади. Йиллар ўтиб эса бу маконда қишлоқлар ва шаҳарлар барпо бўлади.

Бўз тумани ҳақида гап кетса, авваллари “Фирт чўлда жойлашган, у ерларда яшаш анчагина қийин”, дейишарди. Юртимиз мустақилликка эришгач, бу жойларда ҳам ободлик шабадаси эсиб, чўлу биёбондан асар ҳам қолмади. Яқинда йўлим тушиб, шу туманда бўлдим. Туман маркази республикамининг мана ман деган шаҳарларидан қолишмайидиган ҳолга келибди. Баланд, нақшинкор ва замонавий бинолар

юқори бўлишига замин яратди. Туманимиз экин майдонлари тўлиқ чўл ва захкаш худудларда жойлашган, лекин деҳқон ва фермерларимиз бу майдонларда ҳам мўл ва сифатли ҳосил етиштириш ҳадисини олишган.

Биз туман марказидан чиқиб, “Мансурбек замини” фермер хўжалиги томон йўл олдик. Хўжалик раҳбари Мансурбек Ҳасанов асли қўшни Шаҳрихон туманидан. Гар-



Хўжалик сувчиси Дилмурод Холдоров (чап томондан), фермер Мансурбек Ҳасанов ва Амирбек Мўминов сабзи ҳосил чўғини чамаламоқда.

қад ростлабди. Одамлар юзларида табассум. Мен қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ишлар юзасидан суҳбатлашиш мақсадида туман Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Фарҳоджон Шарипов билан учрашдим.

— Туманимизда кейинги йилларда кўплаб диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда, — дея гап бошлади Фарҳоджон. — Жумладан, туманимиздаги 410 та фермер хўжалигининг 72 таси кўп тармоқлилини йўлга қўйди. Жорий йил якунига кўра, кўп тармоқли хўжаликлар сонини 100 тага етказиш режалаштирилган. Ҳозирги фермер замон билан ҳамнафас қадам ташлаши шарт. Бунини хўжалик раҳбарлари ҳам ич-ичидан ҳис қилган ҳолда, ўз лойиҳаларини ҳоқимликка тақдим этишмоқда. Жорий йилда 5190 гектар майдонда ғалла ва 6425 гектар майдонда пахта етиштирдик. Экин майдонларимизга сувнинг ўз вақтида, йўқотишларсиз етиб келишини мавжуд 18 та каналимиз таъминлаган бўлса, 487 дона қишлоқ хўжалик техникамиз ерга самарали ишлов бериб, ҳосилдорлигимизнинг

чи қиш эшик қоқиб турган бўлсада, деҳқонлар экин майдонларини тарк этишмаган, далада қимирлаган жон борки, машаққатли меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни йиғиб олиш билан банд. Гўё чўл сўзи ўтмишда қолгандай, экин майдонлари ям-яшил ғалла кўчатлари билан қопланган, атрофда бир текис тут дарахлари ўсмоқда. Аҳён-аҳёнда дала шийпонлари кўзга ташланади. Бизни ёшгина, бўйчан йигит кутиб олди.

— Мен “Мансурбек замини” фермер хўжалиги раҳбари Мансурбек Ҳасанов бўламан, — деб ўзини таништирди у.

Бир пиёла чой устида фермерни суҳбатга тортидик.

— 1983 йили Шаҳрихон туманининг Найман қишлоғида туғилганман. Отам Маъмуржон ҳожи Ҳасанов Шаҳрихон туманининг таниқли деҳқонларидан. 1993 йили “Уста Номон” фермер хўжалигини ташкил этдилар. Коллежни тамомлаб отамнинг хўжалигида иш бошқарувчи бўлиб ишлай бошладим. 2013 йили отам хўжаликни бошқара олишимга ишонч билдириб, Бўз туман-

нидан 49 гектар экин майдонида янги фермер хўжалиги ташкил этишимни қўллаб-қувватладилар. Мендан аввал бу майдонларда ишлаган фермер кўзлаган ҳосилни ололмай ерни топширган экан. Ҳақиқатан ҳам, ер оч, экин майдонлари қаровсиз бўлгандан кейин ҳосил ҳам шунга яраша бўлади-да. Аввало 12 нафар доимий ишчи ва 6 нафар малакали сувчи билан шартнома тузиб ишни бошладик. Ернинг шўрини ювиб, маҳаллий ва фосфорли ўғитлар бериш ишларини бошладик. Бир-икки йил топганимизни ерга бердик. Ерни тўйдирдик, унинг тупроғини ширага киритдик. Шундан сўнг ер ҳам ўз мурувватини биздан аямади. Жорий йил 15 гектарга ғалланинг “Гром” навини экиб, ҳар гектар ердан шартномадаги 30 центнер ўрнига 70 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлдик. 23 гектарга пахтанинг “Андижон-35” навини экиб, 28 центнер ўрнига 30 центнердан ҳосил кўтардик. Давлатимизга раҳмат, ғалладан бўшаган майдонлардан унумли фойдаланиш учун барча шароитларни яратиб бермоқда. Биз ҳам такрорий экин сифатида 15 гектар ерга сабзи, 8 гектар ерга қизилча ва 1 гектар ерга уруғлик маккажўхори эдик. Ҳозирда қировеган сабзи ва қизилчаларимизни йиғиштириш ишлари давом этмоқда. Маккажўхорининг ўзидан 17 тонна ҳосил кўтардик. Бу кейинги йил ҳосили учун бир неча ўн гектарни сара уруғ билан таъминлаш имконини беради.

— Иш бор жойда камчилик ва муаммолар бўлиши табиий. Сизни ҳам қийнаётган муаммолар борми? — сўрайман ундан.

— Албатта. Экин майдонимиз атрофидан Сариқ жўта канали ўтган. Бу каналнинг эни 25–30 метр, чуқурлиги эса 8 метрдан зиёд. Сув оқими қирғоқни ювиши натижасида экин майдонларимиз йил сайин қисқариб бормоқда. Ўз ички имкониятимиздан фойдаланган ҳолда ушбу муаммони ҳал қилишга уриниб кўрдик, аммо фойдаси бўлмади. Давлатимиз томонидан шу канални реконструкция қилиб, қирғоқларида дамбалар ҳосил қилинса, яхши бўларди.

Меҳнат бор жойда, даромад бўлади. Ўтган йиллардаги даромади ҳисобидан фермер замонавий уй харид қилган бўлса, жорий йил намунали дала шийпони қуриб, чорвачилик хўжалигини ташкил қилишни режалаштирган. Бу билан яна бир неча қишлоқ ёшлари доимий ишли бўлади, ишчиларнинг яшаш шароити янада юқори кўтарилади.

К.ЭРҒАШЕВ,
ўз мухбиримиз.

ГАЙРАТЛИ ГАЙРАТБЕК



Сўлим куз борлиққа ўз сепини ёйган, пахта йиғим-терими тугалланаётган пайтда йўлимиз Хонқа туманидаги “Файрат Наби” фермер хўжалигига тушди. Хўжалик раҳбари, ҳали ёш бўлса-да интилувчан, ҳозиржавоб Файратбек Абдуллаев билан хўжаликда амалга оширилган ишлар, келгуси режалари ҳақида суҳбатлашдик.

Файратбек Урганч шаҳридаги Автомобиль йўллари коллежини тугатиб, илк фаолиятини 2000 йилда тумандаги Ал-Хоразмий ширкат хўжалигида ҳисобчиликдан бошлаган.

— 2004 йилда 17 гектар ерга пахта, ғалла экиб, 9 нафар ишчи билан фаолиятимизни бошлаган эдик, ҳозир хўжаликда 18 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда, — дейди у. — 2010 йилга келиб 68 гектар ерга эга бўлдик. Тармоқлар сони ошди, қорамолчиликка эътибор қаратдик, ҳозир 70 бош қорамолимиз бор. Ҳар йили 1 тоннадан зиёд гўшт маҳсулотини аҳоли истеъмоли учун бозор расталарига чиқаряпмиз. Шунга яраша сут маҳсулотимиз ҳам бор.

Юқоридаги гаплардан кўриниб турибдики, бу дангалчи йиғит тиниб-тинчимай хўжалигини ривожлантириш учун ҳаракат қилмоқда. У 2017 йили Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманидан 30 бош ҳисори кўй олиб келиб, боқишни бошлаган эди. Бир йил ичида бу кўйлар сони 65 бошга етди.

Яқинда хўжалик тасарруфида ун, шоли тегирмонлари иш бошлади. 2017 йили ғалла ҳосили мўл бўлиб, 6,8 гектар ердаги ҳосилдорлик гектарига 79-80 центнерни ташкил қилди. 40,5 гектар ердаги пахта ҳосили ҳам кўнгилдагидек бўлиб, режа ошиғи билан уддаланди. Ғалладан бу йил ҳам ўтган йилгидек мўл ҳосил олди. 45,5 гектар ерга экилган пахта ҳосилини ўз вақтида

йиғиб-териб олиш учун қилинган саъй-ҳаракатлар туфайли 124 тонналик режа қисқа вақт ичида 130 тоннадан ошириб уддаланди.

Сувчилар Шерзод Йўлдошов, Элбек Абдуллаев, тракторчилар Абдулла Абдуллаев, Пўлат Аҳмедовлар доимо фермерга камарбаста. Улар бор экан, хўжалик ҳар соҳада пешқадам бўлаверади.

— Балиқчиликни яна ривожлантириш керак, Файратбек шу ишни режалаяпти, — дейди фермернинг яқинларидан бири, Хонқа тумангаз бошлиғи Хушнуд Ваисов. — 2014 йилда хўжалик аъзолари Амударё бўйларига яқин жойлашган 2,3 гектар табиий кўлда балиқчиликни ривожлантириш учун иш бошлаган эди. Йилига 3,5 тоннадан зиёд сазан, мойбош, оқ амур каби балиқ турларини боқиб, аҳолига арзон нархларда етказиб бермоқда.

— Бу йил битта хона ажратиб, иссиқлик меъёрини 25 даражада сақлаб, иссиқсевар Африка лаққасини етиштиришни мўлжал қилаяпман, ҳарна бу ҳам бир даромад манбаи-да, — дейди Файратбек.

Амударё қишлоғининг “Таянч” маҳалласи оқсоқоли Матякуб Отажоновнинг айтишича, маҳаллада 2800 нафар аҳоли истиқомат қилади. Файратбек боқувчисини йўқотган 17 оиладан ўз ёрдамини аямай келяпти. У байрам, тўй-маърака, сайилларда олдиға ёрдам сўраб келган эҳтиёжмандларнинг ҳожатини чиқаришда, муаммоларини ечишда доимо маҳалла билан ҳамнафас.

Ўтган йили 220 млн. сўмдан зиёд умумий даромадга, 78 млн. сўм соф фойдаға эга бўлган хўжалик бу йил ундан ҳам кўпроқ фойда олишни кўзлаб меҳнат қилмоқда. Хўжалик фойдаси ҳар йили техника ремонтига, қурилиш, ем-хашак сотиб олиш каби ишларга йўналтирилади. Фермернинг ниятлари янада улкан. У автомобилларга хизмат кўрсатиш шохбчаси қуриб ишга туширмоқчи. Ҳозирча хўжаликдаги ишчиларни, юкларни ташиш учун битта автобус, енгил машина ва 100 фоиз техника мавжуд. Келажакда эса яна янги қурилишлар қилмоқчи.

Агар табиий кўл бўйлари янада ободонлаштирилиб, саёҳатчилар учун дам олиш маскани яратилса, хоразмликлар севадиган балиқ маҳсулотидан турли таомлар пиширилиши йўлга қўйилса, балки яна бир янги имконият эшиги очилар. Бу бизнинг мулоҳазаларимиз, албатта.

Нима бўлганда ҳам, ёш фермернинг режалари бисёр ва бу режалар бажарилишига биз ишонамиз.

Ш.СОДИҚОВА

Суратда: фермер Ф.Абдуллаев (чапда) балиқарни кўздан кечирмоқда.

Мулқдор мулкиға ўз хоҳишича эғалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулқдан фойдаланиш экологик муҳитға зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўрикланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 54-модда.

АГРО ИЛМДАН ЯРАЛГАН АХД

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзининг маърузаларида, жойлардаги мулоқотларида, фармон ва қарорларида барча соҳаларда, жумладан, қишлоқ хўжалигида, юксак натижаларга фан ютуқлари, илғорлар тажрибаларидан кенг фойдаланиш ҳисобига эришилишини такрор-такрор айтмоқда.

Мамлакатимизда илм-фан ютуқларини ҳаётга татбиқ этиб, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштираётган уста деҳқонлар, фермер хўжаликлари сони кун сайин ортмоқда. Агрономиянинг илмий асосларига таяниб иш тутиб, ўзи меҳнат қилаётган худуднинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда, юқори ҳосил ва жаҳон андозаларига мос сифатли маҳсулот етиштириш бўйича ҳар қанақа об-ҳаво шароитидан қатъи назар қафолатли агротехнологияларини яратган фермерлардан бири гиждувонлик Ўктам Қаюмовдир.

У салоҳиятли, илмга, янгиликка интилувчан тажрибали деҳқон сифатида фермер хўжалиги ташкил этилган 2004 йилдан буён қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштириб, доимо илғорлар сафида бўлиб келмоқда. Жумладан, жорий йилда ҳам ғалладан гектар бошига 75 центнердан хирмон кўтарди. Дастлабки ҳосил давлатга пилла тайёрлаш режаси 127 фоизга уддаланди. 68,6 гектар майдонга ғўзанинг “Бухоро-6” нави уруғини қадаган заршунослар маррани барвақт эгаллашди.

— Мустақиллик шарофати билан ер ўз эгасини топиб, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл, сифатли ҳосил етиштириш имконияти яратилди, — дейди Ў.Қаюмов. — Йилнинг қандай келишидан қатъи назар, узоқ йиллардан буён илм-фан ютуқларидан кенг қўламда фойдаланиб барча турдаги экинлардан мўл ва сифатли ҳосил етиштириб, келмоқдамиз. Тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган тадбирларнинг самараси ўлароқ ернинг бонитет балли 50 дан 65 баллга кўтарилди, ҳосилдорлик пахтачиликда 30 центнердан 45–50 центнерга, ғаллачиликда 70–75 центнерга етказилди.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 ноябрда қабул қилинган

“Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳага берилган эътиборнинг ифодаси деб биламан. Қарорда 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш йўналишлари белгилаб берилган. Агро илмга таяниб муқаддас заминимизнинг саховатини дунёга кўрсатишга аҳд қилганмиз. Шу аҳд менга улкан масъулият юклайди.

— Хўжалигимиз “Қишлоқхўжаликхизматтаъминот” марказини шакллантириб, агросаноатнинг барча соҳаларига сервис хизмати кўрсатиб, сабзаёт уруғчилиги ва мева кўчатчилигини йўлга қўймоқчиман, — дейди Ў.Қаюмов. — Кўп тармоқли хўжалигимиз соҳаларини, иқтисодини янада барқарорлаштириш заминидан қайта ишлаш корхоналари фаолият кўрсата бошлайди. 5 сотихлик иссиқхонани 1 гектарга кенгайтирмоқчимиз.

Худудда табиий мувозанатни шакллантирмасдан, тупроқда муккамал микроорганизмлар мажмуасини яратмасдан туриб, салмоқли ва сифатли ҳосил етиштириш мумкин эмас, — дея давом этди фермер. — Шу боис, хўжаликда тупроқнинг табиий унумдорлигини ошириш бўйича илмий-амалий ишларни жорий этмоқдамиз. Ноанъавий рудаларни қўллаш бўйича изланишлар олиб бораёпмиз. Бу борада, албатта, соҳанинг билимдонлари, олимлар билан ҳамкорлик ўрнатганмиз.

Хўжаликда ғалла-пахта навбатлаб экиш тизимида, бошоқли экинлардан бўшаган майдонларда туп-



роқ унумдорлигини ошириш мақсадида дуккакли-дон экинлари, кўкатлар экиш, шунингдек, хориждан келтирилган юқори даромад манбаи ҳисобланган экинларни ҳам экишга кенг ўрин берилмоқда. Пировардида, хўжаликнинг тупроқлари қуввати ошиб, мўл ва ишончли ҳосил етиштиришга замин яратилмоқда.

Замонавий, файзли дала шийпонида фермер хўжалигининг ишчи-хизматчилари яхши дам олишлари учун барча шарт-шароитлар бор. Шунинг учун хўжалик аъзоларининг ўз ишларига муносабатлари аъло даражада. Юртимизда нишонланадиган байрамлар алоҳида тайёргарлик билан тантанали ўтказилади. Хўжалик бошлигининг жамоанинг ҳар аъзоси муаммосини ўзиники деб билиши. уларнинг иш ҳақлари вақтида бериб борилиши ишчи-хизматчиларнинг хўжаликда муқим ишлашларига асос бўлмоқда.

— Агар бирор бир фуқаро биздан кўмак сўраб мурожаат қилса, биринчилардан бўлиб Ўктамжонга юзланамиз. Ҳозиргача у бирор марта мухтожлардан ёрдамини аямаган, — дейди меҳнат фахрийси, 84 ёшли Ҳожимурод ота Файзуллаев. — Унинг иқтидори нафақат ўзи учун, балки гиждувонлик барча қишлоқ хўжалиги ходимлари учун хизмат қилмоқда.

**Ф.МИРЗАЕВ,
Ўз мухбиримиз.**

Суратда: Ўктам Қаюмов.



*Очиқ турдаги “Сардоба” пахта тозалаш
ҳиссадорлик жамияти жамоаси Ўзбекистон*

*Республикаси Конституцияси
қабул қилинганлигининг 26 йиллиги
ҳамда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги
ходимлари куни муносабати билан
юртдошларимизни ва соҳанинг
барча вакилларини муборакбод этади.*

*Элу-юрт фаровонлиги, дастурхонларимиз
тўкинлиги йўлидаги беминнат
саъйи-ҳаракатларингиз баракали бўлсин!
Байрамлар байрамларга уланаверсин!*



КАМТАРЛИГИ КАМОЛГА ЕТКАЗДИ

Тўрткўл туманидаги “Уллибоғ” ММТП хизмат кўрсатадиган 15 та фермер хўжалиги пахтачилик ва галлачилик, 25 та фермер хўжалиги боғдорчилик, 5 та жамоа эса балиқчилик ҳамда чорвачилик билан шуғулланади. Фермер хўжаликларининг деярли барчаси ҳар йили зиммаларига олган режаларини ортиги билан бажариб, ўз иқтисодини мустақамлаб келмоқда. Натижада “Уллибоғ”да кейинги йилларда пахта, галла, пилла ҳосили етиштириш, боғдорчилик, балиқчилик борасида кўз кўрса қувонарли ютуқларга эришилмоқда.

Жамоада жорий йилда 1000 гектардан кўпроқ майдонга чигит қадалиб, ниҳоллар юксак агротехника қоидаларига биноан парвариш қилинганлиги боис мўл ҳосилга мустақам замин яратилди. Шу боис “Уллибоғ”даги пахтачилик, галлачилик билан шуғулланувчи деярли барча фермер хўжаликлари зиммаларига олган режаларини ортиги билан бажардилар.

Ана шундай илғорлар қаторига “Дилшодбек-Эъзозбек”, “Муҳаммадали-Сулаймон”, “Уллибоғлик Дониёр”, “Дилнура-Солижон”, “Бунёдбек-Хушнудбек” каби жамоаларни киритиш мумкин. Улар бу йил сув кам бўлишига қарамасдан, оби ҳаётнинг бир томчисини ҳам исроф қилмай фойдаланганлиги боис шундай муваффақиятларга эришдилар.

Жамоадаги “Уллибоғлик Давлатёр” фермерлар хўжалиги нафақат Тўрткўл туманида, балки Қорақалпоғистон Республикасида ҳам жуда машҳур. Сабаби бу фермер хўжалиги аъзолари ҳар йили пахта, галла, пилла ҳосили етиштириш борасида катта ютуқларга эришиб келмоқдалар. Узоққа бормасдан фермер хўжалигининг ўтган ва жорий йилдаги кўрсаткичларига эътибор қаратайлик.

Ўтган йил фермер хўжалиги аъзолари ўз тасарруфидаги 35,9 гектар ер майдонидан 100 тоннадан кўпроқ “оқ олтин” ҳосили етиштирдилар. Унинг деярли ҳаммаси биринчи навларга сотилди. 10 гектарни эгаллаган кузги буғдойдан 30 тонналик хирмон бунёд этилди. Ҳар иккала тармоқдан 200 миллион сўмдан кўпроқ умумий даромад ишлаб топилди, шунинг 35 миллион сўмини соф даромад ташкил қилди.

Жорий йилда эса хўжалик давлатга 110 тонна пахта хомашёси топшириб, йиллик шартномавий режани октябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида бажаришди. Албатта, бу ютуқда илғор терим-

Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 53-модда.

чилар Дилбар Отаниёзова, Тозагул Шерова ва Камолдин Сафаровларнинг ҳиссаси катта бўлди. “Уллибоғ” ММТПси раҳбарининг таъкидлашича, келгусида фермер хўжалигида паррандачилик, балиқчилик, чорвачилик тармоқларини очиш режалаштирилмоқда. Ана шунда ҳамма соҳалардан олинган умумий даромад 350–400 миллион сўмни, соф даромад эса 80–90 миллион сўмни ташкил этади.

– Эришилган муваффақиятлар билан чегараланиш деҳқон учун ёт одатдир, – дейди фермер хўжалиги раҳбари С.Йўлдашев. – Шу боисдан жамоамиз аъзолари айна кунларда ҳосили тўла йигиб олинган даладарни ғўзаярлардан тозалаш, шудгор қилмоқдалар ҳамда пешма-пеш яхоб суви тарамоқдалар. Бунинг учун техника воситаларимиз етарли.

Фермер хўжалигимизда зах сувлар ер юзасида жойлашган. Шу боисдан 35,9 гектар ер майдонимизни ҳар йили ноябрь ва декабрь ойларида шудгор қилиб, яхоб сувига қондирамиз. Агар бу ишни келгуси йил баҳорига қолдирсак, зах ер юзасига чиқиб, майдонларимиз кеч тобга келади. Натижада экин-тикин ишлари муддати ҳам орқага сурилади. Ўзингиз биласиз, баҳорда ҳар бир кун ганимат...

Фермер хўжалиги раҳбари Санъат Йўлдошевни ҳамқишлоқлари ва ММТП раҳбарлари қаттиқ ҳурмат қилишади. Сабаби у, аввало, жуда камтар, ҳар бир ишни етти ўлчаб, бир кесган ҳолда бажаради. Мақтанчоқлик, дабдабаозликни ёқтирмайди.

Энг муҳими, у ўз хўжалигида ишловчи ҳеч бир кишидан ёрдамни аямайди. Тўй-маъракаларида баҳоли қудрат ёнида туради. Ойлик машошларини ўз вақтида беради. Камтаъминланган

оилаларга ёрдам пули ажратади. Айна кунларда “Уллибоғлик Давлатёр” фермер хўжалиги аъзолари дала бошига маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, мавжуд техника воситаларини таъмирлаш, ички ариқ-зовурларни тозалаш, кузги буғдойга ишлов беришни шу куннинг талаби даражасида бажармоқдалар.

– Ўзим қишлоқда туғилиб, ўсганлигим боис, деҳқон меҳнатининг жуда машаққатли эканлигини яхши тушунаман. Бир сўз билан айтганда, деҳқон илм ва тажрибага таяниб, ҳалол меҳнат қилиши керак. Ана шундагина у ўзи кўзлаган довлонлардан ўтиб, эл ўртасида обрўси янада ошади.

Биз хўжалик раҳбари ишларига муваффақиятлар тилаб, у билан хайрлашдик.

Р. ҚОЗОҚОВ,
ўз мухбиримиз.

НАВОЙНИНГ САХОВАТ САРЧАШМАЛАРИ

Ўтмишда Маккага ҳажга борган кишидан “Қариндошларингиз ичида сағир, бева-бечораси борми?” – дея сўрар эканлар. Бу гапнинг замирида чуқур маъно мужассам. Демак, бизга боболаримиздан саховат, инсоний меҳр-оқибат мерос бўлиб қолган.

Навоий вилояти бўйлаб қилган сафаримиздан мақсадимиз бу ердаги фермерларнинг ҳаёти, айна кундаги кайфияти, муваффақиятларини билмоқ, ўрганмоқ, келгусидаги режаларини мухлис-ларга етказмоқ эди. Қолаверса, топаётган даромадларидан барака топиб, қалби ўксикларга ҳомийлик қилаётган уддабурон, сахий инсонлар билан танишиб, суҳбатлашгимиз келди.



Бугунги кунда фермер бўлишни, ҳар йили миллионлаб сўм даромад топиб тўкин, фаровон яшашни ким ҳам орзу қилмайди, дейсиз. Бироқ бу соҳанинг ўзига яраша мураккаб томонлари борки, ҳалол меҳнат қилиш билан бирга фидойи, жасоратли, етарли малакали, машаққатлардан чўчимайдиغان ва

мурувватли, самимий бўлишлари ҳам керак.

Кармана туманидаги Қобилжон Қурбонов раҳбарлик қилаётган “Қурбон Мерган” фермер хўжалиги аъзоларининг 34 гектарлик пахта майдонининг ҳар гектаридан 41 центнердан, 32 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан 70 центнердан хирмон уюшгани жасорат эмасми? 26 бош қорамол, 200 бош қўй, 150 бош парранда, 20 оила асалари ҳам кўп тармоқли фермер Қобилжонники.

– Мактаб, боғчаларга, қаровсиз оилаларга кўмакдош бўлиш ҳам инсоний фазилат деб ўйлайман, – дейди фермер.

Ушбу туманда яна бир илғор, мақтаса арзигулик “Кармана Назарбек” фермер хўжалиги раҳбари Мавлудахон Собированинг ўзига хос иш тартиби бор. Иккиланмай фақат олдинга қадам ташлаши Тўмарисдай аёлларга хос фазилат. 32 гектар ғалла, 27 гектар пахта майдонларидан олинган ҳосил режадан ошиб-тошиб кетибди.

– Ҳар гал шу йўлдан ўтганимда, мана бу дала-ларга қараб ачинаман, – дейди Мавлудахон ўт босган қаровсиз ҳолда ётган пахтазорни кўрсатиб. – Туман раҳбарларимиз талабчан, эътиборли. Қолоқ фермернинг 45 гектар ерини менга кўшиб беришди. Унга меҳр бериб, ўларини тозалаб, маҳаллий, менерал ўғитлар берилишини вақтида назорат қилиб, бақувват ер қилса бўлади.

– Жони ачиб гапирётган қаҳрамонимиз ҳақ. Ҳар



қандай жойни обод қилса бўлади. Фақатгина ерга меҳрини бериб, у билан тиллаша билиш керак. Фермер 1,5 минг бош жўжа, 10 оила асаларини ҳам парваришламоқда. Даромад манбаи дея улар сонини кўпайтирмоқчи. Иссиқхона қуришни ҳам режасига киритган.

Қизилтепа туманида садоқатни саховатга, ҳароратга бирлаштириб иш юритувчилар бисёр. Ушбу туманининг “Кўчқор Карим” номли фермер хўжалиги раҳбари Кўчқор Каримов ҳар соҳада илғор. 40

гектар пахта майдонидан 40 центнердан, 44 гектар ғалла майдонидан 70 центнердан ҳосил йиғиб олибди. Фермернинг 1 гектар майдонда балиқ ҳавзаси, 20 қути асалариси, 80 бош қўйи, 180 бош товуғи, 20 сотихлик иссиқхонаси ҳам бор.

– Камтарона меҳнатларим инобатга

олиниб, мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида “Республикада хизмат кўрсатган пахтакор” унвонига сазовор бўлган эдим. 2017 йили Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни “Меҳнат шуҳрати” ордени билан мукофотландим, – дейди Кўчқор ака. – Шундай сийловлардан кейин янада жон куйдириб ишламай, хайру эҳсону саховат қилмай бўладими?

Ҳа, дунёда инсонлар кўп, улар орасида фақат ўзини ўйлагувчилар оз бўлса-да топилади. Саховатли, бағри кенг фермерларимиз эса уларга ибрат бўлмоқда.



Р.ТОЖАЛИЕВА,
журналист.

Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тугилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 36-модда.

ЎРМОНЧИЛИК ФИДОЙИСИ



Юртимиз ўрмонларининг кенг имкониятидан самарали фойдаланиш, унинг бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, ўрмон ерларининг унумдорлигини ошириш, тармоққа илмий-техника ютуқларини жорий этиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, модернизация қилиш, хорижий инвестициялар салмоғини янада ошириш ҳамда экотуризмни ривожлантириш мақсадида Президентимиз фармони билан Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси ташкил қилинган эди.

– Мазкур ҳужжатга асосан бизнинг зиммаимизга ўрмон бойликларини кенгайтириш, ўрмонлар барпо этиш, уларни қайта тиклаш, қўриқлаш, муҳофаза қилиш, ўрмонлардан оқилона ва тежамли фойдаланиш, ўрмон хўжалигини юритиш амалиётига фан ютуқлари ва илгор тажрибани жорий этиш вазифалари юклатилди, – дейди Деҳқонобод ўрмон хўжалиги раҳбари “Дўстлик” ордени соҳибаси Раъно Бозорова. – Шунингдек, доривор ўсимликлар тўплаш, кўчат, асаларичилик, балиқчилик, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда уларни чуқур қайта ишлаш, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш каби долзарб юмушларни бажариш ҳам зиммаимиздаги вазифадир.

Хўжаликдаги мавжуд 109385 гектар майдоннинг 71020 гектарини ўрмон билан қопланган ерлар ташкил этади. Янги ўрмонзорлар ҳажми бу йил 130 гектардан ортиқ майдонга кенгайиб, 684 гектардан ошди. 170 гектар ҳайдаладиган лалми майдоннинг 100 гектарига кузги бошоқли дон экинлари экилиб, белгиланган агротехника қоидалари асосида парвариш қилинмоқда. Қолган 70 гектарига нўхат экиш режалаштирилган.

Шу пайтгача яйлов сифатида фойдаланиб келинган тошлоқ, унумсиз ерлардан самарали фойдаланиш, пис-

тазорлар барпо этиш орқали яшил ҳудудларни кенгайтириш, pista дарахти ҳосилга киргунча қатор оралари доривор ўсимликлар экиб, қимматбаҳо хомашё етиштиришга хўжаликда алоҳида эътибор қаратилган.

Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, йилнинг қандай келишидан қатъи назар, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам йилни юқори иқтисодий кўрсаткичлар билан якунлашнинг бош омили қишлоқ хўжалигининг илмий асосларига таяниб иш кўриш саналади. Агро илм соҳибасининг айтишига қараганда, бепоён ҳудуднинг ҳар қаричидан самарали фойдаланиш ва кўп даромад берадиган ноанъанавий экинлар устида олиб борилган изланишлар, тажрибалар, шунингдек, тупроқ табиий унумдорлигини ошириш, тупроқ намлигини сақлашга доир натижалар хулосалар амалиётга жорий этилади.

2018 йилда 0,50 гектар ерда ташкил қилинган иссиқхона майдонини 2019 йилда 1,0 гектарга етказиш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилган.

Мамлакатимизда шифобахш гиёҳлар ўсадиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш, доривор ўсимликлар майдонларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хўжаликда бу йил 15 тонна наъматак меваси етиштирилди. Яқин 2 йилда бу миқдор бир неча бараварга оширилади.

Ўрмон хўжалигининг тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги фойдаланилмай ётган 100 гектар майдонга жорий йилда pista кўчатлари экилиб, pistaзорлар 200 гектарга етказилди. 2019-2021 йилларда хўжаликда pistaзорларнинг умумий майдонини 2000 гек-

тарга етказиш кўзда тутилган.

Маълумки, pistaнинг илдизи етти метр чуқурликка кетади, минг йил умр кўради. Дарахтлар еттинчи йилдан нишона кўрсатади. 12-15 ёшида тўлиқ ҳосил бера бошлайди.

Шунингдек, хўжаликда бўш майдонлар ҳамда pistaзорлар ҳосилга киргунча қатор ораларига 2018 йилда 1014 гектар майдонга 1 килограммининг нархи 70 АҚШ долларига тенг каврак ўсимлиги экилди. 2021 йилгача кавракзорлар 4 минг гектарга етказилади.

Президентимиз жорий йилда Сурхондарё вилоятидаги йиғилишда каврак ўсимлиги хомашёсини етиштириш ва экспортини амалга ошириш уюшмасини ташкил этиш кераклиги қайд этиб, ўрмон хўжаликлари даромадини жорий йилда 100 миллиард сўмга етказиш, келгуси йилларда бу кўрсаткични 4-5 баробарга ошириш зарурлигини таъкидлаган эди. Деҳқонободликлар жорий йилдаги ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам даромадни 2017 йилдагидан 300 млн. сўмга ошириб 1,5 млрд. сўмга етказдилар.

Деҳқонободлик ўрмончилар ўз касбининг фидойиси Раъно Бозорова етакчилигида хўжаликнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш баробарида ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан халқимизнинг ризқ-рўзи ва фаровонлигини, юртимизнинг иқтисодий қудратини ва экспорт салоҳиятини юксалтиришда доимо пешқадамлар сафида бўлишларига ишонамиз.

Ўз мухбиримиз.

БАЛИҚЧИЛИК – СЕРДАРОМАД СОҲА



Ҳукуматимиз томонидан балиқчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда, соҳага замон руҳидан келиб чиқиб ёндашиш кузатилмоқда. Жумладан, интенсив ва қафасда балиқ етиштириш ёш балиқчилар орасида урфга кириб борапти.

Бу борада Фарғона вилоятида ҳам талайгина диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда.

— Аҳоли ўртасида балиқчилик осон касб деган тушунча шаклланиб қолган, — дейди “Дўстлик” ордени соҳибни, “Prod Fish Trade” МЧЖ раҳбари Баҳодиржон Тешабоев. — Аввалига мен ҳам балиқча сув ва озуқа бўлса бўлди, ўз-ўзидан ривожланаверади деб ўйлагандим. 2015 йилга қадар вилоятимизда бир қатор масъулиятли лавозимларда ишлаган бўлсам-да, вилоят ҳокимининг қафасда балиқ етиштиришнинг афзалликлари ҳақидаги маърузасидан сўнг тинчим йўқолди. Шу йили Вьетнам давлатига бориб, дарёларга ва кўлларга қўйилган қафасларда парваришланаётган балиқларни кўрдим. Уларнинг тажрибаларини ўргандим. Қайтишимизда 2 нафар мутахассисни ўзимиз билан бирга олиб келиб, вилоятимиздаги дарё ва кўлларни мониторинг қилдирдик ва ўша йили 0,6 сотих майдонда қафасда карп балиқларини парваришлай бошладик. Аммо ҳолва деган билан оғиз чучимас экан. Натижа биз ўйлагандек бўлиб чиқмади. 2017 йили Ёзёвон туманида жойлашган Ёзёвон сув омборида фаолиятимизни бошлашдан аввал яна Вьетнамга бориб қафасларнинг ясалишини мукамал ўрганиб, Балиқчилик институти директор ўринбосарини ва Балиқчилик маркази ўринбосарини ўзимиз билан бирга олиб келдик. Улар билан вилоятимиз кўл ва дарёларини мукамал ўргандик. Шу йили 200 та қафасни сувга ташлаб, эътиборимизни озуқага қаратдик. Авваллари паррандалар учун махсус чиқариладиган гранулалар озуқа сифатида бериларди. Мутахассислар билан маслаҳатлашганимизда бу озуқани балиқлар ўзлаштира олмаслиги аён бўлди. Президентимизнинг ташаббуси билан имтиёзли кре-

дитларнинг берилиши ишимизнинг олға силжишига замин бўлди. Вилоят Ипотека банкидан 3 миллиард 475 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, ишларимизни кенг кўламда ривожлантира бошладик. 220 000 дона чавақчаларни қафасда парваришлаб, 120 тонна балиқ етиштиришга муваффақ бўлдик. Жорий йилда 324 та қафасда балиқларни парваришляпмиз. Шундан 75 та қафасда 5–10 граммли балиқ чавақчалари, 3 та қафасда Осиё Сом балиғи алоҳида парваришланмоқда. Жамиятимизда 15 нафар доимий ишчи меҳнат қилади. Абдураҳим Зоҳидов, Абдулаҳат Фозилов каби балиқчиларимиз балиқларимиз саломатлиги ва озуқасидан доимо хабардор бўлиб туришади.

— Баҳодиржон, ҳозирги кунга келиб балиқчилик соҳасида ҳам талайгина муаммолар йиғилиб қолгани сир эмас. Сиз ушбу муаммоларни қай йўл билан ҳал этишга эришяпсиз?

— Биласизми, барча соҳада бўлгани каби балиқчиликда ҳам ҳал этилишини кутиб ётган муаммолар талайгина. Менинг фикримча, соҳани қайтадан ислоҳ қилиш зарур. Сабаби, ҳозирги кунда балиқлар касалликларини аниқлайдиган лабораториялар умуман йўқ. Бозордан балиқ сотиб олар экансиз, маҳсулотнинг соғлом ва тановул учун яроқли эканлигини билмайсиз. Айтмоқчиманки, ҳар бир балиқчилик хўжалиги ўз маҳсулотининг яроқчилигини кафолатлаган ҳолда сотиши керак. Балиқ етиштириш учун озуқа-ем маҳсулоти ишлаб чиқаришда оқсаётганимиз ҳам ҳақиқат. Озуқа нархи борасида муаммолар етарлича. Барча ривожланган давлатларда итлар учун, мушуклар учун, паррандалар учун ва қорамоллар ҳамда балиқлар учун алоҳида-алоҳида озуқалар ишлаб чиқарилади ва бу озуқалар керакли моддалар билан тўйинтирилади. Бизда эса балиқлар учун махсус гранулалар ишлаб чиқариш муаммо. Менимча шундай ташкилотлар бўлиши керакки, улар балиқ боқувчиларга сифатли чавақчаларни етказиб бериши, парваришланаётган балиқларнинг саломатлигидан мунтазам хабардор бўлиши,

озуқа-ем маҳсулотларини етказиб бериши ва етиштирилган маҳсулотни ўзи сотиб олиб бозорларга тарқатиши керак. Ким балиқчилик қилишни истаса, шу корхона билан шартнома тузиб ўз фаолиятини бошлаши мумкин бўлади. Шунда ушбу соҳани маҳкам ушлайман деган фуқароларимиз ўз касблари юзасидан ўқишади, изланишади ва чет эл тажрибаларини ўзлаштиришга ҳаракат қилишади. Биз ҳам қийинчиликларни аста-секинлик билан енгиб борапмиз. Биласизми, қафасда парваришланадиган балиқ озуқани кўлнинг балиғига нисбатан анчагина кўп талаб қилади. Чунки, кўлда балиқлар сув ўтлари ва сув ҳашаротлари билан озиқланиши мумкин. Шунинг учун водийнинг қаерида тўйимли ва кучли калорияга эга бўлган озуқа бўлса, олиб келиб озиқлантиришга ҳаракат қиламиз. Лаборатория ташкил қилиш ниятимиз бор. Бунинг учун ҳозирги кунда тажрибамиз ҳам, мутахассисимиз ҳам етарли. Яқинда Латвия давлатида бўлиб, у ердаги мутахассислар билан тажриба алмашдик. У ерда балиқчилик компаниялари жуда кўп. Бири чавақчалар етиштирса, бири парваришлайди, бири озуқа ишлаб чиқаради, бири қафаслар ясайди. Ҳайратланарлиси, барча компаниялар бир-бири билан узвий боғлиқ. Улар билан суҳбатлашгач, икки компания биз билан иссиқ балиқлар етиштириш бўйича ҳамкорлик қилиш истагини билдиришди. Яқин кунларда келишув ишларини якунлаймиз. Бу билан хорижлик инвесторларни юртимизга жалб қилиб, соҳада янгилик қилиш истагимиз бор.

Баҳодиржоннинг сўзларини тинглар эканмиз, ўз касбининг фидойиси бўлган бу йигитнинг ишларига омад тиладик, келажакда балиқдан тайёрланган сосискалар, консервалар ишлаб чиқариб, юртимиз ва чет эл бозорларини обод айлашини тилаб хайрлашдик.

К.ЭРГАШЕВ,
ўз мухбиригимиз.

Суратда: (чандан) Баҳодиржон Тешабоев ва балиқчи Абдураҳим Зоҳидов қафасда парваришланаётган балиқларни кўздан кечиришмоқда.



Бунёдкор халқимизни, яшиллик олами фидойиларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги ходимлари байрами билан чин дилдан табриклаймиз.

Ватанимиз равнақи, шаҳару қишлоқларимиз ободлиги, халқимиз дастурхони тўкинлиги йўлида амалга ошираётган хайрли ишларимизда зафарлар ёр бўлсин. Байрамона кайфият кўнгилларимизни асло тарк этмасин!

Chorvador.uz жамоаси

The advertisement features a central collage of stainless steel machinery. At the top, the 'reymak' logo is displayed in green and blue. Below it, a perspective view of a factory floor with rows of equipment is shown. The main area contains several pieces of machinery: a large vertical tank, a smaller tank on a stand, a portable tank on a trailer, a large rectangular trough, and three small pumps. At the bottom, a white truck is loaded with four smaller tanks, and a circular inset shows a cow in a field with a building and a tractor in the background. The 'Chorvador.uz' logo is at the bottom right of the collage.

Тошкент шаҳар, Аҳмад Дониш, 22.

E-mail: chorvador@chorvador.uz

www.chorvador.uz

Телефонлар: (+998 71) 226-65-96, (+99891) 192-07-55, (+998 97) 444-00-16, (+998 94) 647-10-03

Маҳсулот сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

Президентимиз раҳнамолигида аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил ислохотлар, яратилаётган имкониятлар ҳамда берилаётган имтиёзлар натижасида тармоқда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ортиб бормоқда.

Заркент нафақат Тошлоқ, балки Фарғонанинг сўлим гўшаларидан саналади. Шу ном билан аталувчи маҳалланинг 1081 та хонадонда жамланган 1775 та оилада 6500 нафардан ортиқ истиқомат қиладиган аҳоли ҳисобида 141 га экин майдони — томорқа мавжуд. Худуд аҳли фаровонлиги кундан-кунга янада юксалиб, қишлоқларининг кўрки ҳавас қилса арзигудек чирой очиб бораётир. Бунга аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигининг ошиб бораётганлиги муҳим омил бўлмоқда. Дарҳақиқат, ўтган йили маҳаллада 1 сотих экин майдонидан ўртача 2 млн. дан ошиқроқ даромад олинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 2,5 млн дан ошиши кутилмоқда.

Зилолаҳон Мамажоновна бекалигидаги хонадон Тошқишлоқ қишлоғидаги намунали, файзли хонадонлардан саналади. Мавжуд 12 сотихлик томорқада маҳаллий меваларнинг аксарият турларига рисоладагидек шакл берилиб, парваришланганлиги боис, салобати ўзгача, ҳосили ҳам шунга яраша — кўзни қувонтиради. 2,5 сотихлик иссиқхонадан 3 марта ҳосил олинмоқда. 20 бош зотли қорамол зооветеринария қоидалари асосида боқилмоқда.

— Томорқамиз рўзгоримизнинг таянчи ҳисобланади, — дейди шижоатли томорқачи. — Ҳар йили рўзгордан ортириб 60—70 млн. сўмни оиламиз равнақи учун сарфлаймиз. Томорқамиздан янада кўпроқ даромад олиш мақсадида бир қатор соҳалар — гўшт-тухум йўналишидаги беданачилик ва паррандачиликни ташкил этиш бўйича дастлабки қадамларни қўйганмиз. Шулар ҳисобига хонадон хўжалиги ташкил этиб, ишчилар сонини 8 нафарга етказамиз.

ЗАРКЕНТЛИК ЗАРШУНОСЛАР



— Маҳаллада томорқадан самарали фойдаланиш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар ўз мевасини бермоқда. Бунда ҳар қарич ердан йил давомида, узлуксиз фойдаланишнинг алоҳида ўрни бор, — дейди маҳалла раиси Маъмуржон Тўхтаназаров, — "Тўқсонбости" усулида экин экиш ҳажмининг маҳаллада тобора оммавийлашиб бораётганлиги ердан йилига 2, ҳатто, 3 марта ҳосил олиш имконини бермоқда.

Таъкидлаш жоизки, қишки сабзавотчиликда экинлар ўсув даври кеч куз, қиш ва илк баҳор кунларида ўтиб, эрта ҳосил беради. Юргимизнинг деярли барча худудлари қишки сабзавотчилик учун катта имкониятларга эга. Шундай бўлсада совуққа чидамли экинларнинг тур ва навларини танлаш қишки сабзавотчилик учун муҳим аҳамият касб этади.

Кўкат экинлар (шивит, петрушка, салат қабиляр), саримсоқ, эркакляб кетмайдиган бардошли икки йиллик экинлар (бошпиёз, кўкпиёз, порей пиёз, кўп ярусли пиёз), карам ҳамда илдизмевалилар истиқболли ҳисобланади. Олдий карамнинг совуққа чидамли тезпишар навлари "Наврўз", Дербентская местная, Апшеронская озимая, сабзининг Нантская-4, "Мирзой", "Красная-228", хўраки лавлагининг Бордо-237 навларини экиш самарали. Қишки сабзавотчилик учун экинларнинг экиш муддатини тўғри танлаш асосий омиллардан биридир.

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгашининг раиси Муҳаммаджон Каримов ҳамда маҳалла раиси ҳамроҳлигида хонадонларда бўлганимизда, меҳмонни қаршилаш маданияти, меҳмоннавозликни кўрганда, бир сўз билан ўзбекчиликдан, қолаверса ўзбеклигимдан фахрланамиз.

Қашқар қишлоғида яшовчи Муҳаммаджон Каримов ёш бўлса-да, томорқа илмини пухта эгаллаган эр йигитлардан саналади. Экин экиладиган 6 сотих майдоннинг 4 сотихидаги иссиқхонадан йилига 3 мартадан ҳосил олиш ҳисобига ҳар йили 8—10 тонна сифатли сабзавот етиштиради. Томорқа ва иссиқхона тупроқларининг озуқа манбаи сифатида ҳовли тўридаги молхонада 5 бош зотдор қорамол ва 5 бош ҳисори қўй боқилмоқда. Уй олди ва атрофдаги 22 туп ток, 12 туп ҳар хил мевали дарахтлар ҳосили киши эътиборини тортади.

— Президентимизнинг "Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ шахсий томорқа хўжаликларида ишловчи фуқароларни банд бўлган шахс сифатида ҳисобга олиш механизмининг жорий этилиши, — дейди Муҳаммаджон, — биз учун айна мударо бўлди. Ҳозир 50-60 млн сўм даромад оладиган бўлсак, эндиликда 4-5 нафар кишини ишга жалб қилиб, янги тармоқлар ҳисобига фойда салмоғини 2-3 марта ошириш имкониятига эгамиз.

— 7 сотихли томорқамда 2 сотихлик иссиқхона, 12 туп ток, 17 туп мевали дарахт, 2 бош соғин сигир, 5 бош қўй, 17 бош товуқ мавжуд, — дейди яна бир хонадон соҳиби Ҳамидулла Мадумаров. — 4 сотих очиқ майдонга "тўқсонбости" усулини жорий этиб, сабзавотдан йилига 3 марта ҳосил олмақдаман.

Жаннатмакон мамлакатимизда ҳар қарич ердан дур ундираётган заркентлик заршунослар сингари омилкорлар бор экан, эл-юрт тўқинлиги янада ортаверади.

Ўз мухбиримиз.

ИНГИЧКА ТОЛАЛИ “ТЕРМИЗ-202” ВА “ТЕРМИЗ-208” ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

This article shows the results obtained from the competitive trial testing of new varieties of long staple cotton, Termiz-208 and Termiz-202. Total yield of Termiz-202 was more than that of the standard Termez-31 by 3,7 cent/hectares or 7,3%. The yield was 8,7% higher than the standard. The fiber yield of Termez-208 had an index higher by 7,4 cent/hectares than the standard 9871-I, and the micronaire of the fiber was 3,7 when the standard showed 3,9 in the standard.

Селекционер олимларимиз томонидан яратилаётган ғўза навларининг жаҳон андозалари талабларига жавоб бериши билан бирга юқори ҳарорат ва гармселга бардошли бўлиши бугунги куннинг долзарб вазибаларидан ҳисобланади.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз селекционер олимлари томонидан жаҳон бозори андозаларига мос, серҳосил, тезпишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли ғўза навлари яратилди.

Тадқиқотлар давомида ингичка толали “Термиз-202” ва “Термиз-208” ғўза навлари 2015–2017 йилларда Термиз тумани шароитида ўрта толали ғўза навлари билан таққослаб, гармселга бардошлилиги ўрганилди. Шу ерда қайд этиш лозим-ки, юқорида келтирилган амалий лойиҳа доирасида 50–52 та ўрта толали ғўза навлари ўрганилган бўлиб, уларнинг аксариятининг қимматли хўжалик белгилари бўйича кўрсаткичлари андоза “Бухоро-102” ғўза навининг кўрсаткичларидан устун бўла олмади. Лекин, Термиз тумани шароитида ўрта толали ғўза навлари билан биргаликда ингичка толали ғўза навларининг юқори ҳарорат ва гармселга бардошлилигини таққослаш мақсадида ўтказилган тажрибада ингичка толали ғўза навларининг юқорида келтирилган омилларга бардошлилиги бўйича устунлиги яққол намоён бўлди. Андоза “Бухоро-102” ғўза навида вегетация давомида ҳосил бўлган жами ҳосил элементлари 2015–2017 йилларда мос равишда 29,8; 34,6; 33,7 (йиллар бўйича ўртача – 32,7) донга бўлган бўлса, “Термиз-202” ва “Термиз-208” ғўза навларида йиллар бўйича мутаносиб равишда ўртача 25,4 ва 28,7 донани ташкил этди. Ҳосил элементларининг тўқилиши бўйича юқорида кузатишга ҳолатга зид равишда, ингичка толали ғўза навларида бардошлилик намоён бўлди (1-жадвал).

Тадқиқотларимиз давомида “Термиз-202” ва “Термиз-208” ғўза навларининг ишлаб чиқариш шароитидаги иқтисодий самарадорлиги ҳам ўрганилди (2-жадвал). Ишлаб чиқариш шароитида “Термиз-202” ғўза нави (36,5 ц/га) ан-

доза “Сурхон-14” нави (32,5 ц/га) нисбатан ҳосилдорлик кўрсаткичи бўйича устунликни намоён этиб, гектаридан 4,0 центнер кўп ҳосил териб олинди. Ушбу иккала навга бир гектар майдонга ишлаб чиқариш харажатлари бир хил, яъни 4 976 000 сўмни ташкил этган бўлса-да, бир гектар пахта майдонидан олинган даромад “Термиз-202” навида 9 198 000 сўмни, андоза “Сурхон-14” навидан (8 190 000 сўм) 1 008 000 сўмга юқори, бир гектар пахта майдонидан олинган фойдани солиштирадиган бўлса, андоза навга (3 124 000 сўм) нисбатан 1 008 000 сўмга юқорилиги 2-жадвал маълумотларида яққол кўзга ташланиб турибди. “Термиз-202” ғўза нави экилган ғўза майдонларидан бир сўмлик харажат ҳисобига олинган фойда андоза навга нисбатан 0,20 сўмга, рентабеллик даражаси 20,3 фоизга юқори бўлди. Деярли шунга яқин натижалар “Термиз-208” ғўза навидан ҳам олинди. Ишлаб чиқариш шароитида “Термиз-208” ғўза нави (36,0 ц/га) андоза “Сурхон-14” нави (32,5 ц/га) нисбатан ҳосилдорлик кўрсаткичи бўйича устунликни намоён этиб, гектаридан 3,5 центнер кўп ҳосил териб олинди. Ушбу иккала навга бир гектар майдонга ишлаб чиқариш харажатлари 4 976 000 сўмни ташкил этган бўлса-да, бир гектар пахта майдонидан олинган даромад “Термиз-208” навида 9 072 000 сўмни, андоза “Сурхон-14” навидан (8 190 000 сўм) 882 000 сўмга юқори, бир гектар пахта майдонидан олинган фойдани солиштирадиган бўлса, андоза навга (3 124 000 сўм) нисбатан 882 000 сўмга юқори бўлди. “Термиз-208” ғўза нави экилган ғўза майдонларидан бир сўмлик харажат ҳисобига олинган фойда андоза навга нисбатан 0,18 сўмга, рентабеллик даражаси 17,7 фоизга юқори бўлди.

Шундай қилиб, Сурхондарё вилоятининг экстремал шароитида ўрта толали ғўза навларига нисбатан ингичка толали навларнинг юқори ҳарорат ва гармселга бардошлилиги юқори бўлиб, ушбу вилоятда ишлаб чиқаришда ингичка толали ғўза навларини жорий этиш орқали юқори самарадорликка эришиш мумкин. “Термиз-202” ва “Термиз-208” ғўза навларининг ҳосилдорлиги ва рентабеллик даражаси (+0,20) ишлаб чиқаришда экилаётган ингичка толали “Сурхон-14” навининг кўрсаткичларидан юқори эканлигини инобатга олиб, янги яратилган навларнинг уруғини тезкор кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ғўза навларининг ҳосил элементларига табиий гармселнинг таъсири, донга ҳисобида (2015-2017 йиллар)

№	Навларнинг номи	Жами ҳосил элементлари, донга				Тўқилган ҳосил элементлари, донга				Сақланиб қолган ҳосил элементлари, донга				%	Назоратга нисбатан фарқи, +/-
		2015 й.	2016 й.	2017 й.	Ўрт.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	Ўрт.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	Ўрт.		
Ўрта толали ғўза навлари															
1	Бухоро-102 St	29,8	34,6	33,7	32,7	18,3	18,0	17,6	18,0	11,5	16,6	15,8	14,6	44,8	
2	Бешқадрамон	30,7	29,5	28,8	29,7	16,5	16,5	15,8	16,3	14,2	13,0	14,1	13,8	46,4	-0,9
Ингичка толали ғўза навлари															
3	Термиз-202	25,9	24,3	26,1	25,4	6,7	5,5	6,0	6,1	19,2	18,8	20,7	19,6	76,9	+4,9
4	Термиз-208	27,8	28,3	30,0	28,7	10,0	6,9	5,2	7,4	17,8	21,4	22,2	20,5	71,3	+5,8

1-жадвал

Термиз-202 ва” Термиз-208” ғўза навларининг ишлаб чиқариш шароитида иқтисодий самарадорлиги

№	Кўрсаткичлар	Ўлчовбirlлиги	Сурхон-14 андоза нав	Термиз-202 нави	Андоза навга нисбатан +/-	Термиз-208 нави	Андоза навга нисбатан +/-
1	Ҳосилдорлик	ц/га	32,5	36,5	+4,0	36,0	+3,5
2	1 га пахта майдонидан олинган даромад	сўм	8190000	9 198 000	+1 008 000	9 072 000	+882 000
3	1 га пахта майдонга ишлаб чиқариш харажатлари	сўм	4976000	4 976 000	0	4 976 000	0
4	1 га пахта майдонидан олинган фойда	сўм	3 214000	4 222 000	+1 008 000	4 096 000	+882 000
5	Рентабеллик даражаси	%	64,6	84,9	+20,3	82,3	+17,7
6	1 сўмлик харажат ҳисобига олинган фойда	сўм	0,65	0,85	+0,20	0,83	+0,18

2-жадвал

С. РАХМОНКУЛОВ,
б.ф.д., профессор,
Х. ЧОРИЕВА, Х. ЖАЛОЛОВ,
қ.х.ф.ф. докторлари,
Н. ОЧИЛДИЕВ,
катта илмий ходим
(ПСУЕАИТИ).

КАРТОШКАНИ ИККИҲОСИЛЛИ ЭКИН СИФАТИДА ПАРВАРИШЛАШ

Set out the result of studying the growth, development and productivity of potatoes in a two-crop culture in seawistomost from the width of the aisle and care methods.

2015–2017 йиллар мобайнида махсус дала тажрибаси олиб бордик. Дала тажрибасининг мақсади картошка ўртатезпишар навлари иккиҳосилли экин сифатида турли қатор оралиқлари ва парваришлаш тадбирларида ўстирилганда ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини аниқлашдан иборат. Бу мақсад учун тадқиқотлар Ангор туманидаги "Сурхон-Шодибек-Суннатбек" фермер хўжалиги эскидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар шароитида ўтказилди.

ўстирувчи ва нишлатувчи стимуляторлар ишчи эритмасида (100 литр сувда 1 кг тиомочевина, 1 кг радонли калий, 0,5 грамм гиббериллин, 2,0 г қахрабо кислотаси ва 5 л Рослин) 2–3 минут давомида ишланиб, кейин қоронғи, соя, салқин, сернам (65–70%) шароитда 4–5 кун давомида усти қум ёки брезент билан ёпилиб нишлатилди, сўнгра усти очилиб, 2–3 кун давомида ўсимталар яшил рангга киргунча сақланди. Шундай тайёrlанган уруғлик тугунаклар су-

Биометрик ўлчашлар натижа-сида кенг қаторлаб 90x15 см схемада экиб, ўсув даврида "Амак" фрезали-культиватор ёки КРН-2,8А культиваторга қўшимча мослама ўрнатиб, 1-март 18 см, 2-март 23 см чуқурликда 8 см ҳимоя зонаси қолдириб, юмшатиш ва жўяк олиб, парваришланган вариантда ўсимликлар баланд бўйли, бақувват серпояли, баргли ва маҳсулдор бўлди.

Иккиҳосилли экин сифатида картошка ўртатезпишар "Sante" ва "Яроқли-2010" навлари 90x15 см схемада экилиб, ҳар хил парваришлаш тадбирлари қўлланилганда гектаридан 25,3–28,2 тонна товар, 13,4–14,7 тонна уруғбоп ҳосил олинди, 4,1–4,9 қўпайиш коэффициенти таъминланди. Қатор орасини 90 см қилиб 90x15 см схемада экиш 70x25 см схемага нисбатан гектаридан навлар бўйича 2,3–3,1 тонна қўшимча товар ва 1,3–1,5 тонна уруғбоп ҳосил ҳамда 1,2–1,5 га юқори қўпайиш коэффициенти эришилди.

Демак, Сурхондарё вилояти шароитида картошкани иккиҳосилли экин сифатида ўстириб, барқарор юқори (25–28 т/га) сифатли товар ва уруғбоп ҳосил олиш экин ўртатезпишар навларини танлашга, қулай қатор ораси кенглиги ва туп қалинлиги ҳамда ўсув даврида парваришлаш тадбирлар тизимини мақбуллаштиришга боғлиқ экан.

Т.ОСТАНАКУЛОВ,
профессор,
О.АЛИМАРДОНОВ,
тадқиқотчи.



Тажрибада картошканинг вилоятда кенг тарқалган ўртатезпишар "Sante" ва институтимизда яратилган "Яроқли-2010" навлари маҳаллий 2-репродукция уруғлик тугунаклари олинди. Бу уруғлик тугунаклар баҳорда экилиб ёзда янги ковланган (эртаги ҳосил) 3-репродукция 30–80 граммлик бутун ва кесилган уруғлик тугунаклари экишолди

ғорилган нам далага 22–25 июль кунлари 8–10 см чуқурликда 70x20 ва 90x15 см схемаларда экилди.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, қатор ораси кенглиги ва интенсив парваришлаш тадбирлари ривожланиш фазалари рўй бериши ва ўтишига таъсир этиб, 1–2 кун эрта рўй бериб, ўсув даврини 2–4 кунгача узайтирди.

АДАБИЁТЛАР

1. Н.Н.Балашев, Г.О.Земан. Овощеводство. - Т., 1981. - 408 с.
2. Т.Э.Остонакулов. Технология возделывания, селекции и семеноводства картофеля в Зарафшанской долине. - Т., 2018 - 188 с.
3. Т.Э.Остонакулов, В.И.Зуев, О.Қ.Қодирхўжаев. Сабзавотчилик. - Т., Наврўз. 2018. - 554 б.
4. Веб сайтлар: www.agromart.uz, www.fermer.uz, www.agro.uz, ogorod.uz.

ЯНГИ КАРТОШКА НАВЛАРИНИ ИККИҲОСИЛЛИ ЭКИН СИФАТИДА ЕТИШТИРИШ НАТИЖАЛАРИ

The precocity and morphobiological properties of the potato is the main factor providing an anti-bias indicator to bifurcation.

Мамлакатимизнинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда картошка селекциясининг хусусий йўналишларидан бири, бу бир йилда икки ҳосил олишга яроқлилиқ кўрсаткичлари бўлиб ҳисобланади.

Картошқадан бир йилда икки ҳосил олишнинг бир қанча афзалликлари мавжуд. Жумладан, унда уруғлик материални ёзгача сақлаш учун қилинадиган харажатларни ҳамда уруғлик материални ёзгача сақлашдаги (чириш, сўлиш) йўқотишларни тежаш имконияти бўлади.

Минтақамизда картошкани икки ҳосилли экин сифатида ўстириш, яъни эртаги (баҳорги) муддатда ўтган йилги уруғлик туганаклардан, ёзги (кечки) муддатда эса эртаги картошка янги ҳосилини ковлаб, қайта экиш йўли билан бир йилда икки марта ҳосил (вегетатив авлод ёки бўғин) олиш масаласи катта

Тадқиқотимизнинг мақсади картошка янги навлари орасидан бир йилда икки ҳосил олишга яроқли навларини ажратишдан иборат.

Картошка янги навларининг ёзда янги ковлаб олинган туганакларини ўстирувчи стимуляторлар билан ишланганда навларнинг унувчанлиги ва ҳосилдорлик кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида "Фаровон", "Савиола", "Санте" (ст) навларига тажриба ўтказдик.

Ёзда ковлаб олинган янги туганакларни тиним ҳолатидан чиқариш учун турли хил таркибга эга бўлган ўстирувчи стимуляторлар эритмасида ишлов бериб қайта экилди. Бундай усулда картошка етиштиришдаги асосий агротехник тадбир талаблари тупроқнинг намлигини ва ҳаво режимини керакли даражада ушлаб туриш, бегона ўтларга вақтида қарши курашишдир.

Янги ковлаб олинган туганак-

вон" нави 96,2–91,6% намоён этган бўлса, стандарт сифатида ўрганилган "Санте" навида бу кўрсаткич 94,2–88,6% бўлганлиги кузатилди.

Маълумки, картошка навларининг бир йилда икки ҳосил олишга яроқлилигининг якуний натижаси уларнинг ҳосилдорлиги ва етиштирилган маҳсулотнинг сифати билан белгиланади.

Ўрганилган картошка янги навлари ҳосилдорлик кўрсаткичларининг таҳлили шуни кўрсатадики, уруғлик туганакларнинг лаборатория унувчанлиги, дала унувчанлиги ва уларнинг ҳосилдорлиги ўрта-сида боғлиқлик кузатилди. Энг юқори ҳосилдорлик 24,6 т/га "Фаровон" навидан олинган бўлса, "Савиола" навида ҳосилдорлик 22,2 т/га, стандарт сифатида ўрганилган "Санте" навининг ҳосилдорлик кўрсаткичи 19,2 т/га ни ташкил қилди.

Олинган натижаларга асосланиб, ёзда янги ковлаб олинган туганаклар билан қайта экилганда уруғлик туганакларнинг лаборатория ва дала шароитидаги унувчанлиги юқори бўлган навлардан икки ҳосилли экин сифатида экиб етиштириш кузнинг дастлабки совуқларига қадар етарли ҳосил тўплай олиш имконини беради.

Тажрибаларда ўрганилган картошканинг "Фаровон" ва "Савиола" навларини иккиҳосилли экин сифатида экиб етиштириб кузнинг совуқ кунларига қадар етарли ҳосил олиш имконини беради.

**Ф.ОБЛОҚУЛОВ,
Д.НОРМУРОДОВ,
Д.ЭРГАШЕВ,
(СамВТИ).**

АДАБИЁТЛАР

1. Абдукаримов Д. Т., Остонақулов Т. Э. ва бошқалар. Ўзбекистонда картошка селекциясига оид тавсиялар. - Самарқанд, 2005.
2. Зуев В.И., Қодирхўжаев О., Бўриев Ҳ.Ч., Азимов Б.Б. Картошқачилик. - Тошкент, 2005.

Ёзда янги ковлаб олинган туганаклари билан қайта экилганда, картошка янги навлари туганакларининг унувчанлиги ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари

№	Нав номи	Туганакларнинг лаборатория унувчанлиги, %	Экилганнинг 30-куни дала унувчанлиги, %	Такрорлар бўйича ҳосилдорлик, га/т				Ўртача ҳосилдорлик, га/т
				ИИ	ИИИ	ИИИИ	ИИВ	
1	Фаровон	96.2	91.0	2.9	6.1	5.4	4.0	24.6
2	Савиола	94.0	89.8	1.4	3.0	3.6	0.8	22.2
3	Санте(ст)	94.2	88.6	8.4	9.8	0.1	8.5	19.2

аҳамиятга эга [1].

Бундай экин асосида етиштирилган туганаклар йирик, силлиқ ва рангдор ҳамда юқори сифатли бўлиб, яхши сақланади (уруғлик сифатлари яхшиланади). Чунки, картошка иккиҳосилли экин сифатида ўстирилганда, ҳосилнинг шаклланиши ва ўсиши ҳавонинг салқин даврига тўғри келади [2].

Тадқиқотларимиз Сабзавот, поллиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти Самарқанд илмий-тажриба станцияси далаларида "Дала тажрибаларини ўтказиш услублари" (2007), Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказларининг услубий қўлланмалари асосида ўтказилди (1995–2000).

ларни қайта экиш учун картошка навларининг бир йилда икки ҳосил олишга яроқлилиқ кўрсаткичларидан бири бу туганакларнинг тез ва тўла унувчанлигидир.

Тажрибаларимизда янги навларнинг ковлаб олинган туганакларининг лаборатория шароитидаги унувчанлиги уларни ўстирувчи стимуляторлар билан ишлангандан кейин 7-куни, қайта экилгандаги дала унувчанлиги эса далада 30-куни аниқланди.

Натижаларнинг кўрсатишича, ўрганилган навларнинг барчаси бир йилда икки ҳосил олишга яроқлилиқ кўрсаткичларини намоён қилди. Ўрганилган навлар орасида энг юқори лаборатория ва дала унувчанлик кўрсаткичини "Фаро-

ПОВЛОВНИЯ ЎСИМЛИГИ КЎЧАТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШГА БИОСТИМУЛЯТОРЛАР ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

This article considers the influence of phytopherms on the intensity of growth of poulownia. According to the result, 72,2% of fist varieties werw found to be 90-90% in the 3-4 variants of Gibberiline 200-250g/l. Gibberiline's 150 g/l was found to be 2,8% higher then control in the 3rd variant. Climbing the best results werw recorded in the 3-4 variant and recorded 108-112 cm high. In addition, in the second variant, the figure was 97 cm higher than the standard.

Қимматли ноёб ва манзарали ўсимликлардан бири Повловния дарахти бўлиб, у республикамызда кам ўрганилган ва ишлаб чиқаришда деярли фойдаланилмаётган ўсимлик ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби ушбу ўсимликнинг аҳоли орасида оммалашмаганлиги ва кенг миқёсда ўстириш ҳамда кўчатлари етиштиришни жадаллаштириш технологиясидан фойдаланилмаётганлигидадир.

Повловния - *Paulownia* - манзарали дарахтлар туркумига киради. Асосан Шарқий Осиёда ўсадиган 10 та тури мавжуд. Ўзбекистонда манзарали ўсимлик сифатида экиб ўстирилади. Бўйи 15–25 м, барги оддий, юраксимон, четлари текис, кузда тўкилади, гултожиси қўнғироқсимон, барг чиқаргунча очилади. Меваси йирик, қаттиқ, ёнғоқсимон кўсакча, уруғи майда, ёғочи енгил юмшоқ. Повловния қаламча, бачки ва уруғларидан кўпайтирилади.

Повловнияни қаламчаларидан in-vitro технологияси ёрдамида кўпайтириш натижасида ўсимлик ўзининг генетик хусусиятларини тўла сақлаб қолиши, бир текисда ўхшаш кўчатлар олиш ҳамда касаллик ва зараркунандаларга чидамли бўлиши таъкидланган.

Бу борадаги тадқиқотимизда Повловния ўсимлигини мавжуд шароитлардан фойдаланиб очиқ

шароитларида интенсив кўчатларини етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш мақсад қилиб олинди.

Мақсадга эришиш учун қу-

тажрибалар 2018 йилда Пахтаобод туманидаги “Темиров Сайдулло” ўрмончилик кўчатчилигига ихтисослашган фермер хўжалиги шароитларида олиб борилди.

Тадқиқотлар Б.А. Доспехов (1985) услуби ёрдамида олиб борилди ва олинган натижалар компьютерда (MS-Excel дастурида) математик ишловдан ўтказилди. Бунда: 1-вариант – назорат, 2-вариант – 150 г/л, 3-ва-

2-жадвал

Ўсимликнинг бўйи ўрганилганда олинган маълумотлар

№	Вариант номи (гр/л)	Ўсимлик бўйи (см) n=10			
		$\pm S$	\bar{x}	V%	S % \bar{x}
1	назорат	225,2±4,9	6,8	2,1	200-270
2	150	322,3 ±5,6	5,5	1,7	270-360
3	200	333,3±4,2	4,0	1,3	280-350
4	250	338±4,6	4,3	1,3	300-400

йидагилар вазифа қилиб белгиланди:

- Повловния ўсимлигидан илдиз бачкилар тайёрлаш ва уларнинг муддатларини белгилаб бериш;

- илдиз бачкилардан ниҳол униб чиқиши ва ўсишига гибберилин меъёрларининг таъсири;

- ўсимлик бўйи ва диаметрига гибберилин меъёрларининг таъсири аниқлаш.

1-жадвал

“Гибберилин” биостимуляторининг Повловния ўсимлиги илдиз бачкисидан кўчат етиштиришда ниҳолларнинг униб чиқишига таъсири

№	Вариант номи (гр/л)	Экилган илдиз бачкилар сони n=90	Униб чиққан кўчатлар сони (дона)	Униб чиққан кўчатлар сони (%)
1	назорат	90	65	72.2
2	150	90	69	75.0
3	200	90	81	90.0
4	250	90	82	91.1

риант – 200 г/л 4-вариант – 250 г/л.

Ҳар бир вариант 3 қайтариқда жойлаштирилди. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, 1-вариантда 72,2% ниҳоллар униб чиққан бўлса, “Гибберилин” биостимулятори 200–250 г/л қўлланилган 3–4-вариантларда 90–90% кўрсаткич қайд этилди. “Гибберилин” 150 г/л қўлланилган 3-вариантда назоратга нисбатан 2,8% юқори бўлди (1-жадвал).

Юқоридаги маълумотлардан маълум бўлганидек, “Гибберилин” биостимуляторининг Повловния ўсимлиги илдиз бачкисидан ниҳолларни ундириб олиш учун 200 г/л меъёрини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлиши биринчи йилги олиб боған тажрибаларимизда аниқланди.

2018 йил олиб борилган излашнишларимиз натижалари шуни

Ўсимлик диаметри бўйича таҳлил

№	Вариант номи (гр/л)	Ўсимлик диаметри (мм) n=10			
		$\bar{x} \pm S$	V%	S	Lim
1	назорат	36.9±1.5	13.0	4.0	35-48
2	150	48.4±1.8	12.0	3.8	39-60
3	200	58.9±2.6	14.0	4.4	47-71
4	250	60.3±1.9	10.0	3.3	48-72

кўрсатдики, назоратга нисбатан ўсимлик бўйи ва диаметри таҳлил қилинганда “Гибберилин” 200–250 г/л қўлланилган 3–4-вариантларда бўлди. Шу ўринда қўлланилаётган микробиологик препаратнинг иқтисодий самардорлигини ошириш мақсадида 250 г/л эмас 200 г қўлланилиши энг мақбул бўлиши аниқланди (2–3-жадваллар).

Натижалар шунини кўрсатдики, ҳар бир вариантда 3 қайтариқдан тажриба натижалари 10 донадан модель ўсимлик белгилаб олинди ва фенологик кузатув ишлари ўтказилди. Бунда назорат вариантыга нисбатан энг

яхши натижа 3–4-вариантда кузатилиб 108–112 см юқори кўрсаткич қайд этилди. Булардан ташқари 2-вариантда ҳам стандартга нисбатан 97 см юқори кўрсаткич қайд этилди.

3-жадвалда олинган натижаларнинг статистик таҳлили берилган бўлиб, унда назоратда ўсимлик диаметри 36,9 мм. ни ташкил этган бўлса, “Гибберилин” 150 г/л меъёрада қўлланилганда 48,4 мм, 200 г/л меъёрада қўлланилганда 58,9 мм ва 250 г/л меъёрада қўлланилганда эса энг юқори кўрсаткич 60,3 мм бўлганлиги аниқланди. Демак, “Гибберилин” 200–250 г/л меъ-

ёра Повловния ўсимлиги илдириш бачкисидан кўчат етиштиришда энг яхши кўрсаткич 4-вариантда қайд этилган бўлсада, 200 г/л ишлаб чиқариш жараёнларида мазкур меъёра асосида кўчат тайёрланганда ўсимлик бўйи ва диаметри бир-бирига мос келган ҳолда юқори бўлиши олиб борган тадқиқотларимиз давомида аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, Повловния ўсимлигининг яхши ўсиб-ривожланиши учун “Гибберилин” биостимуляторининг мақбул меъёри 200 г/л эканлиги аниқланди. Шунингдек, ушбу меъёра қўлланилиб ўстирилган ўсимлик кўчатларининг ўсиб-ривожланиш даврида ҳам соғлом ўсиши ҳамда қиш мавсумида нисбатан чидамлироқ бўлиши олиб борган илмий изланишларимиз натижасида аниқланди.

Х.ТҲҲИЕВ, Г.РУСТАМОВА,

Н.САРИБОЕВА, У.РАСУЛОВ,

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти Андижон филиали,
ТошДАУ Андижон филиали.

УЎТ: 631.587

ЎТЛОҚЛАШИБ БОРАЁТГАН ТАҚИРСИМОН ТУПРОҚЛАРДАН ЙИЛ ДАВОМИДА ФЙДАЛАНИШДА ТУПРОҚ СУВ ЎТКАЗУВЧАНЛИГИНИНГ ЎЗГАРИШЛАРИ

The paper presents materials related to investigation of the impact of effective year-round use of takyr soils with transition to meadow type on soil water permeability

Сувнинг тупроққа шимилиш қонунияти бўйича қўлаб адабиётларда маълумотлар келтирилган. Профессор М.Хамидовнинг фикрига кўра, ер устидан ва ёмғирлатиб суғоришда сув тупроқ билан ўзаро туташади, сув тупроққа ютилади ва тупроқ бўшлиқларида тўпланади. Бу жараённи уч босқичга бўлиш мумкин: шимилиш, тўйиниш ва сизилиш [2]. Тупроқнинг сув ўтказиш қобилияти суғориш сони, суғориш оралиғи муддати, сувнинг оқовага чиқиб кетишини белгилайди. Шундай экан, тупроқнинг сув ўтказувчанлик хусусиятини мақбул ҳолатда сақлаш учун нима қилиш керак, деган савол туғилиши табиий ҳолдир. Тадқиқотларимиздан кўзланган асосий мақсадлардан бири, суғориладиган тақирсимон тупроқлардан йил давомида ерни бўш қолдирмаган ҳолда экин экиш орқали тупроқ сув ўтказувчанлигига таъсири аниқланганда, экинларни тўғри

танлаш орқали кетма-кетликда илмий асосда экиб, йил давомида ердан самарали фойдаланишда сув ўтказувчанлиги яхшиланганлиги аниқланди.

Суғориладиган тақирсимон тупроқлардан йил давомида фойдаланишда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ўзгаришлари динамикасини тадқиқ қилиш бўйича тадқиқотларимиз ПСУЕАИТИ Сурхондарё ИТСнинг Термиз туманидаги далаларида 2007–2013 йиллар давомида ўтказилди. Барча таҳлиллар ПСУЕАИТИ услубий қўлланмаларига асосланиб ўтказилди [1].

Тадқиқотларимизда тупроқ сув ўтказувчанлиги мавсум бошидаги нисбатан мавсум охирида ўрта, ингичка толали гўза далаларида ЧДНСга нисбатан 65–65–65% суғориш тартибида 0,061 мм/мин, 70–75–65 фоизда 0,095 мм/мин камайди. Бошоқли дон экинлари даласида ЧДНСга нисбатан 75–75–70% суғо-

риш тартибида 0,028 мм/мин, 80–80–70% суғориш тартибида 0,054 мм/мин, бошоқли дон анғизидидаги маккажўхори даласида ЧДНСга нисбатан 70–70–60% суғориш тартибида 0,016 мм/мин, 75–75–60% суғориш тартибида 0,034 мм/мин, карам, пиёз навлари даласида ЧДНСга нисбатан 75–75–70% суғориш тартибида 0,028 мм/мин, 80–80–70% суғориш тартибида 0,054 мм/мин, карам, пиёздан сўнг экилган гўза даласида ЧДНСга нисбатан 65–65–65% суғориш тартибида 0,031 мм/мин, 70–75–65% суғориш тартибида 0,040 мм/мин камайган бўлса-да, ротация якунида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 0,010–0,026 мм/мин сув ўтказувчанлиги яхшиланди (жадвал).

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги мавсум бошига нисбатан мавсум охирида бир оз камроқ бўлиши мавсум давомида далага ишлов тракторларининг кириши билан

Ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлардан йил давомида фойдаланишда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ўзгаришлари динамикаси (2007-2013 йиллар)

ЧДНСга нисбатан суғориш тартиби, %	Кузатиш соатлар						Уч соатда сингган сув миқдори, м ³ /га	6 соатда сингган сув миқдори, м ³ /га	Сув ўтказувчанлик тезлиги 6-соатда, мм/мин
	1	2	3	4	5	6			
Биринчи дала									
Ўзанинг ўрта толали «Бухоро-102» ва ингичка толали «Термиз-49» навлари, 2007-2009 йиллар									
Амал даври боши	275,5	238,2	154,8	138,2	55,5	32,6	668,5	894,7	0,249
Амал даври охири, 65-65-65	202,8	154,7	142,4	112,4	38,1	25,2	499,9	675,6	0,188
Амал даври охири, 70-75-65	174,8	112,7	109,3	99,0	33,8	26,4	396,8	556,0	0,154
Иккинчи дала									
Кузги бўёқнинг «Чиллаки» ва арпанинг «Болғали» навлари, 2007, 2009, 2011 йиллар									
Амал даври боши	303,6	206,6	159,7	142,5	107,7	60,3	669,9	980,3	0,272
Амал даври охири, 75-75-70	263,7	193,4	146,7	127,4	97,4	50,3	603,9	878,9	0,244
Амал даври охири, 80-80-70	244,4	175,8	130,8	112,8	83,1	37,6	551,0	784,5	0,218
Бошоқли дон экинлари ангидаги маккажўхориининг «Ўзбекистон-306АМВ» ва «Нарт» навлари, 2008, 2010, 2012 йиллар									
Амал даври боши	310,7	221,3	152,4	140,8	105,6	56,9	684,3	987,5	0,274
Амал даври охири, 70-70-60	281,7	202,0	159,6	141,2	95,5	48,5	643,3	928,5	0,258
Амал даври охири, 75-75-60	266,4	193,3	148,0	130,4	83,6	40,5	607,8	862,4	0,240
Маккажўхоридан сўнг оқбош қарамнинг «Шарқия» ва «Ўзбекистон-133» ҳамда пиёзнинг «Сумбула» ва «Зафар» навлари, 2009, 2011, 2013 йиллари									
Амал даври боши	309,7	249,4	168,5	150,5	96,0	54,0	727,6	1028,1	0,286
Амал даври охири, 75-75-70	286,2	216,5	154,2	135,4	88,8	46,0	656,9	927,1	0,258
Амал даври охири, 80-80-70	264,2	187,8	133,6	128,9	77,0	44,7	585,6	836,1	0,232
Кечки оқбош қарам ва пиёздан сўнг экилган ўзанинг ўрта толали «Бухоро-6» ва «Бухоро-8» навлари, 2009, 2011, 2013 йиллари									
Амал даври боши	316,7	220,9	173,5	151,3	105,2	58,5	711,1	1026,0	0,285
Амал даври охири, 65-65-65	256,5	209,1	159,4	138,6	96,0	55,8	625,0	915,4	0,254
Амал даври охири, 70-75-65	248,4	203,3	150,2	132,8	89,8	52,7	601,9	877,3	0,244

изоҳланса, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-65% намлик тартибига қараганда 70-75-65% намлик тартибига камроқ бўлиши эса суғориш сони кўплиги ва суғоришлар натижасида тупроқ бир оз зичлашганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг кейинги йилларида ҳам юқоридаги қонуниятлар ўз тасдиғини топди. Маълумотлар орасидаги кичик фарқларни ҳар йили зироатлар экилиши олдида 15,0 тоннадан чирган гўнг ва 6,0 тоннадан бентонит лойқаларидан тайёрланган компостлар тупроққа киритилиши билан изоҳлаш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлардан йил давомида самарали фойдаланиб, экинларни кетма-кетликда парваришлаш тупроқнинг сув ўтказувчанлигига ижобий таъсир этиши тадқиқотларда исботланди.

М.АВЛИЁҚУЛОВ,

ПСУЕАИТИ DSc докторанти.

АДАБИЁТЛАР

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. - Тошкент, ЎзПТИ, 2007. 146 б.
2. Хамидов ва бошқалар. Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш (Қўлланма). - Тошкент, 2006. - Б. 54-55.

ЎЎТ: 631.533.

ЎЗА ПАРВАРИШИДА “БИОЭНЕРГИЯ” БИОЎГИТИНИ ҚўЛЛАШНИНГ ПАХТА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

The norms of the application of the new biofertilizer "Bioenergy" for improving the growth and development of plants, as well as increasing the yield of raw cotton in the cultivation of cotton were studied.

Янги ишлаб чиқарилган “Биоэнергия” биоўғитини чигит экиш олдида ҳамда ўзани баргидан озиклантиришда қўллаш муддатлари ва меъёрларининг ўсимликнинг ўсиши, ривожланишига, ҳосил салмоғи ҳамда сифатига таъсирини Республикаимиз шароитида ўрганишни олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Илмий изланишлар Пахта селекциyasi, уручилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Фарғона илмий-тажриба станциясида ҳамда Фарғона политехника институти, Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш кафедрасида 2014–2016 йилларда лаборатория ва дала тажрибалари асосида

ўрганилди. Кузатувлар ва лаборатория таҳлиллари “ЎзПТИ услубий қўлланмаси” (2007) асосида олиб борилди.

Тажрибада вариантлар бўйича фенологик кузатувлар ва лаборатория таҳлиллари ўтказилди. Бунда чигитларнинг униб чиқиши ўзанинг бўйи, ҳосил шохи сони, шонаси, гули, кўсаги, очилган пахта сони ва тўкилган шона ўрни бўйича фенологик ва биометрик кузатувлар олиб борилди.

Шунингдек, ўсимликнинг барг юзаси, қуруқ вазни, фотосинтез маҳсулдорлиги, пахта ҳосилдорлиги, тола сифати каби кўрсаткичлари лаборатория таҳлиллари асосида ўрганилди.

Тажриба даласида ўзани амал даври бошида 1 марта яғналаш, 2 марта

чоқиқ, 4 марта қатор орасига ишлов бериш, 3 марта суғориш, 3 марта озиклантириш ва ниҳолларнинг 3–4 чинбарг чиқарган ва тўлиқ шоналаш даврида “Биоэнергия” биоўғити билан ишлов бериш ўтказилди.

Тажриба вариантларида белгиланган тартибда “ЎзГуми” препарати билан 0,3 л/га, “Биоэнергия” препарати билан 4-5-6-7 л/га меъёрларда гектарига 300 литр сув ҳисобида ишчи эритма тайёрлаб сепилди.

Пахта етиштиришда ўсимликни баргидан суяқ азот-калцийли ўғити билан озиклантириш агротадбири натижасида ўрганилган вариантлар асосида ўсимликнинг ўсиб-ривожланишига ҳамда пахта ҳосилдорлигига ижобий таъсир этганлиги аниқланди (жадвал).

“Биоэнергия” биоўғитини чигитга ишлов бериш ҳамда суспензия сифатида қўллаш меъёрлари ва муддатларининг пахта ҳосилига таъсири, ц/га (2014–2016 йй.)

Т/р	Тажриба вариантлари	Ишлов бериш муддати ва меъёрлари		Йиллар бўйича ўртача			3 йилда ўртача	Назоратга нисбатан кўшимча
		Чигитга ишлов бериш	Гуллаш даврида	2014	2015	2016		
				Сув билан ишлов берилган				
1	Назорат			32,6	34,0	31,2	32,6	-
2	Ўзгуми	0,7 л/т	0,4л/га	35,3	36,7	34,6	35,5	2,9
3	Биоэнергия	4 л/т	4 л/га	35,5	35,7	33,0	34,7	2,1
4	Биоэнергия	5 л/т	5 л/га	35,9	37,3	34,2	35,8	3,2
5	Биоэнергия	6 л/т	6 л/га	35,9	35,7	34,3	35,3	2,7

“Биоэнергия” ўғитининг таъсиридан нисбатан юқори пахта ҳосили уни чигитга 5 л/т ва ғўзаси гуллаш даврида 5,0 л/га меъёрда ишлов беришда қўлланилганда олиниб, тадқиқот йилларига мутаносиб равишда 35,9; 27,3; 34,2 ва 3 йилда ўртача 35,2 ц/га. ни ташкил этиб, назоратдан 3,2 ц/га юқори бўлган.

Биринчи терим салмоғи эса 26,5 ц/га. ни ёки 74,8 фоизни ташкил этиб назоратдан 3,9 ц/га ёки 4,6 фоизга юқори бўлган ҳолда “ЎзГуми” стимулятори таъсиридан эса 1,3 фоизга юқори бўлганлиги аниқланган. Демак, “Биоэнергия” (биоўғит) ўғитининг

пахта ҳосилидаги самарадорлиги “ЎзГуми” стимуляториға тенг эканлиги кузатилди, чунки унинг таркибида стимуляторларға хос органик моддалар бор.

Бу ўғит меъёрларини янада 6,0 л/т ва 6,0 л/га гача ортишига пахта ҳосили ўртача 3 йилда 35,3 ц/га. ни, кўшимчаси 2,7 ц/га. ни ташкил қилиб, мақбул меъёрларининг таъсиридан 0,5 ц/га камроқ бўлди ва 1-терим салмоғи ҳам 73,9 фоизни ташкил этиб, 0,9 фоизга камроқ бўлганлиги кузатилди.

Демак, “Биоэнергия” биоўғитини чигитга ишлов беришда ва суспензия сифатида қўллаш натижасида аввало

ҳосил тугунларининг сақланганлиги ва ўсимликда кечадиган физиологик, биокимёвий жараёнларнинг жадаллашиши ҳисобига пахтанинг биринчи терим салмоғи ва умумий пахта ҳосили ҳам ортиб бориши аниқланди.

Юқорида олинган таҳлиллар натижаларидан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, ғўза ҳосил тугунчалари тўкилишининг олдини олишда агротехник тадбирлар ичида кўшимча равишда ғўзага шоналаш даврида барги орқали “ЎзГуми”, “Биоэнергия” биостимуляторлари билан ишлов бериш натижасида юқори ҳосил олишга эришиш мумкин.

“Биоэнергия” биоўғитини ғўзага дастлабки 3–4 чинбарг даврида 5 л/га меъёрда ва шоналаш даврида 6–7 л/га меъёрида қўлланилганда энг яхши амалий натижалар олинганлиги кузатилди.

Қ.ДАВРОНОВ,
қ.х.ф.н., ПСУЕАИТИ Фарғона илмий-тажриба станцияси.

АДАБИЁТЛАР

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. - Тошкент, ЎзПИТИ. 2007. - 147 б.
2. Абдуалимов Ш., Абдуллаев Ф. Гумимакс самарали стимулятор // Деҳқончилик тизимида зироатлардан мўл ҳосил етиштиришнинг манба ва сув тежовчи технологиялари. Халқаро илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. - Тошкент, ЎзПИТИ, 2010. -Б. 233-236.

ТУПРОҚҚА ЁЗГИ ИШЛОВ БЕРИШНИНГ ТУРЛИ УСУЛЛАРИ ҲАМДА ТАҚРОРИЙ МАКАЖЎХОРИНИНГ ЎСИБ-РИВОЖЛАНИШИ

Республикамизда аҳолини озиқ-овқат ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан ҳамда саноатнинг хомашёга бўлган эҳтиёжини тўла қондиришда мавжуд ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, суғориладиган ерлардан йил давомида узлуксиз 2–3 марта юқори ва сифатли ҳосил етиштириш, маҳсулот ҳажмини кўпайтириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, суғориладиган майдонларга ишлов беришнинг мақбул усуллари, муддатларини аниқлаш ва тақрорий экин турларини тўғри танлаш орқали тупроқ унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва мунтазам ошириш ҳамда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада оч тусли бўз тупроқлар шароитида тупроққа ёзда ишлов бериш усуллариға боғлиқ ҳолда тақрорий экинларнинг ҳосилдорлигини, ишлов бериш усуллари, муддатлари ва тақрорий экин турларига боғлиқ ҳолда тупроқнинг агрегат таркибини, сув-физик, агрокимёвий хоссаларини ўзгариши, ғўза ҳосилдорлигини аниқлаш бўйича тадқиқотларни ўтказиш долзарб ҳисобланади.

Дала тажрибалари 2007–2010 йилларда Асака туманидаги Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг илмий-тажриба станцияси далаларида ўтказилди.

Тажриба даласи оч тусли бўз тупроқлардан иборат, ўртача қумоқ механик таркибли, қадимдан суғорилади, шўрланмаган. Сизот сувлари ер сатҳидан 4–5 м чуқурликда жойлашган.

Тажриба тизими 12 та вариант, 4 қайтариқда, бир қаторда жойлаштирилган, ҳар бир бўлакчанин умумий майдони 0,9 x 8,0=7,2 м x 50 =360 м² ни, ҳисоблиси эса 180 м² ни ташкил этган. Тажрибанин умумий майдони 360 x 4 = 1440 м² x 12 = 1,728 гектар.

Тажриба қўйишдан (кузги буғдойдан бўшаган ерни ҳайдашдан) олдин ҳамда ғўзанин амал даври бошида ва охирида тупроқнинг 0–30 ва 30–50 см қатламларида гумус ва умумий азот, фосфор, калий ва озиқ моддаларининг ҳаракатчан шакллари (N-NO₃, P₂O₅, K₂O) аниқланди. Шунингдек, тупроқнинг 0–100 см (ҳар 10 см. да) қатламларида амал даврининг боши ва охирида ҳажм оғирлиги, сув ўтказувчанлик ва ғоваклик хусусиятлари аниқланди.

Тажриба майдони кузги буғдой ҳосилини йиғиштириб олингандан сўнг (ҳар бир даладан буғдойнинг анғиз ва илдиз қолдиқларининг миқдори ва кейинчалик улар таркибидаги умумий NPK миқдорлари аниқланди) ёзда тажриба тизимиға мувофиқ, 1–2-вариантларда 32–35 см чуқурликда ҳайдалди ва 2-вариантда пушта олинди. 3–4-вариантлар эса кузгача қолдирилди ва кузда 32–35 см чуқурликда ҳайдалиб, 4-вариантда пушта олинди. 5–8-вариантлар 20–25 см чуқурликда ёзда ағдармай ҳайдалди. 5-вариант назорат сифатида тақрорий экин экилмасдан қолдирилди. 6–8-вариантларға тақрорий маккажўхори, мош ва соя экилди. 9–12-вариантлар 15–18 см чуқурликда чизель қилинди. Бунда 9-вариантда тақрорий экин экилмади (назорат). 10–12-вариантларға тақрорий маккажўхори, мош ва соя экилди. Таж-

рибаларда такрорий экин – маккажўхорининг "Нарт" нави, мошнинг "Маҳаллий" нави, соянинг "Орзу" нави экилди.

Тажриба даласида ўтказилган таҳлил ва фенологик кузатишлар ЎзПТИ (2007 й) нинг "Дала тажрибаларини ўтказиш услубиятлари" услубий қўлланмасига асосан олиб болиди.

Тажрибадан олинган натижаларга кўра, кузги буғдойдан кейин тупроққа ёзги ишлов беришнинг турли усуллари маккажўхорининг ўсиб-ривожланиши ўзига хос таъсир этганлиги кузатилди.

Масалан, 2009 йил 25–26 июнь кунлари кузги буғдой ҳосили йиғиштириб олингандан сўнг тажриба тизимига кўра, тажриба даласининг тегишли вариантларида ерга 20–25 см чуқурликда ағдармай ҳайдаш ва 15–18 см чуқурликда чизеллаш усулларида ишлов берилди ва урувлар экилди. Аввало шунга айтиш керакки, тупроққа ёзги ишлов бериш усуллари тажриба экин маккажўхори уруғларининг униб чиқиш жадвали аниқланди (1-жадвал).

Олинган маълумотларга кўра, тажрибанинг уч йилида ҳам тупроққа 20–25 см чуқурликда ағдармасдан ишлов берилган 6-вариантда тупроққа ишлов беришнинг

ишлов берилган 10-вариантда юқоридаги кўрсаткичлар муносабати равишда 193,3 см, 10,9; 1,0 дона, 19,8 см, 531,1 дона, 134,3 г. ни ташкил этган ҳолда тупроқ 20–25 см чуқурликда ағдармай ҳайдалганга нисбатан муносабати равишда 21,4 см., 1,0 ва 0,4 дона, 1,1 см, 125,2 дона, 34,4 г. га камроқ бўлганлиги аниқланди. Демак, вариантлар орасидаги маккажўхорининг ўсиб-ривожланишидаги фарқланишлар фақат тупроққа ишлов бериш усуллари таъсиридан деб баҳолаш мумкин. Чунки, тупроқ ёзда 20–25 см чуқурликда ағдармай ҳайдалганда унинг агрегатлар таркиби, ғоваклиги, сув ўтказувчанлиги нисбатан ортиб, ҳажм массаси аксинча камайганлиги кузатилган эди.

Тадқиқотларнинг 2007–2008 йилларида ҳам юқоридаги қонуниятлар асосида маълумотлар олинди.

Биз учун муҳим кўрсаткичлардан бўлган 1000 дон вазни 2007 ва 2008 йиллари 6 ва 10-вариантларда мос равишда 156,5–133,9 ва 162,9–133,3 донани ташкил этиб, 2009 йилга нисбатан 12,2–0,4 ва 5,8–1,0 г. га фарқланди.

Такрорий экин маккажўхорининг дон ва кўк масса ҳосиллари ҳам юқоридагидек вариантлар ва йиллар бўйича фарқланди. Тупроқ 20–25 см чуқурликда ағдармай ҳайдалган 6-вариантда такрорий экин маккажўхорининг дон ҳосили тадқиқот йилларига муносабати равишда 46,7; 44,4 ва 48,2 ц/га, ўртача 3 йилда 46,4 ц/га, тупроқ ёзда 15–18 см чуқурликда чизель қилинган (10) вариантда бу кўрсаткичлар муносабати равишда 39,6; 36,0 ва 36,1 ц/га. ни, ўртача 3 йилда эса 35,5 ц/га. ни ташкил этди. Ўртача 3 йилда 6-вариантда 10-вариантга нисбатан маккажўхорининг дон ҳосили 10,9 ц/га. га юқори бўлганлиги аниқланди. Кўк масса ҳосили ҳам вариантлар орасида юқоридагидек фарқланиб, ўртача 3 йилда

1-жадвал

Вариант тартиби	Тажриба вариантлари	2007 йил (1-дала)		2008 йил (2-дала)		2009 йил (3-дала)	
		50 %	100%	50 %	100%	50 %	100%
6	Ағдармай ҳайдаш (20–25 см)	11.07	14.07	6.07	9.07	2.07	5.07
10	Чизеллаш (15–18 см)	13.07	19.07	10.07	15.07	5.07	12.07

чизеллаш усулига нисбатан уруғларнинг униб чиқиши 5–6 кун эрта бўлганлиги кузатилди.

Бу эса, 6-вариантда тупроққа ишлов беришнинг ағдармай ҳайдаш усули тупроқнинг агрегат таркиби ва суффикс хусусиятларининг ижобий таъсири натижасида ўсимликларнинг ўсиб-ривожланиши учун нисбатан қулай тупроқ муҳити ва шароити яратилганидан далолат беради.

Маккажўхорининг ўсиши ва ривожланиши бўйича олинган маълумотларга кўра, тажрибанинг 6-варианти тупроққа ағдармай ишлов берилганда маккажўхорининг бўйи (1 август) 112,2 см. ни ташкил этиб, барглари сони 7,1 донани ташкил этди.

Такрорий маккажўхори 15–18 см чуқурликда чизель қилиб экилган 10-вариантда эса ўсимликлар тупроққа ағдармай ҳайдаб ишлов берилган вариантга нисбатан бўйи 19,6 см. га паст, барглари сони 1,1 донга кам бўлганлиги аниқланди ҳосил қилганлиги кузатилди (2-жадвал).

Кузатувларнинг охирида 1 октябрга келиб 6-вариантда маккажўхори бўйининг баландлиги 214,7 см. ни, барглари сони 11,9 донани, сўталари 1,4 донани, сўта узунлиги 20,9 см. ни, сўтадаги донлар сони 656,3 донани ва 1000 дона дон вазни 168,7 г. ни ташкил этди.

Тупроққа ёзда 15–18 см чуқурликда чизеллаш орқали

2-жадвал

Вариант тартиби	Тажриба вариантлари	Ҳақикий кўчат қалинлиги, минг/га	1.08			1.09			1.10			Сўта узунлиги, см	Сўтадаги дон сони, дона	1000 дона дон вазни, г	Дон ҳосили, ц/га	Кўк масса ҳосили, ц/га
			Бўйи, см	Барги, дона	Бўйи, см	Барги, дона	Сўтаси, дона	Бўйи, см	Барги, дона	Сўтаси, дона						
2007 йил (1-дала)																
6	Ағдармай ҳайдаш (20–25 см)	74.5	118.0	6.4	182.3	9.2	0.9	210.3	11.7	1.3	18.2	536.7	156.5	46.7	259.5	
10	Чизеллаш (15–18 см)	70.4	95.3	5.2	168.7	8.0	0.6	187.2	11.2	1.0	16.9	495.5	133.9	34.6	222.3	
2008 йил (2-дала)																
6	Ағдармай ҳайдаш (20–25 см)	78.4	104.3	6.0	171.5	9.5	1.0	201.2	11.1	1.2	21.5	643.4	162.9	44.4	237.7	
10	Чизеллаш (15–18 см)	74.7	89.5	5.5	156.5	7.8	0.8	179.6	10.6	1.0	18.6	522.3	133.3	36.0	225.5	
2009 йил (3-дала)																
6	Ағдармай ҳайдаш (20–25 см)	76.3	112.2	7.1	188.8	10.1	0.9	214.7	11.9	1.4	20.9	656.3	168.7	48.2	268.8	
10	Чизеллаш (15–18 см)	71.5	92.6	6.0	165.7	8.3	0.5	193.3	10.9	1.0	19.8	531.1	134.3	36.10	231.2	

255,3 ва 226,3 ц/га. ни ташкил этиб, нисбатан 29,0 ц/га. га юқори ҳосил олинганлиги кузатилди.

Хулоса қилиб айтганда, Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида такрорий экин маккажўхорининг нисбатан жадал ўсиб, ривожланиши ва юқори миқдорда дон ҳамда кўк масса ҳосил тўплаши учун ерни ёзда, кузги буғдойдан сўнг 20–25 см. чуқурликда ағдармай ҳайдаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

М.АТАЖОНОВ,

ТошДАУ Андижон филиали мустақил тадқиқотчиси,

Б.ХАЛИКОВ,

қ.х.ф.д., профессор.

АДАБИЁТЛАР

1. Бўриев С.С. Сув танқислигида анғизда маккажўхори етиштириш // Республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Тошкент, 2015. - 2-қисм. - Б. 412-416.
2. Ергабулов Ж., Аминов С. Предпосевная обработка почвы в условиях Каракалпакской АССР // Ж.: Хлопководство. - Тошкент, 1988. - №1. - 23 с.
3. Жабборов И., Аллашев Б. Озиқибон экинлар парвариши // "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги". Тошкент, 2014. - №8. - 12-б.
4. Жумабоев З. Суғориладиган майдонлар маҳсулдорлигини ошириш йўллари. АндҚХИ тўплами. - Андижон, 2005. - 69 б.

“ҲАР БИР ОИЛА – ТАДБИРКОР” ДАСТУРИ УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ БОШ ОМИЛИ

The article examines the enhancement of the entrepreneurial environment in Uzbekistan and the development of small business and private entrepreneurship, as well as the role of the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan of June 7, 2018 on the implementation of the "Every Family-Entrepreneur" program to improve the business activity of households.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисидаги қарори мамлакатимиздаги ҳар бир оиланинг тадбиркорлик билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дастур доирасида Қашқадарё вилоятида ҳам аҳолининг тадбиркорлик қилиш имкониятларини ошириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, бугунги кунда вилоятда мавжуд 462,6 минг хонадонлар тасарруфидаги 55,9 минг гектар томорқа ерларининг:

- 1096 гектари халқ таълими;
- 73,4 гектари мактабгача таълим;
- 441,8 га гектари соғлиқни сақлаш;
- 250,5 гектари касб-ҳунар таълими;
- 40,5 гектари солиқ;
- 93,8 гектари туман ҳокимликлари;
- 21,8 гектари ички ишлар;
- 62,9 гектари маҳалла жамғармаси;
- 497,2 гектари бошқа бюджет ташкилотлари;
- 105 гектари бозорлар, савдо мажмуалари ва бошқа тадбиркорлик субъектлари;
- 258,4 гектари савдо корхоналари;
- 143,5 гектари умумий овқатланиш;
- 216,4 гектари қурилиш;
- 54,9 гектари транспорт;
- 599,2 гектари бошқа соҳа корхоналари;
- 1754,6 гектари фермер хўжаликларида меҳнат қилаётган ҳамда 50253,9 гектари маҳалла фуқаролар йиғинларининг уюшмаган аҳолиси ихтиёрида [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йилнинг 5 октябрда “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фар-

мони ва 2017 йил 1 февралда “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, хусусий мулкчиликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш борасида бешта энг устувор соҳа бўйича 42 та аниқ чора-тадбир амалга оширилишини назарда тутувчи Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди [1].

Дунё миқёсида янги яратилаётган иш жойларининг 3 тадан 2 таси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда яратилмоқда. 20 та ривожланган мамлакатларда барча яратилаётган иш жойларининг 68 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка тўғри келмоқда.

Дастурнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланган:

- тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида мутасадди идоралар томонидан тизимли амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш;

- тадбиркорлик ва даромад келтирадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланмаган аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ва тегишли фаолият турини ташкил қилишга амалий ёрдам кўрсатиш;

- касаначилик ва кичик ҳажмда ишлаб чиқарувчи субъектларни (микромфирмаларни) ташкил этиш учун молиявий ёрдам бериш орқали аҳолига қўшимча даромад ишлаб топиш имкониятини яратиш;

- қишлоқ ва маҳаллаларнинг ихтисослашувини (ҳунармандчилик, тикув-

чилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини етиштириш, ихчам иссиқхоналар ташкил қилиш ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда мазкур соҳада ижобий натижаларга эришган ишбилармонлик тажрибасига эга тадбиркорларни маҳаллаларда янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган оилаларга бириктириш – мини-кластерлар ташкил этиш;

- жойларда оилавий тадбиркорликка кўрсатиладиган хизматлар кўламини тубдан кенгайтириш, тадбиркор оилаларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари савдосини ташкил қилувчи бозор инфратузилмаси объектлари, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаларини барпо этиш;

- қишлоқ ва маҳаллаларда бўш турган ер майдонларини янги ташкил этилаётган оилавий тадбиркорлик субъектларига бериш орқали аҳоли учун қўшимча иш ўринлари ва даромад манбаларини яратиш.

Ҳозирги кунда оилавий бизнес-тадбиркорликнинг жаҳонда энг оммавий тури ҳисобланади. Жумладан, АҚШда оилавий фирмалар сони 15,0 млн. ни ташкил этади. Швецияда ишга лаёқатли аҳолининг 60,0 оилавий тадбиркорлик билан банд.

БМТ ва Халқаро меҳнат ташкилоти оилавий тадбиркорликни камбағалликка қарши курашнинг стратегик йўналиши сифатида эътироф этган. Чунки оилавий тадбиркорликда пенсионерлар, ёшлар, ногиронлар меҳнатидан фойдаланиш имкониятини беради. Шунингдек, оилавий тадбиркорлик оилада ёшларни меҳнатга лаёқатини оширишга имконият яратади.

И.ТУРСУНОВ,
Қашқадарё вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси,

А.ХУРРАМОВ,
и.ф.д., профессор,
С.ХУДОЙБЕРДИЕВ,
магистрант (ҚарМШИ).

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3777 сонли қарори.
2. Қашқадарё вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши маълумотномаси. 2018 йил 1-2 чорак якунлари.

ЮРТГА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ — САОДАТ

Устоз боғбон каби яратувчан касб соҳиби. Боғбоннинг машаққатли меҳнати самараси ўлароқ етиштирилган ноз-неъматларидан халқ баҳраманд бўлганидек, устоз игна билан қудуқ қазииш баробарида, қалб кўрени бахш этиб, илмий ва ҳаётий сабоқлар бериб тайёрлаган маҳсули — шогирдлари сиймосида юртни тараққий эттириш, халқ фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади. Ана шундай юксак саодатга мушарраф бўлган, қарийб етмиш йиллик меҳнат фаолияти мобайнида бир неча ўнлаб шогирдлар тайёрлаган инсонлардан бири Ўзбекистон фан арбоби, академик Оқил Умрзоқович Салимовдир.

О.Салимов 1928 йил 24 декабрда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1950 йилда Ўрта Осиё индустриал институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)ни, 1953 йилда Москва автомобиль йўллари институти аспирантурасини муваффақиятли тугатиб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ёш фан номзоди юртимизга қайтгач, ўзи таҳсил олган олийгоҳда узоқ йиллар ассистент, декан муовини, декан, кафедра мудир ва ўқув ишлари бўйича проректор лавозимларида самарали фаолият кўрсатди.

Интилувчанлиги, ташаббускорлиги, зиммасидаги вазифаларга масъулият билан сидқидилдан ёндашувчанлиги боис 1965—1983 йилларда республика марказий идораларига ишга таклиф этилиб, турли масъул лавозимларда меҳнат қилади. Бир неча йил Ўзбекистон Олий кенгаши раиси бўлиб ишлади.

Зиммасига салмоқли вазифалар юклатилганлигига қарамасдан, у илмий изланишларини астойдил давом эттириб, 1978 йилда докторлик диссертациясини ёқлаб, техника фанлари доктори даражасига эришди.

Унинг бевосита илмий раҳбарлигида ўн еттита номзодлик, еттита докторлик диссертациялари ҳимоя қилинганлиги олимнинг қалби дарёлиги, шогирдпарварлигини намоён этиб турибди.

Олим илмий-педагогик фаолияти мобайнида 10 дан ортиқ дарслик, ўқув қўлланмалари, 8 та монография, 200 дан кўроқ мақолалар нашр эттириб, кўплаб ихтироларга муаллифлик шаҳодатномаси олишга муваффақ бўлган.

Оқил Умрзоқович 1987—1992 йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтида, 1992—1994 йилларда Тошкент давлат техника университетиде ректор бўлиб ишлаганда асосий диққат эътиборини ўқув жараёнида янги педаго-

гик технологияларни қўллаш ва илмий тадқиқотларни ривожлантиришга қаратди.

Ўша йиллари унинг ўта маданиятли, қатъиятли, талабчан, ўзи ва ҳамкасбларининг бажарётган ишларига масъулият билан ёндашадиган раҳбар эканлигига амин бўлганман. У ҳар қандай муаммони ҳал этишда ишни пайсалга солмасдан, имкони борича тез ва ижобий ҳал қилишга ҳаракат қиларди. Табиийки, бу ҳолат жамоада иш унумдорлигининг ошишига, соғлом муҳит яратилишига замин яратарди.

1994—1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири лавозимида ўзининг юксак ташкилотчилик ва моҳир педагогик тажрибасини номоён этиб, олий таълим муассасаларида ёш мустақил мамлакат учун ҳар томонлама етук ва малакали мутахассис-кадрлар тайёрлаш, профессор-ўқитувчиларнинг маҳоратини ошириш масалаларига жиддий эътибор берди.

Устоз бугунги кунга қадар меҳнат фаолиятини давом эттириб келмоқда. Жумладан, Олий мактаб халқаро фанлар академиясининг Ўзбекистон бўлими президенти, Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармаси раиси лавозимларида фаолият кўрсатмоқда. Тўқсон ёшни қаршилаётган устознинг бугунги ғайрат-шижоати, юксак руҳияти, айтиш мумкинки, ёшларимиз учун том маънода ўрнақдир.

Қаерда, қайси лавозимда ишламасин, Оқил Умрзоқович ҳеч қачон шон-шухрат, обрў-эътибор ортидан қувган эмас. У ҳамиша инсонлар оғрини енгиллаштиришга, уларга қўлидан келгача яхшилик қилишга интилди. Доимо илм аҳлини қадрлаб, шогирдларини ҳам шунга даъват этди. Биз шогирдлар унга муносиб бўлишдек юксак масъулиятни доимо ҳис қилиб тураемиз.

У юксак иқтидорли, закий, қалби дарё ва дилбар инсон. Кимнингдир



сўзи ёки қилган иши кўнглига оғир ботса-да, асло сездирмайди, тезда унутиб юборади. Шу боис бўлса керак, у кишининг ҳаётий фалсафаси: “Инсонларни қадрлаш, уларга қўлдан келганича яхшилик қилиб, ёрдам беришдир”.

Шу ўринда бир аччиқ ҳақиқатни эслаб ўтишни лозим деб топдим. О.Салимовни бир пайтлар ўзи эътиқод қўйган, бугун саробга айланган тузум бадном қилишга уриниб кўрди. Лекин унинг ҳалоллиги, оқил ва одиллиги олдида тўхмату иғволар фош бўлди. Устозимизни Истиқлол ардоқлади, маъмурий ва маънавий жиҳатдан барча нуфузини қайтарди.

Унинг элу юртга қилган хизматлари давлатимиз раҳбарияти томонидан муносиб баҳолашиб, “Дўстлик”, “Эл-юрт ҳурмати”, “Меҳнат шўҳрати” орденлари билан тақдирланди.

Азалдан халқ ва жамиятга фидо-корона хизмат қилиб, элу юртда юксак обрў-эътибор ва нуфузга эришган кишилар пири бадавлат, пири бузрук, деб улуғланади.

Бугунги кунда икки нафар фарзанд, ўнлаб неварая эваралар ардоғида умргузаронлик қилаётган устозимиз пири бадавлат инсондир. Шунингдек, жамиятда, илм-фан дунёсида, шогирдлари даврасида уни пири бузрук деб билишади.

Юртга садоқат билан хизмат қилишни ўзининг олий саодати деб билган устозимизни муборак тўқсон ёши билан қизгин табриклаб, ўзимизнинг энг эзгу ниятларимизни тилаб қоламиз.

Ў.УМУРЗАКОВ,
ТИҚХММИ ректори,
и.ф.д., профессор.

ЕТУК ОЛИМ, МЕҲРИБОН УСТОЗ

Пахтачилик мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Шу боис бу соҳадаги илмий тадқиқот ишларига юртимизда алоҳида эътибор қаратилган. Пахта уруғчилиги билан шуғулланадиган олимлар меҳнати эса доимо эъзозланган, қадрланган. Ушбу соҳада баракали ва ҳалол меҳнат қилиб келатган олимлардан бири Жамолхон Аҳмедовдир.

Жамолхон Аҳмедов 1948 йили Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида таваллуд топган. У меҳнат фаолиятини 1963 йили давлат хўжалигида ишчи сифатида бошлаган. 1972 йилда эса Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг Агронимия факультетини тугатиб, яна хўжаликка қайтади ва 1975 йилга қадар муҳандис лавозимида ишлайди.

Ёш Жамолхонда илмга иштиёқ кучли эди. Шу боис у илм билан шуғулланишга бел боғлади. Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга ўтди. Шу билан бирга, илмий иш билан ҳам шуғулланади.

Ж.Аҳмедовнинг илмий ишлари ғўза уруғчилигини яхшилаш, юқори наводорликка эга серҳосил, тезпишар, тола сифати бозор талабларига тўлиқ жавоб берадиган ғўза навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишга қаратилган эди. Илмий изланишлари натижасида 1984 йилда “Ғўза навларини тур ичида ва турлараро чатиштиришда комбинацияланиш қобилиятлари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. Орадан бир неча йил ўтгач, яъни 2008 йилда “Основы комбинационной способности и гетерозиса сортов и гибридов хлопчатника” мавзусида биология фанлари докторлик илмий даражасини олиш учун диссертациясини ҳимоя қилиб, ўрта толали бир неча янги ғўза навларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда иштирок этди. У С-4910, “Ватан”, “ЎзПИТИ-101”, “Ал-Фарғоний”, “Бешарик-96”, “Пахтакор-1”, “ЎзПИТИ-102”, “ЎзПИТИ-103”, “ЎзПИТИ-201”, “ЎзПИТИ-2601”, “ЎзПИТИ-2201” каби ғўза навларининг муаллифларидан бири ҳисобланади.

Домла кўп йиллик илмий ва амалий изланишлари ҳамда ёш ва малакали кадрлар тайёрлашдаги хиз-

матлари учун 2017 йилда профессор унвонига сазовор бўлди.

Жамолхон Аҳмедов ПСУЕАИТИ ҳузуридаги илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳамда Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ва Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ва семинар кенгаш аъзоси ҳамда ПСУЕАИТИ ҳузуридаги илмий даражалар берувчи илмий семинар кенгаши раиси вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Устоз олим 250 дан ортиқ илмий мақолалар ва 20 дан ортиқ тавсиялар ва ўқув қўлланмаларнинг муаллифи ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ж.Аҳмедов ЎзПИТИда Бош директор сифатида ғўза навларини янгилашда хусусан, ҳар бир вилоятнинг тупроқ-иклим шароитига мос, тезпишар, серҳосил, тола сифати юқори касаллик ва зараркунандаларга чидамли ғўза навларини яратиш ва жорий этишга алоҳида эътибор қаратиб келган. Унинг раҳбарлигида институт ва унинг филиалларида яратилган ғўза навлари наводорлиги яхшиланиб, экиш майдони 615 минг гектарга етказилди. Олим томонидан институт ва унинг филиалларида яратилган янги истиқболли “Хоразм-127”, “Бухоро-7”, “Бухоро-8”, “Бухоро-102”, “Андижон-34”, “Денов”, “Қашқадарё-1”, “Наврўз”, “ЎзПИТИ-101”, “ЎзПИТИ-102”, “ЎзПИТИ-103”, “Андижон-35”, “Андижон-36”, “Андижон-37”, “Ибрат”, “Термиз-202”, “Термиз-208”, “Пахтакор-1”, “ЎзПИТИ-2201”, “ЎзПИТИ-2601”, “Қуббо” каби ғўза навларини ишлаб чиқаришга жорий этишга ҳамда институт ва унинг филиалларида тупроқ унумдорлигини, мелиоратив ҳолатини яхшиловчи, экинлар ҳосилдорлигини оширувчи янги агротехнологиялар яратишга катта эътибор қаратилди.



Ж.Аҳмедов уч нафар фан номзоди, 6 нафар магистр тайёрлаган, икки нафар докторант ва уч нафар изланувчига илмий раҳбарлик қилиб келмоқда.

Шунингдек, институт салоҳиятини оширишда, ёш иқтидорли кадрлар тайёрлашга, илмий ходимлар, докторантларга диссертация ишларини қисқа муддатда ҳимоя қилишларида имконият ва шароитлар яратишда амалий ёрдам бериб келмоқда.

Бундан ташқари, Ж.Аҳмедов қишлоқ хўжалигига тааллуқли олий ўқув юртлари билан ўзаро ҳамкорлик асосида миллий кадрлар тайёрлашда ҳамда ҳар йилги фермерлар ўқувида фаол иштирок этиб, ўз ўқув қўлланма ва тавсияларини тингловчилар эътиборига ҳавола этмоқда.

Жамолхон ака раҳбар ҳамда олим сифатида талабчан, ташкилотчи ва меҳрибон инсон. Ўз устидо доимий ишлаб, илмий савияси, салоҳиятини ошириб боради ва ёшлардан ҳам шуни талаб қилади. У жамоат ишларида ҳам фаол. 5 нафар фарзанднинг меҳрибон отаси, тўққиз нафар набиранинг суюкли бобосидир.

Фурсатдан фойдаланиб, устозимизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, қишлоқ хўжалиги илми ривожидо тинмай меҳнат қилишлари ва шогирдлари сафи янада кенгайишини тилаб қоламиз.

ПСУЕАИТИ жамоаси ва бир гуруҳ шогирдлари

ЕНОТЛАР ДАСТИДАН ДОД

Енот сарғиш-кул ранг мўйнали кичкина ҳайвон. Мамлакат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини пайҳон қилаётган, шу билан бирга, жуда тез кўпайиб бораётган бу ҳайвонларга қарши қандай чора топишни билмай япониялик фермерларнинг бошлари қотган.

Кунчиқар юрт ҳукумати енотларни маҳаллий ўсимлик ва ҳайвонот оламига зарар келтирувчи жонзотлар рўйхатига киритди. “Бизнинг тадқиқотларимиз шунни кўрсатмоқдаки, охириги ўн йилда енотларнинг яшаш ҳудуди уч баробарга кенгайган”, дейди зараркунанда жониворларга қарши кураш гуруҳи ходими Харука Ямагучи.

Енотлар мамлакатнинг 47 префектурасидан 44 тасини аллақачон “эгаллаб бўлган”. Қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришга ихтисослашган префектура-



ларда уларнинг фаоллиги ошганлиги айниқса ачинарлидир.

Ҳатто мамлакат қишлоқ хўжалиги вазирлиги фермерларга электр тўсиқлар ўрнатиш учун имтиёзли кредитлар ажратишини маълум қилди.

“Ҳозир биз учун асосий муаммо бу енот ва циветлардир. Улар Японияга XIX асрнинг охирида мўйнаси учун келтирилган эди, — дейди профессор Кевин Шорт. — Енотларга келсак, улар “Паскал исми енот” мультфильмидан сўнг жуда машҳур бўлиб кетди. Одамлар бу жониворлар кичкина пайтларидагина момик ва ёқимтой бўлишларини англамай катта маблағлар эвазига хорихдан буюртма беришни бошлашди. Катта енотлар ўз соҳибига анчайин ташвиш келтиради. Шу боис соҳиблари уларни ёввойи табиатга чиқариб юборишни афзал кўришди. Бугун бўлаётган кўнгилсизликлар ана шу воқеалар оқибатидир”.

НИКЕЛЬ ДАРАХТИ

Тинч океанидаги ороллардан бирида ҳақиқий табиат мўъжизаси ўсади. Бу дарахт берадиган ширанинг 25 фоизи металлдан иборат.

Илмий тилда *Ruscandra acuminata* деб аталувчи ушбу дарахт ердан никель моддасини тортиб олиб, ўзида сақлайди. Никель дарахтдан чиқадиган оч ҳаворанг-яшил ширанинг 25 фоизини ташкил қилади.

Оддий дарахтлар учун оғир металллар хавфли ҳисобланса, *Ruscandra acuminata* нафақат заҳарли модда билан тўйинган ерда ўсади, балки никель билан озикланишни ўрганган. Дарахт никелни бутаси, барглари ва мевасида йиғади.



Шуниси ачинарлики, сўнгги пайтларда *Ruscandra acuminata* дарахти йўқолиб кетиш арафасида турибди. 1970 йилда олимлар бу дарахтларнинг 65 тасини санашган бўлсалар, бугунга келиб, уларнинг қарийб ярми кесилиб, йўқ бўлиб кетган.

Мазкур мўъжиза дарахт хусусиятларини ўрганишга биология, физиология, биокимё бўйича етук мутахассислар жалб қилинган бўлса-да, улар ҳалигача *Ruscandra acuminata* қандай қилиб ерни никелдан халос қилиб, ўзида йиға олиш сирининг тагига ета олганлари йўқ.

ГИННЕС РЕКОРДЛАР КИТОБИГА ДАЪВОГАР ҚОВОҚ

Россиянинг Луховица қишлоғида етиштирилган қовоқ ўзининг оғирлиги билан Гиннес рекордлар китобига киритилиши мумкин. Ушбу улкан сабзавотни фермер Андрей Гусев ўз томорқасида етиштирди.

Бугунги кунгача қовоқ 520 килограмм тош босмоқда. Гусевнинг сўзларига қараганда, сабзавот ҳар куни 2 килограммга оғирлашмоқда. Аммо бу ойда уни ўлчаш учун Москвага келтириш ва рекордни қайд этиш лозим.

Улкан қовоқни пойтахтга келтириш ҳам анча куч талаб этади. Селекция мўъжизасини кўтариш учун бугун бошли кран зарур бўлади. Аммо Ботаника боғи хизматчилари бу борада тажрибага эга. Улар ўтган йили Истра шаҳридан 480 килограммлик қовоқни Москвага келтиришган эдилар.



ЎЗБЕКИСТОН QISHLOQ XO'JALIGI

(«Сельское хозяйство
Узбекистана»)

Аграр-иқтисодий,
илмий-оммабоп журнал

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги ва Сув
хўжалиги вазирликлари

ҲАМКОРИМИЗ:

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси Қишлоқ
хўжалиги ва озиқ-овқат
таъминоти илмий-ишлаб
чиқариш маркази

Бош муҳаррир:

Тоҳир ДОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Баҳодир ЮСУПОВ

Шавкат ХАМРАЕВ

Аброр ВАХАБОВ

Шухрат ТЕШАЕВ

Баҳром НОРҚОБИЛОВ

Низомиддин БАКИРОВ

Тўлқин ЭШНАЗАРОВ

Абдушукр АБДУЛЛАЕВ

Ботиржон СУЛАЙМОНОВ

Ўктам УМУРЗОҚОВ

Равшанбек СИДДИҚОВ

Мирзиёд МИРСАИДОВ

Бахтиёр КАРИМОВ

Ибрагим ЭРГАШЕВ

Қамар СЕРКАЕВ

Мурод АШУРОВ

2018 йил,
№12. Декабрь

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:
якка обуначилар учун – 894
ташкilotлар учун – 895

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига	1
Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони	2
Т.ДОЛИЕВ. Юртимизда байрамлар шуқуҳи	4
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори	6
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бошоқли дон етиштиришни янада рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига шарҳ	8
Р.СИДДИҚОВ. Майса парваришида декабрь ойида нималарга эътибор бериш керак?	10
Р.АБДУЛЛАЕВ, С.ШОДИЕВ. Боғбонга қишда ҳам юмуш бисёр	11
Р.НИЗОМОВ, Е.ЛЯН, Ф.РАСУЛОВ. Иссиқхонада помидор ёки бодринг етиштирмоқчимисиз?	12
М.ТОШБОЛТАЕВ. Машиналарни авайлаб сақлайлик	14
Р.ҚЎЗИЕВ. Табиатнинг беназир эҳсони	16
С.АЛИҚУЛОВ. Кузги шудгор самарадорлиги	17
“Томчи” мобил иловаси – сув тежашда ёрдамчи	18
О.НОРБЕКОВ. Куз неъматлари намойиш этилди	19
Ш.ЖАББАРОВА. Йилнинг энг яхши фермери	20
Тошкентда йирик халқаро кўргазмалар	22
Б.ЭСАНОВ. Ҳам шифо, ҳам манфаат	22
Д.ЁРМАТОВА. Бир пайлар юртимизда чой етиштирилган, энди-чи?	23
Сув келтирган азиздир	24
Ш.ЖАББАРОВА. Сувчиликнинг ҳам машаққатлари бор	25
К.ЭРГАШЕВ. Чўлдаги бўстон	26
Ш.СОДИҚОВА. Файратли Файратбек	27
Ф.МИРЗАЕВ. Агро илмдан яралган аҳд	28
Р.ҚОЗОҚОВ. Камтарлиги камолга етказди	30
Р.ТОЖАЛИЕВА. Навоийнинг саховат сарчашмалари	31
Ўрмончилик фидойиси	32
К.ЭРГАШЕВ. Балиқчилик – сердаромад соҳа	33
Заркентлик заршунослар	35
С.РАХМОНКУЛОВ, Х.ЧОРИЕВА, Х.ЖАЛОЛОВ, Н.ОЧИЛДИЕВ. Ингичка толали “Термиз-202” ва “Термиз-208” ғўза навларининг иқтисодий самарадорлиги	36
Т.ОСТОНАҚУЛОВ, О.АЛИМАРДОНОВ. Картошкани иккиҳосилли экин сифатида парваришlash	37
Ф.ОБЛОҚУЛОВ, Д.НОРМУРОДОВ, Д.ЭРГАШЕВ. Янги картошка навларини иккиҳосилли экин сифатида етиштириш натижалари	38
Х.ТЎЙЧИЕВ, Г.РУСТАМОВА, Н.САРИБОЕВА, У.РАСУЛОВ. Повловния ўсимлиги кўчатлари етиштиришни жадаллаштиришга биостимуляторлар таъсирини ўрганиш	39
М.АВЛИЁҚУЛОВ. Ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлардан йил давомида фойдаланишда тупроқ сув ўтказувчанлигининг ўзгаришлари	40
Қ.ДАВРОНОВ. Ғўза парваришида “биоэнергия” биоўғитини қўллашнинг пахта ҳосилдорлигига таъсири	41
М.АТАЖОНОВ, Б.ХАЛИКОВ. Тупроққа ёзги ишлов беришнинг турли усуллари ҳамда такрорий мажажўхорининг ўсиб-ривожланиши	42
И.ТУРСУНОВ, А.ХУРРАМОВ, С.ХУДОЙБЕРДИЕВ. “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури уй хўжалиklarининг тадбиркорлик фаоллигини оширишнинг бош омили	44
Ў.УМУРЗАКОВ. Юртга садоқат билан хизмат қилиш – саодат	45
Етук олим, меҳрибон устоз	46
Агроолам	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот
ва ахборот агентлигида 2007 йил
11 январда 0158-рақам билан
рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент
Шайхонтоҳур тумани,
А. Навоий кўчаси, 44-уй.
Тел: +998 71-242-13-54,
+998 71-242-13-24.
www.qxjournal.uz
E-mail: qxjournal@agro.uz,
uzqx_jurnal@mail.ru

© «Ўзбекистон қишлоқ хо'jaligi»

Босмахонага топширилди: 2018 йил
10 декабрь. Босишга рухсат этилди:
2018 йил 10 декабрь. Қоғоз бичими
60x84 1/8. Офсет усулида офсет
қоғозига чоп этилди. Шартли босма
табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табағи 5,0.
Буюртма №375 Нусхаси 3200 дона.

«PRINT LINE GROUP» ХК
босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳкўчаси, 44-уй.

Навбатчи муҳаррир: Б.ЭСОНОВ
Дизайнер: Н.БОЛТАЕВА